

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**

Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ

**Бош муҳаррир:**

Собир УНАР

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Луқмон БЎРИХОН

**Масъул котиб:**

Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Муҳаммад АЛИ  
Иқбол МИРЗО  
Абдусаид КЎЧИМОВ  
Сирожиддин САЙИИД  
Алишер НАЗАР  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

**Саҳифаловчи:** Ғиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

**Манзилимиз:**

Тошкент. ш.  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-"а" уй.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/fax:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



**© "Ёшлик" № 6 (268) 2013 й.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги  
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

**МУНДАРИЖА**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

**Аҳмад АЪЗАМ.** Гулзордаги алафлар. .... 2

**МУЛОҚОТ**

**Иброҳим ҒАФУРОВ.** "Қодирий қошида қизармайсизми?". .... 7

**ДРАМАТУРГИЯ**

**Қўчқор НОРҚОБИЛ.** Сув кўрмай этик ечма. .... 15

**НАСР**

**Нурилла ЧОРИ.** Бўрон тинган кеча. Ҳикоя. .... 36

**Асад АСИЛ.** Ташналик. Ҳикоя. .... 44

**Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи.** Соғинч кўшиғи. Ҳикоя. .... 52

**Дилсора АБДУСАТТОРОВА.** Туғилган кун. Ҳикоя. .... 56

**НАЗМ**

**Ҳол Муҳаммад ҲАСАН.** Тоғлар тилим тушунгай. Туркум ..... 12

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ.** Сен билан баҳордир умрим куз фасли. .... 34

**Шойим ШЕРНАЗАР.** Хушбўй насим таралар дилга. .... 42

**Замира РЎЗИЕВА.** Субҳи чоғлар мужда кутдим насимларимга. .... 46

**Икромжон АСЛИЙ.** Интиқдирман ҳамиша баҳоринга, муҳаббат. .... 51

**Гулчеҳра РАҲИМОВА.** Порлоқ орзу-ўйимда сирлар кечгай тунлари. .... 54

**Шавкат ОДИЛЖОН.** Сиз тўзғийсиз булутлар мисол. .... 61

**МУШОҲАДА**

**Абдулла УЛУҒОВ.** Шақл эмас, мазмун муҳимроқ. .... 31

**НИГОҲ**

**Зилола НАМОЗОВА.** Поэзия ёхуд шеър умри. .... 40

**ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ**

**Кэтрин МЕНСФИЛД.** Садақа. Ҳикоя. .... 48

**БИРИНЧИ УЧРАШУВ**

**Алишер МУҚУМОВ.** Дилга яқин ҳар битта сўзинг. .... 55

**Маҳфуза ИМОМОВА.** Чорлаяпман латиф бир тонгни. .... 58

**Феруза ТЎРАЕВА.** Йулоччи. Ҳикоя. .... 61

**АДАБИЙ ҲАЁТ**

**Уйғун РЎЗИЕВ.** Ҳаммаси болалар учун. .... 59

**МУТОЛАА**

**Дилафрўз ЗЕБАРОВА.** "Оқ қоғоз кўнглимнинг туғилган ери". .... 62

**ЕЛПУҒУЧ**

**Макс АДЛЕР.** Уйқу арафаси. Ҳажвия. .... 64

Бошишга 08. 07. 2013 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822. ИССН 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган. Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт. "Ўқитувчи" НМИУ босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма № 105-13. Адади 5750 дона. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.



Аҳмад АЪЗАМ



## ГУЛЗОРДАГИ АЛАФЛАР

Гапни бир мисолдан бошласам, мисолки, сизни ўзингиз кўриб келаётган шунга ўхшаш жуда кўп бошқа мисолларга яна рўпара қилади. Узр, шу гапим ҳам ўнғовсизроқ чиқяпти. Лекин муаммони бирга, кўпчилик бўлиб ўрганишим керак-ку, боиси унинг шунча кенг тарқалганида, ҳаммамиз бирга ўйлашимиз лозимлигида.

Хўш, янги бош директор эдим, студия ғаладонидан маълум сабаблар билан беш йилми, кўпми “осилиб” ётган сценарийни ўқиб қолдим-да, дарров ишга тушириб юбордим. Киночиларга раҳбар бўлиб келишимдан илгари юзлаб кўрсатув, ҳужжатли фильм қилган бўлсам-да, ҳали бирор марта бадиий фильмни суратга тушириш жараёни тепасида турмаган эдим. Бир куни каттасиниб, шу фильм “съемка”сидан хабар олгани бордим. Жуда мураккаб юмуш экан: “мотор-стоп”, “бошладик-тўхтат!”, “қайтадан кетдик”, “дубл!”... Таниқли санъаткорлар ўйнаб беряпти. Улардан ичимда сал ҳайиққаним боис, раҳбардек ақл ўргатмай, чеккада қараб ўтирдим. Лекин бир жойи келди, сюжет бўйича “эру хотин” айтишиб қолади, шунда “хотин” “эри”га аччиқ қилиб, сиз кетсангиз, мен ҳам биттасини топиб оламан мазмунида: “Тешик мунчоқ ерда ётмайди”, деди. Суратга олиш тез-тез тўхтаб, сахналар қайта-қайта олинади, орадаги танаффусда ўша “хотин” актрисага: “Синглим, сценарийдан чиқманг. “Тешик мунчоқ ерда ётмайди” эмас, “Тешик кулча ерда ётмайди” эди”, дедим. Актриса русча ўқиган, табиий, муомаласи, тили ҳам ўрисча эди. “Йўқ, мен шундай дейман! Мунчоқ тешик бўлади (Нет, я так говорю! Мунчаки тишик бывают)”, деб менга ақл бўлди. Оббо, мунчоқнинг тешигини билар экан, лекин шундай мақол борлигидан тубдан беҳабар! Тепадан

пастга тушмаса, қаёқдан ҳам билсин! “Фалончихон, бу – кенг тарқалган халқ мақоли, ўзбекчани бузиб айтманг. Ҳа, мунчоқ тешик бўлади, лекин майдалигидан ерга тушса ҳам, кўринмайди, ётаверади. Аммо кулча – бу нон, шунинг учун унинг тешиккулчаси ҳам ерда ётмайди. Мабодо тешиб қолса ҳам, одамлар олиб, кўзига суртади”, дедим. “А я не хочу! Из-за какое-то узбекское слово не буду изменит свой язык”, деб, тил маданиятини оврупоча англлар экан, айтганида туриб олди. Шунда режиссёр акамиз қулоғимга: “Унча фарқи йўғ-у? Майли, ҳозир кўнглини хира қилманг, мунчоғини дубляжда тўғрилармиз”, деб шивирлади. Биламан, тасвирга олиш жараёнида бировнинг аралашиси, ақл ўргатиши ножоиз, ҳам актрисанинг тарбия кўрган муҳити бошқа, табиийки, халқниқидан фарқли шароитда яшаётган бу “элита” вакилига минг тушунтирган билан фойдаси йўқ, она тилини шунча янтоққа судраб гапиришини ҳам унга бир марҳамат кўрсатиш деб ўйлайди. Турган гап, мендан ранжиб қолди. Рост-да, шундоқ таниқли санъаткорни қанақадир авом сўзни айтишга мажбур қиляпман... Асли бу томорқа режиссёрники, унга сценарийдан чиқмасликни тайинлаб, қайтдим.

Фильм суратга олинди бўлди, йиғма, яъни монтаждан ҳам чиқди. Энди “овозлаштириш” (“озвучивать”нинг таржимаси-да бу сўз), яъни фильмга овоз бериш, дубляж гали келди. Биласиз, актёр энди экрандаги ўзига қараб яна “ролга кириб” овозини ёздирди (ҳозир кўп фильмларда бу қоида қолиб кетган – актёр ёдламайди, матнни олдига кўйиб ўқийверади, шундан диалоглар сунъий чиқади). Хўш, шунда режиссёр акамиз ҳузуримизга қадам ранжида қилдилар: “Шу, укажон, бир илтимос: шу, актёримиз

Аҳмад АЪЗАМ

*Атоқли адиб, мунаққид, журналист. 1949 йили Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат университетида таҳсил олган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Адибнинг “Ойнинг гардиши”, “Бу куннинг давоми”, “Асқартоғ томонларда”, “Соясини йўқотган одам”, “Ҳали ҳаёт бор”, “Ўзи уйланмаган совчи”, “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” каби асарлари ўқувчилар эътиборини қозонган.*

ўз шевасида гапирса!”. “Гапиравермайдими, ким унинг оғзига хўжайин? Мендан нимага сўрайди?”, дедим ажабланиб. “Йўқ, фильмда ўз шевамда овоз берсам, шунга бош директордан рухсат олиб беринг, деяпти”. Ана холос! Қаёққа келиб қолдим! “Сценарий тоза адабий тилда ёзилган, тилни бузиб нима қилади?”, дедим. “Ўз шевамда овоз берсам, чапанилигим самимий чиқади, деяпти. Арзимас гап-ку! Йўқ деманг энди сиз”, деб ялинди режиссёр акамиз. Бу кишим ҳам актёр томонида! Рухсат сўраганига ҳам раҳмат – анов кунги баҳс эсида-да. “Ака! Давлат тили ҳақида қонун бор, бунга адабий тилга риоя қилиш ҳам киради. Қонун ҳар қандай бош директордан, ундан катталаридан ҳам баланд туради, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кейин фильмда шевада гапириш чапанилик эмас, маданиятсизлик. Қаҳрамоннинг чапанилигини тил бузишда эмас, ижрода кўрсатсин эди”, дедим. Режиссёр акамиз босиқ-вазмин одам, бўлди, тушундим, деди-да, чиқиб кетди. Ўзимнинг ичимдан нималар ўтганини англаб турибсиз: бу шунақа, менга бегона бир дунё экан! Ҳалиги санъаткор жўраминг ҳам, турган гап, бош директор ошириб юборяпти, шевага қарши, мана, шевада шунча фильм олиняпти-ку, биров бировдан қонунга бўйсунушни талаб қиляптими, деб ёзғиради.

Овоз беришда у жумлани бузмади-ю, лекин ба-рибир талаффузни шевача қилди. Буни тўғрилаш, албатта, мумкин эди, аммо сут билан киргани чиқариш... ўзингиз биласиз. У кишим сал ўтиб бир мустақил телеканалда кўрсатув олиб бора бошлади, албатта атайин шевада ва... мана бўлмасам деб, мустақил бир газетада “Мен атайлаб шевада гапирман” деган чиқиш ҳам қилдилар.

Бу мисол ўша, етти-саккиз йил олдин урчиб бошлаган, кўп одамларга арзимас туюлган ҳолатларнинг бир кўриниши эди. Эндига келиб, уни юз ё мингга кўпайтиринг, ўзимиз кўниккан, кўникаётган манзара – киночилигимиз тилининг кундалик манзараси кўз олдингизга келади. Не тонгки, тил ҳам айниб, маънавий тарбияга зид шалоқ аҳволга тушган!

Мен бу мисолни ўзингиз биладиган муаммони яна бир ўйлаб олиш таклифида айтяпман.

Юксак минбарлардан ҳам айтиляпти, матбуотнинг ўзида гапириляпти, бонг ураётганлар чиқяпти, аммо ўз – ўзбек тилимизнинг бугуни ва эртаси борасидаги бу ташвишу даъватлар ўзимизнинг лоқайдчилигимиз ботқоғига чўкиб кетаётир.

Дод деб юборинг келади – қоғозга додлайсан одам! Қоғознинг эса фақат қулоғи бор, оғзи йўқ – садо бермайди! Ахир, ҳамдардга додлайсан-да, одам!

Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару кўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳаммаёқни чет атамалару чаласавод эрлик, реклама матнларига тўлдирётган, алламбало алфозда жилд-жилд босмаларни “бадий асар” деб чиқараётган, эфирда қанақадир яроқсиз “ўзбекча” вағиллаб турганлар шу лоқайдлик ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир ва уларни инсофга чақириш, тарбияли бўлишга ундаш, тил – бу тафаккуримиз замини, миллий бойлигимиз – ўзлигимиз, уни

бузиш эмас, кўриқлаш, асраш, тозалаб туриш лозимлигини ўқтириш ҳам бефойда. Худди мен ёзаётган шу гапларни ҳам деворга гапираётганим каби.

Албатта, шевада гапирсинлар, тўйиб гаплашсинлар. Зеро, шевалар тилнинг илдизлари, тўғрироғи, булоқлари; улар ҳам қуриб қолмаслиги лозим. Лекин афсуски, шеваларни ҳам ОАВнинг сунъий тили тангликка солиб қўйган, глобаллашувни рўқач қилиб, унинг панасида ёт атама, ёт ибора, бузуқ бирикмалар уларга ҳам бостириб кираётир. Ҳаётнинг равиши – кексалар ўтиб кетади, катталар кексади, изимиздан келаётган ёш авлод “глобаллашиб”, ўз шевасини майиб-майриқ қилиб гаплашади – бу булоқларнинг ҳам қуриб бошлаганини шундан ҳам билса бўлади.

Гапжамоат минбари эгаси адабий тил экани ҳақида кетаётир! Миллатнинг таркиб топиш омили ва шу миллатдаги бошларни бир-бирига қовуштириб келаётган тилимиз ҳақида. ОАВ минбарига чиққан, кўпчиликка юзланган одам, агар ўзини хурмат қилса, марҳамат қилиб адабий тилда гапирсин! Минбарга етган одамнинг елкасида умуммиллат юки бўлиши зарур! Мактабдан олий ўқув юртлиригача, мажлису йиғинлардан расмий тадбирларгача давлат тилида бўлиши лозим ва лобид! Давлатимизга мадҳу сано ўқиманг, унинг тилига амал қилинг. Ахир, кеча уни ҳимоя қилиб кўчага чиққан ўзимиз эмасми! Ҳамма дарслар адабий тилда ўтиладиган, устозлар ўқувчилар шевасини адабий тилга буриб, уни ўргатадиган чиройли қонун мажбуриятлари қаерда қолди? Энди буни қилиб бўлмайди, деб ўйлайсизми? Йўқ, бўлади! Мен эски шаҳарнинг қоқ марказида тураман, шу маҳалладаги мактабда мучал тадбири бўляпти экан. Таклиф қилдилар, бордим. Икки соатча ўтириб, ўқитувчиларнинг гапларини, болаларнинг сўзга чиқишлари, шеър ўқишлари ва қўйган саҳналарини томоша қилдим. Болаларнинг ҳаммаси шу атрофдан, асосан туб тошкентлик оилалардан, ўқитувчилар ҳам шундай. Лекин бир оғиз ҳам шева эшитмадим. Ҳайрону хурсанд бўлиб ёнимда ўтирган ўқитувчига: “Қандай яхши, болалар мактабда адабий тилга риоя қилар экан”, десам, ўқитувчи сапчиб тушди: “Вой, нима деяпсиз, мумкин эмас! Дарсларни адабий тилда ўтамиз, ҳовлида ҳам болаларнинг адабий тилни бузиб гапиришига йўл қўймаймиз. Ахир, бу давлат тилимиз-ку!” деди. Бўлар экан-ку! Қойил бўлдим, лекин қани эди ҳамма мактабда шундай бўлса! Афсус!

Асли муаммонинг туби чуқурроқ, масала тилнинг сут билан қачондан кириши, боланинг она тилини қаердан ўрганиб бошлашида. Бешик тебратадиган келинларнинг бир қўли бешиқда, икки қўзи телевизорда – алла айтиш фақат кўрик-танловларда қолди. Оналар рўзгордан бўшамай ҳам телевизорга қадалиб олади. Бола бир нарса сўраса, бошимни қотирма, бор кўчага, ўйна ё дарсингни қил, деб ҳайдайди. Эраклар иш билан, боласи билан гаплашиб ўтиришдан ўзини олиб қочади. У ҳам хотинига қўшилиб сериал кўради. Эртақ айтиб берадиган бувилар ўзи азалдан сийрак, экранга қўзи ўтгани... бунда ҳам ўша аҳвол. Булар ҳам ўтиб кетяпти. Дастурхон устидаги гурунглари йўқ бўлиб кетди. Бола қаердан тил машқини

олади – у ҳам ноилож, телевизорга тикилади, сал эси киргани компьютерни титкилайди, суррогат нарсалар онгига қуйилаверади, жумладан бузуқ тил ҳам.

Албатта, ота-она болаларига эга-кесим ундоқ бўлади, тил қоидалари бундоқ бўлади деб ўргатиб ўтирмайди. Аксинча, боланинг тили табиий муҳитда: ўзаро мулоқот, сўзлашув, ўйинлар, ҳангомаларда камол топади. Ва мактабда бу тарбияни олади. Тўғ-рироғи, олиши лозим. Мактабларда эса тил ўқитилиши ўқувчи болалар учун оғирлик қиладиган, зерикарли қоида-ю боғланишлар изоҳига ўтиб қолган. Азалдан бери шундай. Мактаблар жонли мулоқот тилини ўргатмайди, эгаю кесим, гап бўлақларини кўрсатиб беради, холос, бинобарин, тирик тилга муҳаббат ҳам уйғотмайди,

Фикр шаклланиши, тилни билишнинг яна бир муҳим омили – китоб, бадиий асар. Ҳозир ўқувчиларнинг аксарияти китоб ўқимайди, бадиий асарларни варақлаб кўрмайди. Устига устак, дарслик – хрестоматиялар ҳам камбағал, улар ном санаш билан, ўтмишдаги катта адибларимизнинг ҳозирги ёшларнинг дунёқарашини, қизиқишини, дунёбинлигини, кўнгил кечинмаларидан йироқ асарлари билан тўла. Ёшлар ўқийдиган нарса кам. Мана, бугунги кунга келиб шу мактаблар эккан арпа ҳосилини ўряпмиз-да, ёшларимизнинг тили бунча камбағал, бунча сунъий деб, нимага булар беодоб бўлиб кетяпти, деб ёзғирамиз. Қўшиқ айтяпман деб алмойи-алжойи шанғиллаб ётганлар, уларга шайдойи қарсак уриб, ўйинга тушаётганлар нафақат тил масъулияти, тил номуси нималигини, балки унинг ўзи нималигини ҳам билмайдилар. Ғулийликни ўзи ихтиёр қилиб танлаган ва шу билан фахрланадиган манқурт тоифа! Бу ўзимиз етиштираётган авлод.

Миллат руҳининг ифодаси бўлмиш адабий тилни бузмай, бўлақламай ривожлантириш керак. Зеро, у давлатчилигимиз асоси ҳамдир. Тўқсон икки бовли ўзбекни бирлаштирган! Энди бу ўзбекнинг ҳар элати мактабдан бошлаб ўз шевасида гапириб, ўқиб-ёзадиган бўлса, кейин адабий тилни ҳар ёққа тортқиласа, тасаввур қиласиз-ку қаёққа ўтиб кетишимизни! Ўзи-ку шўро яхлит яшаб келаётган туркий миллатни сен алоҳида, сен алоҳида, мана, сенга битта республика, камроғинга, мана, мухторият деб улусларга бўлиб, орага қутқу уруғини қадаб қўйган эди. Туркистон туркийлари ҳар бири алоҳида миллат бўлиб олди, майли, бу миллатларга ҳам баракасини берсин. Лекин ягона туркий тил бўлақланди, ҳар бўлаги ўзича ихоталаниб олди. Бир-бирини балодай тушунган эллар бугун қон-қардоши тилини лўғатсиз англаши мушкул. Майли, ҳар бири ўз давлатида униб-ўссин, тараққий топсин, лекин умумтуркий тил бирлигини йўқотмасинлар. Бу тил Туркистондай улкан худудда умргузаронлик қилаётган миллатлар тафаккури ривожининг гаровидир. Бу тил бирлигига раҳна солиш бугунги кунда ҳар бир туркий миллатнинг ўзини ичдан парчалашга ҳам олиб келади. Ўтмиш тарихларда бу неча бор қайтарилган, ялакатмағиз катта улуслар парчаланган.

Умумтуркий дарёнинг ариқларга бўлақлаб ташлангани етмагандай, чиғатой тилини адабий тилга

айлантиришда лексик бой имкониятлар яна ҳам тортайтирилган, бугунги ўзбек адабий тилига асос қилиб қарлуқ-чигил шеваларигина олинган. Масалан, жуда улкан ареал-қипчоқ лаҳжаси шеваларининг аксарии бойликлари адабий тилга киритилмагани бизни қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой тиллари... умуман Россиянинг марказий, жанубий, шимолий худудлари, Олтой ўлкалари, Мўғулистон, Хитой худудларида яшаётган туркий халқ, эл-элатлардан орамизни узоқ қилиб, лексикамизни ҳам торайтириб қўйган, бинобарин тилимизнинг ифода имкониятлари чекланиб қолган. Жаҳоннинг етакчи тиллари қаторига чиқа олмаслигимиз сабабларини ҳам шу ердан излаш керак. Бу менинг эмас, тилчи мутахассислар фикри ва бу ҳақиқат. Айни пайтда лексикографиямизга ўғуз шевалари бойликларидан жуда оз киритилгани учун, мана, бугунги кунга келиб усмонли турк ва туркман тилларини гаплашганда англашимиз қийин, ўқишда эса лўғатга муҳтожмиз. Бу “илмий” тадбирлар оқибатида адабий тилимизнинг сўз бойликлари камбағаллашиб, ифода имкониятлари яроқсиз ахволга тушиб боряпти. Гап тилимизнинг чиндан-да бугунги замон талабларига жавоб бера олиши ё бера олмаслиги борасида кетаётир.

Тескари иш қиялпмизми дейман. Тепада мен келтирган мисол майда, аммо катта ҳам майдадан каттаради. Ҳозир биз ОАВ, ТВ-радио тилини ҳар биримиз ўз маҳалламиз, ўз туман-вилоятимиз шеваларига тортқиласак, бу майдаликлар ёриғи эртага бориб жарликка айланади. Алалоқибат ўзбек миллатининг ҳам бир бутунлигига таҳдид солади. Бу ваҳима гап ё муболаға эмас, энди уч бериб ўсаётган хавф. Наҳотки бўрини кўриб туриб ўзимизни асрамасак, узоқ ва яқин ўтмишдаги бўлинишлар сабоқ бўлмаса!

Соҳибқирон бобомизнинг: “Бизким, малики Турон, амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг қадими ва улўғи туркнинг бош бўғинимиз” деган гапларини айтиб фахр қиламиз-у, бу ўғит-васиятни танзимизга олмаймиз.

Туркий чиғатой, яъни ҳозирги ўзбек тилимиз ўтмишда барча туркий эл ва элатларга тушунарли бир ўзак тил эди. Турк Юнус Эмро, туркман Махтумқули, озар Фузулий, қозоқ Абай, қорақалпоқ Бердақ битта тил дарёсидан баҳра олган ва бугун уларни ўгириш ҳам унча шарт эмас. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Манас”, “Ўғузнома”, “Қўрқут ота” бир тил заминида яратилган. Бу тилнинг бош бўғини – шу, она тилимиздир. Уни асраб-авайлаш, унинг шева-лаҳжаларининг тоза булоқларидан яна сув олиш, фақат ўзимиз учунгина эмас, қардош тиллар ривожини учун ҳам ниҳоятда керак. Тилда олди-берди ўзимиз учун ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Негаки тилимизнинг оҳори тўқияпти, тақирланиб бораётир. Гулу чаманзор бўлиши лозим замин сувсиз биёбонга айланаётир. Гап фақатгина чет истилоҳлар истилосида ҳам эмас, тилимиз ичдан ҳам емириляпти: “Мен ёлғиз қолишни хоҳлайман” – нима дегани бу, эри ўлиб, бева қолишни истаяптими ёки ёнимдан кетинг, демоқчими? Қайси тилда бу? “Мени ўз ҳолимга (тинчимга) қўйинг” деса бўлар эди-ку! Йўқ, шунақа

бесўнақай гап қулоғимизга ҳар куни қайта-қайта қуйилади, шундай гапиришни одатга айлантиради. “Айиқларнинг билиш қобилиятлари жуда ривожланган”, “Юзлаб шундай иплар осилиб туришади” (Форда тепадан силқиб тушадиган олтингугурт кислотаси ҳақида), “Барнео курбақалари мана шундай имошоралардан фойдаланишади”, “Улар истаганча яшашимга имкон беришади” (баланд биноларга тирмашиб чиқадиган анув одам ўз оиласи ҳақида) “Ҳозир кайфиятингни кўтаришга ҳаракат қилиб кўраман”, «Қайнатилган қозондаги сув бунчалик буғланмайди», “...дастлабки мағлубиятни қабул қилиб олган”, “Анча паст туриш ҳолатига эга” (боксчи ҳақида), “Табиатга ноқиллона муносабатда бўлиш...”, мен бу ўламса бирикмаларни эътиборингизни тортиш учун мисол қиляпман. Бўлмаса ўзингиз ҳам ҳар куни мудом эшитасиз. Нафақат ортиқча, сунъий сўзлар, балки жумланинг таркиби, лексикаси ҳам бузук. Шу бузуклик урфга, қоидага айланиб, тилимизни чок-чокидан сўкиб юбораётир.

Бир эътибор беринг: “Янги йил муборак!” Ҳама ерда шундай ёзадиган бўлдик. “Бўлсин”ни қўшмаганимиз боис жумла маъноси силжиб, йил бизга эмас, ўзига муборак бўлиб қоляпти. Худди гапиришга арзимайдигандек туюлади бу ҳам. Лекин шундай ёзиш ва ўқиш одатга айланиб бораётгани одамни сескантиради. Бир синглимиз чиқишини ҳе-бе йўқ, саломсиз: “Омонмисиз, азизим?”, деб бошлайди. Салом қани? Нима, биз экранга қараб ўтирганлар ур-тўполон муштлашувдан чиқдикми, омонлигимизни сўрайди? “Мен сизлар билан хайрлашаман” – гўё бизга қараб ўн киши гапирётган эди, шулардан биттаси биздан аразлаб қолди! Нимага хайрлашади, юз кўрмас бўлиб кетгулик қилганимиз йўқ-ку? “Хайр” билан “хайрлашаман”нинг фарқи бормаса, “Кўришгунча, омон бўлинг!” деб қўя қолсин – шу кифоя-ку!

Демокчиманки, ўз тилимиздаги сўз, ибора, бирикмаларнинг маънисига бормаслик кўникма бўляпти ва бу, айланиб келиб ёшларнинг тилини бузаяпти. Катталар эса эътиборсиз.

Шу гапларни айтяпман-у, лекин, масалан, менга телевизорда футбол матчини шарҳла, десалар, ўзим ҳам шу “Коптоқни боши билан уриб киритди”, “Коптоқни оёғи билан олиб қочди” каби сунъий иборалар тортанагида типирчилаб қолсам керак. Чунки тинмай такрорланадиган шу “зарба-ю кучли зарбалар”дан каллам гангиб, очиқ гап, шарҳнинг ҳақиқий тили қандай бўлишига ақлим ҳам етмай қолган. Жумла ўзбекча, шарҳловчи (шуни бемалол “шарҳчи” деса ҳам бўларди) ўзбек, сўзлари ҳам ўзбекча, лекин шарҳи ўзбекча гапиришга ўхшамайди. “Футболчи тўпни ўйинга киритади”, оёғидан, бошидан, умуман ҳамма ёғидан нуқул “жароҳат олади”, оёғи қайриладими, лат ейдимми, эти ё пайи чўзиладими, боши ёриладими, суяги дарз кетадими, фарқи йўқ – “жароҳат олади”, та-мом! Бошқа сўзни қўлламаймиз. Ҳолбуки, тилимизда “жароҳат” – очиқ шикаст. “Жароҳат” билан “яра”нинг ҳам фарқи бор. Ҳужум қилинмайди, балки “уюштирилади” ё “амалга оширилади”. Барака топгур, жилла курси, “ҳужумга ўтди” де, нима қанақа “амалга оши-

рилаётганини” кўриб турибмиз-ку. Яна қаранг, икки боксчи муштлашяпти, биттаси кўпроқ мушт еяпти, “зарбаларни қабул қиляпти” экан, чидаш беряпти, “ютқизиш ниятидан воз кечмоқчи эмас”, деб, кейин гўё тўғриланади: “ютқизиш ниятидан чекинмоқчи эмасга ўхшайди”. Эй жўра, гапинг ўхшамайди, ахир, боксчи “ютқизиш ниятида” эмас, балки ютаман деган умидда ўртага тушган.

Ўн йиллардан ошиб кетди, русча “доброе утро”, “добрый день”, “доброй ночи”, усмонли туркчадан “ийи сабаҳлар”, “ийи гунлар”, “ийи гежалер”, “ийи акшамлар”, “ийи уйкулар”, (“ийи” – эгзу, эгулик; туркчада тилак билдиришнинг “хайрли...” муқобили ҳам кенг қўлланади) ёзма тилимиздан “хайрли тонг”, “хайрли кун”, “хайрли тун” тарзида, хусусан ТВнинг кино ва таржима сериаллари туфайли болалаб, ёзма тилимиздан жой олиб бўлди. Усмонли туркий бизга тушунарли, чунки туби бир тил. Лекин сўз қўллашдаги тафовутларни бефарқ таржимонларимиз фарқлаб ўтирмайдилар. Энди бу ясамалик оғзаки тилимизга ва ҳатто шеваларга ҳам ўтиб кетаётир.

Чет истилоҳларнинг она тилимизга киришига меъёрида йўл қўйиб бериш билан уларни ўрганишни аралаштирмаслик керак. Лекин масала шундаки, чет истилоҳни, ўз онгингизда айна луғавий маъно ифодаси – миллий сўз бўлмаса, қандай англайсиз, ўрганишда нимага суянасиз, хорижий истилоҳни нимага қиёсан тушунасиз? Анланган онг – тафаккурнинг сийрати, бу сўз. Миллий Сўз чет тилни ўрганишда замин, шу боисдан ҳам она тилимизни қанча теран билсак, чет тилни шунча пухта ўзлаштирамиз. Бу оддий аксиома. Мана ўйланг, масалан, ўзи асли ўзбек бўлатуриб, болалигидан русча боғчага қатнаб, русча мактабда ўқиб ва, табиийки, кейинги ҳаёти давомида европача ҳаёт (бу ҳам бир гибрид тушунча, таъсири жиҳатидан кўпроқ саёз русча) муҳитида яшаган одамларнинг тили ҳаминқадар, фикрлаш тарзлари на у, на бу бўлиб қолади. Тил заминидан оёғи узилгандан кейин тафаккур таркиби ҳам ўзгаради, бузилади. Бунга, масалан, бадиий адабиётимиз ҳам бир мисол. Ўзи ўзбек бўлатуриб бошқа тилда ёзган истеъдодларнинг асарлари ўзбек заминида унча илдиз ота олмади, ҳатто уларни таржима қилганда ҳам ташқаридан қараш, бадиий тафаккур бегоналиги аён сезилиб қолади.

Миллий истилоҳларни излаб топиш, янгиларининг қандай илдиз, аффикс, суффикс, префикслардан ясалишини тилчиларимизга қўйиб берайлик, бу иш уларсиз битмайди ҳам. Бизнинг фикрларимиз ундаш, холос. Миллий тилнинг тасарруфда келаётган сўзларидан сўз яшаш, буни билган тилчиларимиз учун тинкани куритадиган оғир, кенг қўламли, лекин қилиб бўлмайдиган иш эмас. Худди шундай, шеваларимиздан сўзлар олишнинг муҳнати бор, менинча. Яъни улар адабий тилнинг меъёр, қоидалари ва орфография шартларига мослаштириб истеъмолга киритилиши лозим, бу ҳам мутахассислар юмуши. Лексикографиямиз аҳволини қайта қараб чиқиш, уни бойитиш нечоғли долзарб бўлмасин, бу борада ҳам чумчуқни қассоб сўйгани маъқул. Фақат тайсалла-маслик лозим.

“Ўқувчи”, “ёзувчи” каби нисбатан “ёш” ўнлаб истилоҳлар илк истеъмолга киритилганда булар ҳам ғалати туюлган бўлса керак: “адиб”, “нависанда”, “талаба”, “толиб” каби ўрганган сўзларимиз турганда буларга на ҳожат, деб. Лекин ҳозир муомалада табиий бўлиб кетди, арабий “адиб”, “талаба”га қараганда кенгроқ кўламда истифода этилади. Шеваларимизда эса адабий тилдан четда қолаётган бошқа муқобиллари ҳам бор: “ёзарман”, “ўқирман”. Негадир, шу “...ман” кўшимчали сўзлар адабий тилда жуда сийрак, бу суффикс имкониятларидан янги сўз яшашда фойдаланмаймиз. Аҳоли тилида эса кенг қўлланади: “Бу сотарман, у оларман бўпти. Бу оларман, қиз тегарман”, мана, “Зоминнинг тил қомуси”да шунақа “...ман” кўшимчаси билан ясалган, адабий тилга кирмаган йигирмадан ортиқ сўз келтирилади. Яна бир мисол “...гилик”, “...гулик” каби кўшимчалар билан ясаладиган “боргулик”, “кетгулик”, “келгулик”, “ўтгулик” (“ўтгилик”) адабий тилда жуда сийрак, ахён-ахёнда, бу ҳам бадиий асарларда қўлланиб қолади. Истамбул кўчаларида энгил уловлар кўчада қатор териб сотувга қўйилган, ҳаммасининг олд ойнасида “сатилик” деган ёзув. Демак, сотилади, тушунарли, лекин бизга ўхшаб “сотилади” деб китобий эмас, нимадир туб туркий, бизда унинг айнан шундай лўнда муқобили борми-йўқми деб роса ўйлаганман. Яқинда “Қашқадарё халқ сўзлари”ни варақлаб, айниятини топиб олдим: “сотқилиқ!” Ўзимизнинг сўз! Ёнимизда турган! Халқ бемалол қўллайди. Биз эса русча “продажа”дан олиб, “уй сотилади” (“дом продаётся”), “сотиладиган уй” (“дом на продажу”) деб бирикмани сўлжайтирганмиз. “Балиқлар тозаловчилик вазифасини бажаради” – бу не жумла эканини баҳолашни ўзингиз “амалга оширинг”!

Бунақа ҳолатларда, майли, луғат титкиламайлик, ўзимизга қулоқ солайлик: сўзлашув – жонли авом тилимиз минг кўргуликка дуч келаётган бўлса-да, ҳали ҳам бой, асл сўзларимизнинг маъноси теран, кўлами кенг. Адабий тилнинг ўз замини – авом тили, халқнинг жонли тили ҳисобига бойиб, ривожланиб бориши ҳам қонуният-ку.


Излаш, изланиш керак. Сўз ҳам тирик, тил дарёси оқимида нафас олиб яшайди, таъбир жоиз бўлса, урчийди ҳам. Биз эса ўз сўзларимизни жонсиз қияпмиз ҳамда уларнинг устига кўп кушанда қўйиб юборяпмиз.

Бугунги кунда гўё соф ўзбекча сўзлардан тузилган бирикмаларнинг сунъийлиги, бир сўз ифода қиладиган тушунчани тўрт-беш сўз билан ифодалашга ўтиб кетаётганимизга ажабланасиз. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” қирқдан ортиқ йўналишда парвозларни амалга оширади”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” истиқбол сари дадил қадам ташламоқда”, “Бундай уйғунлик ҳамма ўсимликлар томонидан амалга оширилавермайди” – сиртдан ўзбекчага ўхшаган мазкур жумлаларни тилчи олимларимиз бир лексема қоидаларига солиб текширсалар, нима бўляпти ўзи деб ташвишга тушиб қоладилар.

Сўзга эътиборсизлик, бекфарқликдан у ўлиши ҳам, аниқроғи бошқа сўз унинг ўрнини эгаллаб, ўлдириши ҳам мумкин. Мана, ҳаммамиз “ахлат”ни оғизга оладиган ва бундан ҳазар қилмайдиган бўлиб кетдик: “Ахлат ташлама! Ахлат мошин келди.. Ахлат челакни олиб тушаман”. Миллий ахлоқу одобимиз тагида покизалик ётади. Ахлат эса – бу нажосат. Маъносини билган одам шу сўзни ёзишга ҳам ийманади. Ахир, уйимиздан чиққан сабзавоту мева пўчоғи, овқат сарқити, супуриндини шундай деяпмиз! Фариштали келинлардан тортиб, нуроний, тақволи буваларгача. Жонли, авом тилида ҳам, ОАВ ёзма нутқида ҳам безътибор “ахлат” деб қўллаиверамиз. Ҳолбуки, тилимизда асл маъносини берадиган “чиқит”, “чиқинди” каби беш-олтита истилоҳ безга ётибди. Аммо буларнинг устидан русча “мусорь”дан кўчирма ўгирилган “ахлат” босиб қолди. Қизиғ-эй, “тезак”, “тезаклади” турганда каптару чумчуқдан каркидо-ну филгача – ҳаммаси “ахлат ташлайдиган ё сочадиган” бўлиб кетди. Дарвоқе, ТВга раҳмат, яқиндан бери орасира “чиқит”ни қўллайдиган бўлди.

Она тилимизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Тилимиз хароб аҳволга тушиб боряпти, уни қайта жонлантириш учун ҳаялламай иш бошлаш керак.





## “ҚОДИРИЙ ҚОШИДА ҚИЗАРМАЙСИЗМИ?”

Адабиётшунос олим, таржимон Иброҳим Ғафуров билан суҳбат

– *Иброҳим ака, Сизни сўз муҳиблари закиф мунаққид, етук таржимон, моҳир адиб ва танглайи китоб билан кўтарилган зиёли деб билади. Ижозатингиз билан бадиий таржима мавзусида суҳбатлашасиз. Менимча, таржимага асар танлашингизнинг ўзи бир мактаб. Ҳамиша “баланд дорга осилгансиз” – муаллифларни чертиб-чертиб танлайсиз, қўлга илинган асарни енг шимариб, таржима қилиб кетавермайсиз. Айтматов, Достоевский, Жойс, Маркес, Мопассан, Распутин, Сартр, Тургенев, Фолкнер, Ҳемингуэй... Салафларни ўзбекча гапиртириб, таржимани “тўйга боргудек” даражага етказгунча, йиллар давомида игна билан қудуқ қазидингиз. Саволим “иши битиб, улови лойдан ўтган” китобхоннинг ношукурлигига ўхшаб қолса, маъзур тутасиз. Таржимага харжлаган қувват ва фурсатни бадиий ижодга йўналтиргангизда, буй баравар мағзи тўқ романлар ёзишингиз мумкин эди. Умрингизнинг талай йили ўзингиз қолиб, бошқа адибларни юзага чиқаришга кетганидан жилла бўлса-да ачинасизми?*

– Дунё марҳаматли ва ранг-баранг. Ранг-баранг ва марҳаматли. Ҳар кимнинг чекига нимадир тушади. Чекимга сўз ва нафосат дунёсида танқид, таржима ва мансура тушган. Романлар ёзилмаганидан афсусланмайман. Романларга ғоя бўла оладиган фикрлар устида ишлаганман. Мансураларнинг гали келади. Таржималарнинг ҳам гали келади. Таржималаримда жумла, жумлаларда нурли руҳ ва кучли ифодавийлик, бутунлик, бадиият бор. Шунчаки таржима эмас улар.

Мўъжизакор илоҳий Қуръон одамзодга нозил қилинган асрда Исҳоқ Шомий деган ажойиб таржимон ва донишманд ўтган. Унинг ҳикматларини улур

олим ва тадқиқотчи Сергей Аверинцев кўҳна оромий тилидан русчага ўгириб қолдирган. Исҳоқ Шомий ҳикматлари теранлигининг қиёси йўқ. Кўҳна оромий тилини билмайман. Аммо Сергей Аверинцев таржимаси воситасида бу мўъжизага ошно бўлдим. “Юрак яшаган чоғда, ҳиссиёт тугайди. Ҳиссиётнинг жонланиши юрак учун ўлим. Ҳиссиёт жонланган чоғда, бу Худо олдида юрагимизнинг ўлгани белгисидир”. Оддий сўзлар билан айтилган поёнсиз ҳикмат. Буни илк бор ўқиганимда, ўзимни ҳеч нарса ёзмагандай ва ёзмаслигим керакдай сезганман. Бундай сўз олдида ҳар қандай кибр, ҳар қандай димоғдорлик, ҳар қандай ифтихор маъносиз, тамомила маъносиз бир нарсага айланиб қолади. Исҳоқ Шомийдан беш юз йил кейин чўл тўрғайидай ҳаволаниб инсон сирини очган Яссавий ва Боқирғонийни, Мажнуннинг Мажнунлигини тушунгандай бўлади одам. Мен Исҳоқ Шомийнинг мўъжиза сўзларини ҳали тушуниб етганим йўқ. Байрон ҳиссиётни саждага айлантиради. Ҳар сўзи демонсирайди. Сўзнинг соҳирсоз оламларида ҳар қалам рангин тажриба-да.

– *Бир суҳбатингизда таржима пайти ҳар бир сўзни тегирмонга дон солгандек юрагимга солиб, тинимсиз айлантираман, деб ташбих қилгандингиз. Мусоҳаба баҳона ижодий лабораториянгизга бирров бош суқишга изн берсангиз. Ҳемингуэй “Алвидо, қурол!”нинг хотимасини ўттиз тўққиз марта ёзиб чиққан экан. Сўзга ниҳоятда талабчан Маркес “Бузрукнинг кузи”ни бошдан-оёқ ўн беш топқир таҳрир қилган экан. Одатда, қўлёзмаларни қайта-қайта таҳрир қиласизми? Дейлик, “Бузрукнинг кузи” роман-эпопеяси таржимаси қандай кечган?*

### Иброҳим ҒАФУРОВ

1937 йили Тошкентда туғилган. “Гўзалликнинг олмос қирралари”, “Унутилмас боғ”, “Жозоба”, “Она юрт куйчиси”, “Ёнар сўз”, “Ям-яшил дарахт”, “Уртоқ шоир”, “Юрак – аланга”, “Прозанинг шоири”, “Лириканинг юраги”, “Шеърят – изланиш демак”, “Илтижо”, “Ўттиз йил изҳори”, “Дил эркинлиги”, “Ҳаё – халоскор”, “Мангу латофат”, “Таржима назарияси”, “Паривашлар мажлиси” сингари адабий-танқидий мақола, эссе, мансура ва ҳикоялардан иборат китоблари чоп этилган. Айтматов, Достоевский, Жойс, Конфуций, Маркес, Мопассан, Нитше, Распутин, Сартр, Солженицин, Ҳемингуэй сингари адиб ва мутафаккирлар асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган.

– 1978 йили ёзувчи Одил Ёқубов Масковдан Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романини кўтариб келди. У пайт атоқли адиб билан Давлат бадиий адабиёт нашриётида бир хонада рўпарамарўпара ўтириб хизмат қилардик. Одил ака ўзбек адиблари пайдар-пай ёзаётган роман ва қиссаларнинг қўлёмаларини ўқир, муаллифлар билан узоқ чўзилмай лўнда-лўнда гаплашар, Масковнинг тарбиясини олган эмасми, гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолар, муаллифлар унинг фикрларини инобатга олишарди. “Самолётда шу романни ўқиб қолдим. Масковда тоза шов-шув бўляпти. Илгари бунақа романни ҳеч ўқиган эмасман. Баъзан одам боласи ёзганмикин, шунчалар хаёл, фантазия, мифология зўр, дейман. Ўзбек тилига ўгириб бўлармикин, қани, охиригача ўқиб чиқай-чи...”.

Одил Ёқубов романни таржима қилишни кўнглига тугиб юрди. У кунда-кунора канда қилмай ўтадиган кундузги ва кечки давра суҳбатларида роман ҳақидаги таассуротларини айтар, гурунг берарди. У асарларни ўқувчи сифатида эмас, ёзувчи сифатида ўқирди. Одил аканинг ёнида юриб, ниҳоят, ўқувчи сифатида ўқиш билан ёзувчи сифатида ўқишнинг фарқига борганман. Ёзувчининг китоб ўқиши бу – тўла маънодаги ҳарёқлама ижодий иш. Бу ўқиш жараёнида фикр тинимсиз ишлайди, хаёл тўхтовсиз парвоз қилади. Ёзувчида ўзини безовта қилиб юрган нарсалар қандайдир бахтиёр ечим топгандай, ижодий ниятларда янги йўл ёки йўналиш очилгандай, илҳом учкунлари ҳар томонга чарсиллаб отилаётгандай бўлади. Толстой, Достоевский, Бальзак каби улуғ адибларнинг кундаликлари, ёзишмаларини, китобларини ҳам оддий ўқувчи каби эмас, ёзувчи каби ўқишлари, мутолаа асносида хаёл ва фикр шоввалари бир зум тарк этмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳозир буни чин маънодаги интеллектуал ўқиш деб айтиш ўринли. Ғоялардан ғоялар, ниятлардан ниятлар туғиладиган ўқиш бу...

Одил Ёқубов кейин китобни менга ўқишга берди. Ўша пайтда “Телба” романи устида бош кўтармай ишлаётган эдим. Аммо адабий жамоатчилик ўртасида Маркес асарлари, чунончи, “Бузрукнинг кузи” худди Чингиз Айтматов китоблари каби фаол ўқилиб, фикр юритилиб тургани учун бу асардан беҳабар “билмасвой” бўлиб юришни ўзимга муносиб кўрмадим. Одил ака: “Пиримқул ҳам ўқимокчи”, дедилар. Китоб қўлимга теккач, бир ҳафтада хатм қилдим. Воқеалар бу қадар зич, бу қадар таранг, мифологияси, мифологик тафаккури бу қадар бой асарга илк бор дуч келишим эди. Албатта, “Оқ кема”нинг нолакорлиги жондан кетмас, наслий жароҳатдай тирик эди. Аммо Маркес бутунлай бошқа олам, ўзга қитъа ҳаёти тажрибалари. “Бузрукнинг кузи” менда муҳаббат уйғотмади. Мен чексиз ҳайратга ғарқ бўлдим. Ҳайрат ва муҳаббат бошқа-бошқа нарсалар эканлигини англадим.

Кейин янги аср кирди. “Жаҳон адабиёти” журнали чиқиб, ҳаммамизни кувонтирди. Глобал – ялпи дунёга туташдик. Ер курраси битта. Темир девор, темир панжара орқасида қандай биқиниб яшайсиз? Журнал менга Нитше ва Маркес таржимасини топширди. Маркесни яна бир қайта тадқиқотчи назари билан ўқидим. Ҳақиқатан, яна у одам қўли билан ёзилганга ўхшамади. Уни энди одам қўли билан қандай таржима қилиш мумкин? Одил Ёқубов тарихий роман қатламлари ичига кириб таржимага вақт ва имкон топмади...

Бир куни Пиримқул ака: “Маркесни ўгирибсиз. Номини нима қилдингиз?” деб сўрадилар. “Бузрукнинг кузи” дедим. “Ҳа-а-а...” дедилар. Бошқа гап айтмадилар.

– **Бузрук оригиналда ҳам (patriarca), инглизча таржимада ҳам (patriarch) айни шаклда қўлланилган. “Патриарх” қандай қилиб “бузрук”ка айланган?**

– Бу ном бирдан ва дафъатан туғилгани йўқ. Унга-ча бир қанча вариантлар назардан кечирилди. “Бузрук” сўзи Боқирғонийни ўқиб ўтирганда, миямда лип этиб ёнди. Аслиятга тўла монанд концептуал ном топмагунча таржимага қўл уриш мумкин эмасдай туюлди. “Бузрук” “куз” билан ички-ташқи оҳангдошлик касб этди. Таржима принципининг учи топилгандай бўлди. Уни маҳкам тутиб роман лабиринтлари ичига қўрқмасдан кириб бордим.

Мумтоз матнларнинг хусусиятларидан бири – уларга бошқа ҳеч нарсани қўшиб ва олиб ташлаб бўлмайди. Мумтоз матн аслиятдаги қиммати баробарида бошқа тилга ўгирилади. Мумтоз асар ҳар қандай бошқа тилда ҳам мумтозлик салоҳиятини сақлаши, мумтозлик хосиятидан ҳеч нарсани бой бермаслиги, йўқотмаслиги шарт. Бунинг учун заргар диққати, заргар меҳнати, заргар нигоҳи, заргар талабчанлиги лозим. Эътиборлиси, инжиқ заргар ўзи яратган буюмга қайта-қайта сайқал беришдан ҳеч қачон эринмайди. Адиб, таржимон ҳам шундай. Таржимоннинг сайқали – таҳририда, қайта-қайта таҳририда. Таҳрирда матн илма-тешик бўлиб кетади. Матнга ишлов беришнинг чеки йўқ. Мумтоз таржима матни шундай ишловдагина яратилади. Таржимашуносликнинг “аслият услубини чиқариш”, “бадиий услубни қайта яратиш” сингари тушунчалари мавжуд. Яъни таржимада Тургенев Тургеневдай, Гончаров Гончаровдай, Достоевский Достоевскийдай бўлиши керак. Кучли таржимон – кучли муҳаррир ҳам! Бунга мен Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғуллом, Ўткир Ҳошимов, Миркарим Осим, Ваҳоб Рўзиматовнинг ижодий меҳнати тимсолида гувоҳ бўлганман...

– **Илгари Ғарб адабиёти намуналари ўзбекчага асосан рус тилидан ўгирилган. Рус тили воситачи тил (медиум) вазифасини бажарган. Табиийки, оғиздан оғизга ўтган ривоятнинг саҳиҳлигига путур етади. Қолаверса, воситачи тилда йўл қўйилган камчиликлар учинчи тилга ўтганда ҳам айнан такрорланиши эҳтимоли катта. Бу ҳолатда – аслиятнинг оҳори тўқилмаслиги, ғози йўқолмаслиги учун мутаржим қандай йўл тутуши керак?**

– Воситачи тил орқали бадиий таржимада аслият услуби ва, айниқса, персонажлар нутқи, диалогларнинг ўзига хос жонли жиҳатларини чиқариш қийинроқ кечади. Сўзларда ифодаланган миллий ўзига хосликлар, характерли ҳолатлар сийқаланиб кетиши эҳтимоли йўқ эмас. Бундай “йўқотиш”ларга йўл қўймаслик таржимоннинг ёзувчи ва унинг айнан шу асарини қанчалар тўғри, теран тушуниши, қанчалар нозик биллимонлик билан идрок этишига боғлиқ. Эрудиция ва интуиция ҳар қандай таржимада иштирок этиши ўзгармас зарурат каби қаралади. Айниқса, у воситачи тил орқали таржимада аслиятга яқинлиқни сақлашда сув ва ҳаводай зарур. Шу икки муҳим нарсани бўлмаса, таржимага ҳаваскорлик “ҳуснбузар”и тошиб кетади.



Ҳамма гап аслиятни қанчалар тушунишда, тушуниб талқин этишда. Ҳемингуэйнинг инглизчадан русчага ҳамда инглизчадан ўзбекчага ўгирилган “Килиманжаро қорлари”, “Френсис Макомбернинг омонат бахти” асарларини бир сира қиёслаб чиқсак, эрудиция, интерпретация, интуиция каби тушунчалар амалда қандай натижаларга олиб келгани, қанчалар жиддий бадиий ўзгаришларни юзага чиқарганини кузатамиз. Бадиий таржима қонун-қоидалари, принциплари универсал, ўзгармас қимматга эга ва уларни билмаслик, менсимаслик, риоя қилмаслик профессионал яроқсизликка олиб боради.

– **Оғриқли масаладан гап очдингиз. Бугун ажнабийчада бурро-бурро сўзлашадиган авлод этишиб келяпти. Тили бийрон ёшларимиз сафи кенгаяётгани нур устига нур. Лекин айрим ҳаваскорлар хорижий тилнинг зеру забарини пухта ўзлаштирмай, фарқ пишган олма дарахтига тирмашган бола-бақрадек ўзини бадиий таржимага ураётгани чатоқ-да. Баъзида таржимачилик Навоий, Бобур, Осаҳий каби улуғларимиздан қолган табаррук мерос экани унутиб қўйиляпти, баъзида эса қуруқ “воситаи жоҳ” бўлиб қоляпти. Ахир, бадиий таржима бачкана маҳси тикиш эмас-ку. “Алдайвераман, алдайвераман, ким билсин, балки туйқус доно гап айтиб юборарман” дейди Достоевский персонажлардан бири. Айрим графоман-таржимонларда ҳам “Ўгиравераман, ўгиравераман, балки туйқус бирорта зўр таржима чиқиб қолар” деган таги пуч даъво бор, шекилли. Ҳойнаҳой, италянларнинг “Traduttore – traditore” (“Таржимон – хоин”) мақоли ҳам кўл-ёзмаси устабузар тилмоч қўлига тушиб, ситам чеккан бирор муаллиф томонидан тўқилган бўлса керак... Йўлни тор олаётган бўлсам, айтаверинг, балки кенгбағирлик қилиш, мутолаага ялли муносабат сусайган бир даврда бадиий таржимага қўл ураётган ҳимматли ҳавасманднинг елкасини қоқиб қўйган маъқулдир. Нафсиламри, таржима салтанатига кириш учун “Сим-сим, очшигингни!” дегандек ўрон қўйиш керакми?**

– Ҳар бир ишни шу ишга лаёқати ҳамда ҳақиқий қизиқиши бор одамлар қилгани маъқул. Ҳар бир касб-ҳунар, мутахассислик аслида қисмат. Таржимонлик ҳам ижодкорлик каби қисмат. Сермашаққат ҳунар. Бошқа соҳаларда яроқсиз бўлган одам кун кўриш учун ёки осон деб таржимонликка ўзини урса, бунда ҳам, албатта, яроқсизлик қилади. Киши ўз-ўзини яхши англамагунча ва қисмат амрини масъулият билан ҳис қилмагунча ижтимоий жабҳаларда адашиб-улоқиб юришга маҳкум. У ўзига ҳам, жамиятга ҳам кўп ортиқча ташвишлар келтиради. Лаёқатлилик коэффициентлари ишлаб чиқилган. Олий ўқув даргоҳларига ёки ишга қабул қилишда шу лаёқатлилик коэффициентига жавоб беришига қараб баҳолаган маъқул.

– **Жаҳон адабиётида ҳар бир авлоднинг ўз таржимаси бўлиши лозим, деган қараш бор. Масалан, Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”си италян тилига ўн хил талқинда ўгирилган. Бир асарга турли авлод мутаржимларининг қайта-қайта мурожаат этишини қандай баҳолайсиз?**

– Инсониятга керакми, бадиий ҳамда фалсафий даражаси юксак китобларнинг таржималари янгиланиб бораверади. Атоқли таржимон Қодир Мирму-

ҳамедов катта жасорат билан Ҳомернинг “Илиада” ҳамда “Одиссея” дostonларини рус тилидаги энг яхши таржималаридан ўзбекчага ўгирди. Тили равон, салмоқли, ўқиганда ичига оҳанрабодай тортиб кетади. Ҳўш, шу шарафли таржима неча йилга чидайди? Ўн йил, юз йил, икки юз йилгами? Биз бунга жавоб беролмаймиз. Бу ўзбек тилининг бадиий, илмий, фалсафий, маданий қобилияти қанчалар сақланиши, ўсиб-ривожланиб, халқни, миллатни қанчалар бирлаштириб, илҳомлантириб туришига боғлиқ. Аммо бирор таржимон бир кунмас-бир кун юнон тилини Ҳомер миқёсида ўрганиб, инсониятга бешик бўлган бу асарларни аслиятдан ўзбекчага ағдариш фикрига тушиб қолмайди, деб ким айта олади? Ўшанда у албатта Қодир Мирмуҳамедовнинг олижаноб, эзгу тажрибасига ҳам суюнади. Ўзидан олдинги авлод вакили бу ишга тамал тошини қўйганидан миннатдор бўлади. Ўшанда анъана ҳам бошланади. Ўзбек адабиётида Ҳомерни таржима қилиш анъанаси...

– **“Сўз сўлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак” деб ўғит беради ҳассос ёзувчимиз Абдулла Қодирий. Ўқувчи (тингловчи, томошабин) дидини аёвсиз жижғанак қилаётган бозор адабиёти ва тижорий ўзандаги театр-кино Андишадан мосуво экани аччиқ ҳақиқат. Қўлбола молини усталлик билан бадиият намунаси сифатида кўрсатишга уринаётганлар эчкининг чандирини барра қўй гўшти деб ўтказаяётган суллоҳ қассобдан фарқ қилмайди. Сизнингча, санъат ниқобини тутган жўнлик, саёзлик, ўртмакиёналик, дидсизлик билан қандай курашиш мумкин? Шишадан аллақачон чиқиб кетган девни унга қайтариш йўли борми? Ё, айрим зиёлиларимиз маслаҳатига кириб, лойқа оқаяётган дарёнинг тинишини кутиш керакми? Сув тингунча, асов дарё анча-мунча кўприкни бузиб-янчиб-ювиб кетмайдими? Таржимоннинг ўқувчи дидига мослашишини ёқ(оқ)лайсизми?**

– Таржимон ҳам, ёзувчи ҳам ҳеч қачон дид-фаросатда замондош ўқувчига мослашиб, тенглашиб ижод қилолмайди. Ижодкор ҳамма вақт дид-фаросат, виждонлиликда замондан, замондошларидан анча олдинроқда юради. Бўйи омманинг бўйига баравар, қилиғи омманинг қилиғидан фарқ қилмайдиган, ўз фикрига эга бўлмаган киши қандай қилиб ёзувчи, шоир, санъаткор, танқидчи, таржимон бўлиши мумкин? Йўқ, ижодкор ҳамма вақт чуқурроқ ўйлайди, узоқроқни кўради, умум манфаатини ўткирроқ, теранроқ тушунади. Шунинг баробарида у ижодкор деб аталади. Одамлар ўқимайди деб, Жойс, Флобер, Достоевский, Кафка, Нитше, Беккет, Ионескони таржима қилмай ўтираверсак, бизни ким ижодкор деб тан олади? Бизни инсоният маданиятларидан ким баҳрадор қилади? Мослашиш маданият табиатига, ижтимоий вазифасига тамомила зид. Мослашиш – оммавий маданиятнинг энг суюкли усули, ўйинчоғи. Оммавий маданиятга ўнгтерси кўринмайдиган, бош-кети бир бўлиб кетган оммавий эрмак керак.

– **Таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад “Ҳар қандай миллий адабиётнинг нуфузи “Жараён” ўша тилга ўгирилган-ўгирилмагани билан белгиланади” деб ёзганди. Франц Кафканинг доврўқли асари Вафо Файзуллоҳ таржимасида ўзбек ўқувчиси қўлига этиб борди. Хуршид аканинг**

**мулоҳазасидан келиб чиқсак, бемалол ўмганимизни кўтарсак бўлади. Сизга қолса, миллий адабиётнинг “бўйи”ни қайси асарлар таржимаси билан ўлчайсиз? Замоновий ўзбек таржимони қайси муаллифларга кўпроқ эътибор қаратиши зарур?**

– Ҳозирги миллий адабиётнинг бўйини ҳам, энини ҳам муайян бирон асар билан ўлчаб бўлмайди. Миллий адабиёт бугун ва эртага ҳам ўзини қидиришда давом этади. Жуда-жуда кўплаб оммавий адабиёт, оммавий санъат намуналари яратилади. Одамлар уларга кўникадилар. Санъат, адабиёт шу экан-да дейдиган, чумчуқни саъвадан, булбулни қарқуноқдан ажратолмайдиганлар ҳам кўпайгандан-кўпаяди. Улар наинки адабиётнинг виждони, балки инсониятнинг виждони ҳақида ҳам ўйламай қўядилар ва бундай савол қўйилганда, шу ҳозир керакми, одамзод энди бензиннинг қайғусини қилсин, дейдилар. Шундай шароитда ҳам миллий адабиёт инсонга нима керак: бир қарич ерми ё бир бурда нонми, деб изланишда давом этади. Бугун ва узоқ-яқин эртага инсониятга тўғри йўл кўрсатолган, муаллимлик қилган, ахлоқ, ахлоқ ва яна ахлоқни одамзодни сақлаб қолишнинг ягона қуроли деб билган адиблар, файласуфлар, таълимотчилар мададга келадилар. Бизнинг мададкоримиз ва олисларни ёритувчи машъаламиз классика! Навоий, Бобур, Толстой, Флобер, Бальзак, Стендаль, Достоевский, Тагор, Қодирий, Чўлпон, Руссо, Вольтерга борайлик! Аввало, ақлимиз, сўнг ҳиссиётларимизни тарбиялайдиган асарларни доим кўз ўнгимизда тутайлик, қулоғимизни шуларга осайлик, юрагимизни шуларга очайлик. Классика ўлган эмас! У доим долзарб, доим актуал, доим бизга ҳамдард!

– **Жалолиддин Румийда шундай ҳикоят бўларди. Форс, араб, турк ва юнон иттифоқи бир дирҳам топиб олибди. Ақча бор жойда ғалва ҳам чиқади-да: тўртовлон тангага нима харид қилиш масаласида ўзаро довлашиб қолибди. Форс – ангур, араб – инаб, турк – узум, юнон – истофил сотиб олишни таклиф қилибди. Бир-бирини тушунмаган тўртовлон ўзиникини маъқуллаб тураверибди. Можародан ўнлаб тилни биладиган зукко зот (полиглот) хабар топибди. Тўртовлон аслида бир нарсани харид қилмоқчи эканини тушунтириб, мурсага келтирибди... Бу-ку, олис ўтмиш ҳикояти. Лекин ҳозир ҳам – дунё “глобал қишлоқ”қа айланиб, миллатлар бир-бирига жонсарак талпинаётган даврда тилмочга эҳтиёж ошгандан-ошяпти. Бир дирҳам устида ғижиллашиб қолган тўртовлон ривоятини бежиз эсламадим. “Қўлнинг кири” деб ҳар қанча катта кетмайлик, минг таассуфки, кунимиз шу зормандасиз ўтмайди. Айниқса, қалам аҳли кўнглидаги покиза туйғуларни бегард сақлаши, кучини ўтин ёришга сарфламалиги учун ҳам ақча зарур. Бир пайтлар таржимашунос олим Ғайбулла Саломов мутаржимларни моддий рағбатлантириш зарур, деб ҳўб куюнганди. Ҳозир-чи, бу борада аҳвол қандай? Нашриёт ва таҳририятларда таржима учун белгиланган қалам ҳақи, моддий рағбатдан кўнглингиз тўладими?**

– Таржимадан ўзим учун эстетик, ғоявий манфаатларни биринчи ўринга қўйдим. Таржима адабиётимизнинг оталари бўлган Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Алишер Навоий таржимани халқнинг маънавий

баҳрадорлиги деб тушунган ва бу улуғ ғояни адабий-ижтимоий принцип даражасига кўтарган эдилар. Таржимада – баҳрадорлик, баҳрадорликда – таржимонлик. Бу олижаноб принципдан ортиқ моддий рағбат, манфаатдорлик йўқ.

– **Ирланд ёзувчиси Жеймс Жойснинг “Улисс”и XX аср романчилигининг ноёб намунаси деб баҳоланади. Дунё интеллектуалларига қудратли таъсир кўрсатган роман таржимаси ҳам ҳар бир миллий адабиёт учун ҲОДИСА деса дегудек. Машаққатли меҳнат ва дақиқ изланишларингиз маҳсули ўлароқ, ўзбек китобхонсеварлари “Улисс”га маҳрам тутинди. Балки сабрсизлик қилаётгандирман, лекин “Улисс” каби салмоқли роман таржимасидан кейин фикр аҳли ўртасида жонли тортишувлар, тиғиз муҳокамалар авж олиши керак эди. Қарангки, бундай бўлмади. Жойс-ни, майли, “хос”лар ёзувчиси, деб турайлик. Лекин неча замонки, Достоевский, Маркес, Мопассан, Айтматовдан таржималарингиз ҳам до-вжорак тадқиқотчиларга илҳақ-да... Умуман, охириги йиллар таржимашунослик хийла заифлашгани таассуф билан қайд этиляпти. Жезга ҳар қанча ялтир-юлтур чаплаган билан тиллага айланиб қолмайди. Қолаверса, “ойнаси бор кишининг бари Искандар” бўлмайди. Жезни тилладан, чин Искандарни қаллобидан ажратиб берадиган таржима танқидини кучайтириш қанчалик муҳим, деб ҳисоблайсиз?**

– Албатта, таржима ижоди билан биргаликда, елкама-елка таржима танқиди ҳам ривожланиб бориши лозим. Булар бирини биридан ажратиб бўлмайдиган соҳалар. Таржима танқиди таржимашуносликнинг таркибий қисмидир. Ҳар икки соҳа адабий танқид, адабиётшунослик ҳамда тилшунослик билан ёндош, бақамти иш кўради ва ижодий йўналишларни белгилайди, шакллантиради, жараёндаги характерли хусусиятларни очиб, ёритиб боради. Таржимачиликка адабий танқид билан бирга таржима танқиди ўз мезоний талаблари орқали, жараёни жаҳон таржима санъатида рўй бераётган ижодий-илмий ҳодисалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Биз таржима, таржимашунослик, таржима танқиди йўналишида жаҳонда, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида қилинаётган улкан миқёсдаги ишлар, ўзгаришлар, изланишлар, янгиланишларни жон-дилдан кузатиб бориш, қўлдан келганча уларга ҳиссамизни қўшишни истардик. Ўзбекистонда таржима ва таржимашунослик жаҳон мактабларига узвий боғланиб боришини орзу қиламиз. Катта миллий адабиётимизнинг кўлами, таржима мактабларимизнинг кўҳна тарихи ва уларда шаклланган принциплар (шарҳлар, тафсирлар, маънолар таржималари, воситачи тил орқали таржима намуналари, ижодий мусобақалар, шариат, илоҳиётшуносликка доир асарлар таржимаси) шуни тақозо этади. Аммо булар ҳали орзу, холос. Хорижий тиллар ва айниқса, инглиз тилини чуқур ўрганиш давлат миқёсида кенг йўлга қўйилаётгани, бунга катта эътибор қаратилаётгани келажакнинг умидбахш уфқлари очилаётганини кўрсатади.

Ёшлардан умид катта. Улар инглиз, рус, француз, немис, испан, италян, араб, ҳинд, форс, хитой, япон, турк тилларини чуқур билиш заминида ўз изланишлари доирасига Ғарб ва Шарқ таржимашунослиги, лингвист-

тикаси манбаларини ҳам кенг жалб қилсалар, уларни амалиётда таҳлил ва талқин этсалар, тадқиқотларнинг концептуал-аналитик жабҳасини кучайтириб берсалар, ўн-ўн беш йил ичида бу соҳа жаҳон таржимашунослигининг узвий жонли қисми каби яшай бошлайди. Ҳозиргача бажарилган илмий ишлар, тадқиқотлар рус тилида кейинги ярим асрда нашр этилган илмий манбаларга суяниш, уларни ҳужажўрсинга қайд этиш билан чекланиб қолмоқда, жаҳон манбаларига муурожаат этишга ожизлик қилмоқда. Бугунги таржима танқидидаги ожизликлар, ҳафсаласизлик, саёзлик, сийқаликларнинг асосий сабаби назариядаги шу каби умум ночорлик билан боғлиқ. Тил ўрганишининг ўсиши илмий-тадқиқотчилик ҳаракатининг кучайиши, юксак савияга қўйилиши билан бирга уйғун бориши зарур. Соҳаларга эса фақат шу ижодий, илмий ишларга аён лаёқатли кишиларгина жалб этилиши керак.

– **Французларда миллатпарварлик кучли. Айниқса, ўз тилини ҳимоя қилишда Оврўпадаги бирор миллат уларга бас келолмайди. Инглиз тилида бирор истилоҳ пайдо бўлса, фаранглар ҳаялламай унинг “эғизаги”ни ўйлаб топишади. Ҳатто курраи арзнинг турли давлатларида бемалол-бедаллол истифода этилаётган computer, software, email, blog, supermodel каби байналмилал сўзларнинг ҳам французча муқобили бор. Франсуа Рабле тилининг расмий қўриқчиси – Француз академияси 1635 йилдан бери тилбузарларга қарши “қилич ва қалқон билан” курашиб келяпти. Академиянинг айрим баёнотларига лаққа тушган одам, “мустабид” инглиз тилининг дастидан “бахти қаро” француз тилига кун йўқ экан-да, деб ўйлайди. Аслида-ку, фаранг забони жуда ўлар ҳолатда эмас – дунё тилларидан бири мақомида собит турибди. Лекин жароҳатни газак олмасидан даволашга ўрганган фаранглар тилини ҳам ҳарислик билан иҳоталайди. Она тилини кўз қорачиғидек асраш борасида улардан анча-мунча ибрат олсак, зарар қилмаса керак. Узоқ йиллар “маърифат чопари” (Пушкин таъбири) рутбасида жонбозлик кўрсатган, Сўз хизматида сочи оқарган мутаржим сифатида айтинг-чи, бугун она тилимизни авайлай оляпмизми?**

– Дунё тилларнинг ранг-баранглиги, ирқларнинг ранг-баранглиги билан ҳам жозибали. Агар Худо одамларнинг манфаатлари учун оламнинг ранг-баранг бўлишини истамаганида эди, ҳаммани бир хил, бир тусда, бир тилда сўйлашадиган қилиб яратиш унинг изму ихтиёрида эди. Аммо бир хил қилмади. Нега? Одамлар бир-бирларига жозибали кўринсинлар, бир-бирларига интилсинлар деди. Тортиш кучи – дунё оҳанрабошининг марказига ранг-барангликни қўйди.

Тилни эъзозламаган, унга эътиборсиз, бормийўқми, фарқида бормаидиган кимсаларда қандайдир ноқислик, ожизлик, синиқлик кўзга ташланиб туради. Тил одамни гўзал қилади, жамоавийлик туйғусини уйғотади ва кучайтиради. Тиллар ранг-баранг бўл-

маса, миллатлар ранг-баранг бўлмасди. Араб, рус, инглиз тилининг ёнбошида қадим ўзбек тилининг борлиги нақадар гўзал, нақадар маънодор! У Қуръонни баён қилиб, Қуръон тилига, Инжилни баён этиб, Инжил тилига, “Одиссея”ни баён этиб, “Одиссея” тилига, “Улисс”ни баён этиб, “Улисс” тилига айланди. Нақадар гўзал бу ранг-баранглик! Шунинг қудратини сезмайсизми таржималарда! Ипақдай чйратма, ўн минг даража ҳароратда ҳам кулга айланмайдиган жумлаларда! Улар худди Коинотнинг қора ўпқонидан ёғилаётган шуълалардан битилгандай! Кечагина бир китоб ўқидим, Бухоро лаҳжасида босилибди. Яна бир китоб кўрдим, Хоразм шеvasида ёзилган. Барака топкур, қани қудратли ўзбек адабий тили?! Нега сиз уни инкор этмоқчи бўласиз? Лаҳжа даражасига тушасиз? Навоий қошида уялмайсизми? Қодирий олдида юзингиз қизармайдими? Кунингиз оммавий маданиятнинг “Уялмасанг, ҳар ишни қилавер” қоидасига қолдими? Энди онадан азиз, отадан улуғ тилимизнинг юзига тупроқ сочасизми? Ўнгланинг! Уялинг! Асралмаганни асрамас!

– **Иброҳим ака, боя таржимон меҳнатини заргар машаққатига ўхшатдингиз. Одатда, заргар аҳли инжиқлик билан халфа танлайди. Ардоқли сирини учраган одамга дастурхон қилгиси келмайди-да. Негадир таржимада шогирд тайёрламадингиз. Наҳот, сўзгарлик ҳунарингизни ўрганишга муносиб, кўксидан лаҳча чўғи бор қорақўз топилмаган бўлса? Густохликка йўймангу, Сиздек устозларнинг шогирд ҳозирламаётгани ҳам мактаб кўрмаганларнинг тегирмони-га сув қўймайтими?..**

– Сўфийга мурид қандай мақом ва ҳолда бўлса, адабий устозга шогирд ҳам шундай мақом ва шундай ҳолатда. Имоним комилки, устозу шогирд бир тан-бир жон бўлиб кетгандагина, икки ўртада батамом уйғунлик туғилгандагина мавжуд. Акс ҳолда, бу ўқитгану ўқиган, муаллиму толиб муносабатларидир. Сўфийлар устоз – шогирд муомала-муносабатларининг энг юксак ахлоқий даражасига қатъиян риоя қилганлар. Шогирд ўсиб, устоздан ўзиб кета бошласа, сўфий дарҳол уни бошқа, ўзидан кучлироқ устоз сўфийга ҳавола қилиб жўнатган. Мансур Ҳаллож, Хожа Аҳрор Валий каби улуғ сўфий донишмандлар таржимаи ҳолида бунинг улуғ ибратли мисоллари бор. Сўфийлардан ўрганадиган ахлоқ мўъжизалари кўп. Аммо уларнинг устоз – шогирдлик (пир – муридлик) аънаналари биз учун бениҳоя қимматли. Шогирд деса, ҳар жиҳатдан арзийдиган мумтоз зотлар бор, Худога беҳисоб шукур! Аммо уларга устоз керакмикин? Ҳамма гап шунда!

Мен эса устозларимга юкиниб, улар ҳақида ҳол-беҳол нафис мажлислар тузиб, камтарин сўзларимни ҳамиша улар пойига сочиб, бошимни мўъжиза дафтарларидан кўтармай таржима йўсинида изланиб, шогирдлик бурчларимни Аллоҳ имкон берганча адо этиб келяпман. Худо ҳамма нарсани билувчи, кўрувчи, эшитувчи, охириги сўз – Униқидир.

**Суҳбатдош: Собиржон ЁҚУБОВ**



Назми Назми  
Назми Назми Назми  
Назми



Ҳол Муҳаммад ҲАСАН



## Тоглар тилими туркумгай

Туркум

### МУСИЧА

Мусича мўй келтирур,  
Беҳишдан бўй келтирур.  
Инига ун сепса ким,  
Мўл ризқи рў(й) келтирур.

Мусича мўй келтирур,  
Бўй қизга тўй келтирур.  
Қўраларин тўлдириб,  
Қуйруқли қўй келтирур.

Мусича мўй келтирур,  
Кўнгилга ўй келтирур.  
Кафтида дон тутса ким,  
Кетмас обрўй келтирур.

Мусича мўй келтирур,  
“Ку-ку”лаб куй келтирур.  
Куйиб юрган йигитга  
Бир парирўй келтирур.

Мусича мўй келтирур.  
Уйларга тўй келтирур...

### ЧОРЛОВ

Нафас қисиб агарда,  
Сигмай қолсанг шаҳарга,  
Тушиб отдан, эгардан  
Тогларга кел, тоғларга.



Ошна, жўра, улфатлар,  
Суюқ, сийқа суҳбатлар,  
Жонга тегса “ош”, “гап”лар,  
Тогларга кел, тоғларга.

Тогда сир бор, ҳайбат бор,  
Юксакликда ҳикмат бор.  
Ҳис бор, катта ҳайрат бор –  
Тогларга кел, тоғларга.

Бунда “миш-миш”, гийбат йўқ,  
Тижорат йўқ, рағбат йўқ,  
Ёзув-чизув, тўхмат йўқ,  
Тогларга кел, тоғларга.

Қўл силта кам-кўстинга,  
Дастингни чўз Дўстинга.  
Пастлар қолсин пастингда,  
Тогларга кел, тоғларга.



### СЕҲР

Тоглар тўшига чиқсанг бас,  
Улар паст кетишга қўймас.  
Сеҳрлаб қўяр, сеҳрлаб,  
Бундай ҳилқатни ким суймас.

Каклиги какир-какирлаб,  
Кийик улоги дикирлаб,

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН

(Ҳолмамат Ҳасанов) – 1957 йил Сирдарё вилоятида туғилган. 1983 йил ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Ўзбекистон Судьялари Ассоциациясида хизмат қилади. “Оҳува”, “Қадимий қўшиқ”, “Ул кун устоз дедилар...”, “Сулвлардан сулувсан” номли шеърый тўпламлар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Кўшиқлар айтиб қайнайди  
Булоғи биқир-биқирлаб.

Бурганлари бўй таратар,  
Шувоғи танни яйратар,  
Нар беданадай сайратар  
Кавраги касир-касирлаб.

Туманли товлар – ўтовлар,  
Тўзгитиб тибит собовлар.  
Оқ қосабали момолар  
Сирлашар пичир-пичирлаб.

Камарда зовлар, унгулар,  
Тош кўчса ёмон гумбулар.  
Аъзои бадан жимирлар  
Юраклар дукур-дукурлаб.

Қотларда ўтлар олқори,  
Қояда қийғир патлари.  
Сув сачратар санглоқлари  
Биргина сўзни зикрлаб.

Дараси – дарё ўраси,  
Шаропаси – шаршараси  
Йўнар қиловли қиррасин  
Қайроқтошлари тўғирлаб...

Ҳайдар кокулли шамоллар  
Ях чўққиларни “ёмон”лар.  
Ҳуччига учар хаёллар  
Чукрилар тотин ўғирлаб.

Туятобоннинг таъми хуш,  
Томирин кавлар каламуш.  
Нимага урди кирпи ниш  
Андизлар шитир-шитирлаб?

Тошбақа тошга пусиниб  
Гўлликка солар ўзини.  
Қидирар ризқи рўзини  
Қурту қумурсқа қимирлаб.

Кўзлар қамашар кўркидан,  
Дўлана, учқат, зиркидан.  
Абрик ифори бургида  
Арчалар шохи гичирлаб.

Чакамук, ҳулули пишган,  
Айиқлар ейишга тушган,



Замбулар чиппа ёпишган  
Куйлашиб “минғир-минғир” лаб.

Қуённинг қавми товушқон,  
Суғурга юмрон туғишган.  
Тулкиман този қувишган  
Тишлари тақир-тақирлаб.

Тунлари тўлин ойни кўр,  
Минг қўйли манов бойни кўр.  
Чилдирма чалиб тўкар кўр  
Юлдузлар бижир-бижирлаб.

Жумурда қорин мойлари,  
Форда сақлангич жойлари,  
Бойбича келинойлари  
Кубилар пишар гусирлаб.

Қишини кузга муҳрлаб  
Баҳор ҳам борар охирлаб.  
Таърифга бошқа Ҳолим йўқ  
Тилимни тийғум “узр”лаб.

Сеҳрлаб қўйди-да сеҳрлаб...

## МАЙДАНАК

Қизиқмиз табиатан,  
Қишда хуноб ютамиз...  
Куйдиради саратон,  
Ёзда совуқ кутамиз.

Чўлда ҳозир элик бор,  
Туриб терга ботамиз.  
Қирга чиқсак... чўлликлар  
Чопонда совқотамиз.

Ошиқиб тоғ – дарёга,  
Отга қамчи чотамиз.  
Ҳар азиз авлиёга  
Таъзим қилиб ўтамиз.

Руҳи покига дуо –  
Ҳазрат Лангар Отамиз.  
Кўкабулоқ – кўк маъво...  
Ҳисларни уйғотамиз.

Мана, Майданак – майдон  
Кўзга дурби(н) тутамиз.



Пасайиб келар осмон,  
Борлиқни унутамаиз.

Ҳарсангтошига ёнбошлаб,  
Туманларни тутамаиз.  
Семиз булутни ушлаб,  
Соғиб сут ивитамаиз.

Ой бўйнига солиб қўл,  
Оқ ўтовда ётамаиз.  
Бу ердан энг яқин йўл  
Юр, юлдузга кетамаиз.

## ЎЛАН

Отам от сурган адирлар –  
Қирлар жон қадар қадрли.  
Дўмбирасига жўр бўлиб,  
Ўланлар айтсам арзийди.

Ойлардин ойдин ўйлари,  
Карвонлар кутган бойлари.  
Ордона қолди ўтган сўнг  
Туялар оққан сойлари.

Туялар боқсам “ҳала”лаб,  
Олдимга солсам галалаб.  
Урсам норининг бўйнига,  
Ўлсам парининг қўйнида.

Ойнинг қўтонлаб оғиши,  
Ойда бир ёмғир ёғиши,  
Қўрани нурга белабди  
Тўлнинг суртери туғиши.

Газалар боши қораймиш,  
Даҳналар оғзи тораймиш,  
Бослиғиб чиққан бойбича  
Тушларин йўлга йўраймиш.

Ярқировуқ ярқираса,  
Бориблар ҳолин сўрасам.  
Соғинганини билдириб,  
Жобсорлар очиб қараса.

Сочбовларини сочоқлаб,  
Жўмалагини мунчоқлаб,  
Чошгоҳда ўтар отарга  
Қўшқадисини қучоқлаб.



Кийган ҳаққари ковуши,  
Тошларга тегиб товуши.  
Зовларни олар забтига  
“Чирий”лаб чибич соғиши.

Кўганда габа қўзилар,  
Ийдириб бўйни чўзилар.  
Жамраиганида манграшиб,  
Эмача бовринг эзилар.

Қозаноқ, гилагай ичиб,  
Жегда – кебанагин ечиб,  
Чўлиғи чалар сибизик  
Масирқаб, дунёдан кечиб.

Бир тутам соқол иякда  
Така торизгар киякда.  
“Бобов”ларингни бас қил-ей,  
Ҳали сенга рўз қаёқда.

Ҳаволар ёғар тов-товга,  
Туялар келар мотовга.  
Муртини суртиб “бой” ота,  
Кириблар ке-етди ўтовга...

## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Эр кишининг эркалиги кучдадир.  
Белин букар кушандаси учтадир.  
Боши учун етар баъзан бири ҳам:  
Бири намдир, бири гамдир, бири кам...

\* \* \*

Минг йиллардан бери жўрам Исоқ Тўра  
Шеър қадрига кўпроқ етар мендан кўра.  
Кўзларидан кўрса бўлар юрагини  
Ҳар сония виждонидан сўраб урар.

\* \* \*

Юзда ҳам ёшларни кўрса,  
юзингиз ёришиб турсин,  
Кўролмасдан кампирингиз  
кунора уришиб турсин.  
Кўшанилар киришиб турсин,  
лабларин буришиб турсин,  
Ичингиз юришиб турсин –  
ишингиз юришиб турсин.



## СУВ КЎРМАЙ ЭТИК ЕЧМА



Расмлар муаллифи Аспиддин Калонов.

### Кўчқор НОРҚОБИЛ

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. “Дарё ортидаги йиғи”, “Ўн саккизга кирмаган мен бор”, “Дераза раҳидаги гул”, “Қуёшни ким уйғотади” каби қатор насрий, шеърӣ тўпламлар, бир неча драмматик асарлар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## САККИЗ САҲНАЛИ ҲАНГОМА

Қатнашувчилар:

1. Чори учар – Чапани, ҳақиқатгўй, андак қитмир киши. 55-60 ёшда.
2. Рўзихол – Чори учарнинг хотини. Эрига ҳамиша ҳадик билан қарайди. 50-55 ёшда.
3. Эшдавлат – Ўзига хос қайсар, бироқ содда киши. 35-40 ёшда.
4. Йўлдошали – Чори учарнинг ўғли. Тижоратчи. – 25-30 ёшда.
5. Орзубой – Содда ва ишонувчан одам. 55-60 ёшда.
6. Норгул – Орзубойнинг хотини. 50-55 ёшда.
7. Райхон – Орзубойнинг қизи. 18-20 ёшда.
8. Бўриполвон – Ўзига бино қўйган, кўрс одам. 55-60 ёшда.
9. Шоди барака – Ким нима деса ишонадиган, гўл ва олим киши. 55-60 ёшда.
10. Сарви – Шодибойнинг хотини. 50-55 ёшда.
11. Нозим шоир – 25-30 ёшда.
12. Фелекс – Ажнабий. 30-35 ёшда.
13. Тўхта қушноч – Кинначи кампир. 65-70 ёшда.

### БИРИНЧИ САҲНА

Чори учарнинг ҳовлиси. Қишлоққа хос кўримда тикланган уй-жой. Ҳовли четида супа. Дарахтлар соя ташлаган, пахса девор билан ўралган ҳовлининг бир четида ошхона, тандир, ўчоқ, бостирма. Супа орти кенг-мўл боғ.

Рўзихол у-бу нарсаларга уриниб, куймаланиб юрибди. Туйқус – эшик тақиллайди. Ташқаридан овоз келади. Ғазабнок ташвишлар. Рўзихол анграйиб туради. Супада мудраб ўтирган Чори учар ўрнидан сапчиб туриб кетади.

**Чори учар:** (Супада тик турган кўйи ўз кўксига туфлаган бўлиб) – Ёмон туш кўрдимов... Астафтурулоҳ.

### Эшик тақиллаши яна авжга чиқади.

**Рўзихол:** (Хавотир билан эшикка имо қилади). – Туш эмас, ўнгингизда.

**Ташқаридаги овоз:** – Очинг эшикни... Ким бор?..

**Рўзихол:** (Дарвозага қараб юра бошлайди...) – Қиёмат кўпдими, нима бало?

**Ташқаридаги овоз:** (Жаҳл билан) – Чори тоға! Чори тоға-ёв. Очинг эшикни.

**Чори учар:** (Қўрқувдан ранг-кути ўчиб.) – Эй, тўхта. Рўзи. Тўхта. Бу Эшдавлатми? Эшдавлат. Очма. Қутурганга ўхшайди, очма.

**Рўзихол:** – Эшикни ўпириб киради. Важоҳатини кўрмаяпсизми?

**Чори:** (У ёқ-бу ёққа аланглайди-да юзуриб бориб тўнкарилган каттакон саватнинг тагига яширинади.) – Бўпти, оча қол.

**Рўзихол:** (Эшик томон бораётиб) – Яна бир балони бошладингизми-а? Худо беҳабар одам экансизда-а. Қачон элга қўшиласиз-а. Бораяпман... Ҳо-о-в, очаяпман.

Эшик тарақ-туруқ этиб ҳовлига ғазабнок, кўйлагининг олд тугмалари очилган, кўкрагини кўрсатиб,

иштони пойчаларини тиззасигача қайириб, оёғига калиш кийиб олган Эшдавлат юзуриб кириб келади. Қўлларини мушт қилиб у ёқ-бу ёққа аланглайди.

**Эшдавлат:** – Қани, а? Эрингиз қани?

**Рўзихол:** – Нима гап, Давлатжон иним, нима гап? Қани, супага ўтир.

**Эшдавлат:** (Қўл силтаб, яна ўшқириб) – Амма, супада ўтирадиган аҳволдамасман ҳозир. Қўтир каллага соя не даркор, деган экан кимдир... (Бош чайқаб ўзига гапираверади) – Айтувдима... Айтувдим... Шу учар писмиқнинг гапига кирма деб... Тоға бўлса ўз йўлига. Маслаҳатингдан ўргилдим. Элга эрмак, юртга элак бўлганим қолди... Аммо, айтинг, эрингизга айтинг, кўзимга кўринмасин, ўлай агар, олдимдан чиқса бир бало қип қўяман.

**Рўзихол:** (Эшдавлатга ҳам ачиниб, ҳам кинояомуз қараб) – Кўринмайди, кўзинга кўринмайди, Давлатжон иним. Ҳалиям кўринаман деётгани йўқ.

**Эшдавлат:** (Асабий) – Айтганимни қил, қишлоқда номингга нарвон қўйиб улуғлашади, дейди. Ўзига ўхшаган бемаъни гапларни қаердан топаркан-а, амма, бу учар чолингиз.

**Рўзихол:** (Гўёки хафадек) – Давлатжон, иним... У киши сенгаям бегонамас, ҳадеб учар, учар дейверма. Айт, чолим нима иш қип қўйди?

**Эшдавлат:** (Энди қўлини мушт қилиб ўз бошига уриб) – Увв... Воой! Нима қилди дейсиз? Шунинг маслаҳатига кириб туппа-тузук томорқанинг адоғида энига тўрт, бўйига тўрт қилиб чуқур қазиб ўтирибман-а...

**Рўзихол:** (Ҳайрон, ажабсиниб) – Нега қазасан?

**Эшдавлат:** (Жиғибийрон) – Нега қазардим, нимага қазардим, ўзимга ёки учар эрингизга гўр қазимайман-ку...

**Рўзихол:** (Сесканиб) – Ҳой, ҳой, иним. Эшдавлат, ўзингни бос.

**Эшдавлат:** (Бош чайқаб) – Ҳовуз қаздим, амма, ҳовуз қаздим.

**Рўзихол:** (Таажжубда) – Ҳовузни нима қиласан?

**Эшдавлат:** (Энди янада аламли чинқириб) – Нима қилардим, бутун қишлоқни ҳовлимга қамаб чўмилтиргани қазимаганман ҳар ҳолда. Бизнес қиламан девдим. Ҳа. Бизнес. Учар эрингизнинг маслаҳати билан. Нима эмиш, балиқхона қуриш керакмиш. Фарғонага бориб, ишбилармон дўстларидан кўриб келганмиш. Эни-бўйига тўрт, чуқурлиги икки метр келадиган ҳовузга балиқ уруғини ташлаб кўпайтирсам, икки йилда миллионер бўлиб кетармишман. Шу ҳовузда бир кило-ярим килолик балиқлар етиштириб сотсам, ҳар куни ўлдим деганда 100-150 минг сўмдан даромад олишим мумкин экан.

**Рўзихол:** – Қанча?

**Эшдавлат:** (Қовоғини уюб) – Бир кунда юз-бир юз эллик минг сўм соф фойда қолармиш. Ҳа, шунча пул оқиб келаркан!..

**Рўзихол:** – Тошни ебсиз шу гапингизга, 100-150 минг сўм фойда кўриш керак бўлса, нега ўзингиз шу ишни қилмайсиз, демадингми тоғанга, иним? Уйининг аҳволи бу, тагин бировга ақл бўлишига, бировга йўл кўрсатишига ўлайми? (Сўнг сават томонга бир қараб чўчиб тушади. Овозини энди юмшатиб) – Ҳа, энди у киши сенга бегона эмас, жиянимнинг бири икки бўлсин, дегандир-да.



**Эшдавлат:** (*Қўл силтайди. Саватнинг устига бориб ўтиради*) – Қаерда бирим икки бўлади. Қайтанга элга кулгу бўлдим. Отамдан ҳам оладиганимни олдим.

**Рўзихол:** (*Хавотирланиб*) – Нима учун кулги бўласан? Отангдан нимани олдинг, иним?

**Эшдавлат:** (*Сават устида ўтирган кўйи оёқларини ликиллаптиб, саватнинг қорнига тўпиллаптиб тепиб...*) – Мен ўлиб-тирилиб, эни-бўйи тўрт метрлик ҳовузни энди бир метр қилиб қазувдим денг, ер остидан пақиллаб сув отилиб чиқди. Томошани кўринг, ҳовлининг қолган қисмини ҳам сув босиб кетди. Бостирма томондаги девор оғиб, уйичи кети очик қолган боладай кўчага кўриниб қолди, кўйди. Бир пасда ҳамсоя-овул йиғилди. Умрида сув кўрмаган ўрдак жўжаларим сувда сузиб, кучук сувда шалолаб юрибди денг. Ҳовуз қазимай ўл дейдиган одам йўқ. Куладиган одам кўп, аммо! Отам қаттиқ дакки берди.

**Рўзихол:** – Эрим ҳовуз қази деса қазийверасанми, сув тошиб чиқиши хаёлингга келмадими, иним?

**Эшдавлат:** (*Қўл силкиб*) – Учар эрингиз бир нарсани билади дебман-да, амма! Бойиб кетиш йўлини ўргатяпти дебман, писмиқнинг юзи кулгандай бўлувди-я...

**Рўзихол:** (*Супадаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб олиб келиб сават устида ўтирган Эшдавлатга узатади.*) – Давлатжон иним, чой ич. Ишқилиб сув тўхтадимми?

**Эшдавлат:** (*Бош чайқаб*) – Туман марказидан мутахассислар келди. Бетонлаб ёпишди, бир амаллаб. Икки юз мингга тушиб ўтирибман. Аммо, мен буни шундай қолдирмайман. Учар эрингиздан барибир ўчимни оламан.

### **Сават устидан туриб кета бошлайди.**

**Рўзихол:** (*Уни юпатиб*) – Қўй, куйинма иним. Тоғанг, барибир тоғанг-да. Хафа бўлма. Энди, иним, минг қилсаям бир томир нари, бир томир бери, тоға барибир тоға. Тоға-жиян қир пичоқ бўлиб ётманглар, айланай, эшитган кулади.

**Эшдавлат.** (*Жойида таққа тўхтаб, Рўзихолга ўқрайди*). – Амма. Амма! Лекин бостирма-чи. Томорқачи? Ошхонанинг бир қисми-чи? Сув оп кетди деяпман-ку. Яхшиям кўшним Бўри полвон бор экан. Ўғиллари билан кун бўйи томорқадан челақлаб сув чиқардик. Эрингиз думиниям кўрсатмади. Эрингизнинг қилмишидан Бўри полвоннинг ҳам ажинаси отланди. "Шу қитмирнинг гапига кирасанми. Ёшлигидаям гўр эмас эди, энди қаро ер бўлармиди, бир пайтлар Ҳамдам чавандознинг тўйида чалпак қилиб йиқитганман. Шу-шу ҳозиргача калласи кирари-чиқари, хаёлига келган гапни гапириб, бўлмағур маслаҳатларни бераверади", деди.

*Шу пайт саватни иргитиб Чори учар ирғиб туриб, Эшдавлатга хезланиб ўшқиради. Чори учарнинг сават тагидан чиқиб, хўроздай хурпайишини кўриб Эшдавлат, довдираб қолади...*

**Чори учар:** (*Важоҳат билан олдинга интилиб*) – Бекор гап. Бекорларни айтибсан. Нима бало, мастмисан? Оғзингга келганини гапираверасанми-а? Ўша тўйда, ўша Ҳамдам чавандознинг тўйида, ўша Бўри калингни икки оёғининг орасидан илон чил бериб илдириб оёғини осмондан келтириб, (*қўлларини ҳаволатиб*) худди чархпалақдай қилиб бошимдан

ошириб шундай йиқитганманки, бели узилиб кетишига бир баҳя қолган. Унинг полвонлиги чепуха. Бир чўнқаймани билади. Писиб, кўрқиб олишади. Тушундингми? Менга Бўри кални мақтайсан, нокас.

*Рўзихол икковининг ўртасида гоҳ унисига, гоҳ бунисига қараб, овсарланиб қолади.*

**Эшдавлат:** – Вой-вой. Вой-вой. Манави одамни қаранглар. Мен тоғдан келсам, боғдан келади. Гапни чўзмай, икки юз мингни чўзинг.

**Рўзихол:** (*Унинг йўлини тўсиб*) – Давлатжон, иним. Шайтонга ҳай бер, иним.

**Чори учар:** (*Ҳоз туриш қилиб*) – Кел, қани. Қоч, хотин. Келсин-чи, нима қиларкан. Мени ким деб ўйлаяпти бу? Ойдин кампирнинг боғини кўрсатиб қўяман, бунга.

*Эшдавлат жойида тахта бўлиб тўхтаб қолади. Шаштидан тушади. У ёқ-бу ёққа аланглайди.*

**Рўзихол:** (*Эрига ҳайрат билан*) – Нима? Нима деб алаҳляясиз?

**Чори учар:** (*Эшдавлатнинг шаштидан тушиб, шалвирагани, гапи нишонга тўғри текканини билиб, энди бежавотир ҳолатда хотинига қараб*) – Хотин, бор-боравер, ўзимизнинг шунчаки гапимиз бор... Давлатжон ининг (*киноя билан*) мени тушунди. Нега қараб турибсан, бор, қўйга ўт ташла.

*Рўзихол уларга ҳайратомуз қараб ҳовли адоғига кетади.*

**Эшдавлат:** (*Синовчан нигоҳ билан*) – Бу нима деганингиз? Ойдин момо боғининг бизнинг гапга нима дахли бор.

**Чори учар:** (*Энди ғолибликни тўлиқ қўлга олиб...*) – Дахли бор, жиян. Дахли бор. Куни кечаям телевизорда кўрсатди, "Сув ёқалаб", деган кинони кўрддингми? Кўрддингми? (*Ўқрайиб қарайди*).

**Эшдавлат:** (*Ажабланиб*) – Кўрдим.

**Чори учар:** (*Эшдавлатга ижирганиб қараб*) – Кўрган бўлсанг яхши. Шу кинони ўзимизнинг хешимиз, Нормамат раиснинг анави шоир ўғли Эркин амакинг ёзган. Майли, гап бунда эмас. Гап шундаки, шу кинода эри йўқ, эри олисда юрган аёлнинг тўшагига, қўйнига кирган ўғлини раис Болта Мардон чунонам савалайдикки, бола шўрлик туғилганига пушаймон еydi... (*Яна ўқрайди... Энди у ғоз. Энди у хўроз. Энди...*) – Кўрддингми? Кинонинг ўша жойини кўрддингми, жиян?

**Эшдавлат:** (*Типирчилаб, ўзини кўярга жой топпамаган кўйи, ерга қараб кўзини аланга-жаланга қилади*) – Кўрдим, тоға! Кўрдим! Лекин... (*унинг овози синиқ чиқади*).

**Чори учар:** (*Энди ғолиблик қиёфасида ачиниш ҳисси*) – Лекин-пекини йўқ. Сенинг отанг Ҳайдар қуёнчиқ ўша Болта Мардондан ҳам ўтиб тушади, сени савалаб, қамчилаб ўтирмайди, бира тўла болталаб, чопиб ташлаб қўяқолади. Сени чопиб ташлайди, ўша мегажинингни ҳам бурдалайди... Уқдингми? Номусли эркак эри олисдаги аёлнинг, умуман, номахрамнинг номини булғамайди.

**Эшдавлат:** (*Попуги пасайиб*) – Тоға, ер тагида илон кимирилса биласиз-а, энди шуни достон қилиш шартмас-ов?

**Чори учар:** (*Ижирғаниб*) – Йўқ, жиян, мен майдакаш, ипириски одам эмасман. Феъли-рўйимни қитмир дединг – тўғри, писмиқ дединг – тўғри, гоҳ-гоҳида шундай номаъқул, элга овоза ҳазилларим ҳам бўп туради. Бироқ, бировнинг боғини ҳаром қилмайман, қишлоқнинг булоғини булғамайман, уқдингми? Сенга гапим шу: оёғингни билиб бос, ернинг юзи қаттиқ бўлгани билан, шувит қилсанг ер ютишиям турган гап, жиян. Қисқаси, бировнинг номуси элнинг ори билан баробар. Ҳаром-ҳаришни йиғиштир. Оиланг, гулғунчадай болаларинг бор. Ке, энди шу гап орамизда қолсин. Нима дединг?

**Эшдавлат:** (*Мўлтираб, жовдираб*) – Тоға, тоғажон. Мен тушундим. Шу гап, ҳалиги, Ойдин момонинг боғи масаласи ўртамазда қолсин!

**Чори учар:** (*Кўнғели юмшаб*) – Қолади, қолади, жиян. Тоғанг майда одам эмас. Қолади.

### Эшдавлат кўксига кўлини кўяди.

**Эшдавлат:** (*Зўрға илжайиб*) – Хўп, мен борай, тоға.

**Чори учар:** (*Қатъият билан*) – Тўхта! (*Кўйинини кавлайди*) – Ма, манавини олиб кўй. (*Бир тахлам пул узатади*) – Қулаган бостирмангни, деворингни тикла!

**Эшдавлат:** (*Хижолат ҳолда қўл силтаб*) – Керакмас. Очиғи, ўзимдан ҳам ўтди. Олдингизга келмас эдим, деворни тиклаётсам, Орзубой амаки, энди ҳар куни балиқ ерканмиз деб бола-бақра билан орзу қилиб ўтирувдик, ҳей, аттанг деб, пичинг қилди. Шу гап суяк-суягимдан ўтиб кетди. Кейин, шайтоннинг гапига кириб сиз томон югуриб келавердим...

**Чори учар:** (*Пулни ён чўнтагига қайтариб солади. Илжайиб*) – Орзубой шундай дедими? Пичинг қилди, де.

**Эшдавлат:** (*Энтикиб*) – Кейин... Ҳалиги Бўри полвон иккови.

**Чори учар:** (*Гапини шарт бўлиб, ўқрайиб*) – Полвон дема. Бўри кал де.

**Эшдавлат:** (*Сапчиб тушиб*) – Хўп. Бўри кал иккови, Орзубой амакининг супасида ўтириб битта шисани майдалашга тушишди. Менимча, менга кўшиб сизниям роса мазах қилишди-ёв.

**Чори учар:** (*Жиддий қиёфада, унинг гапига ишонқирамай қараб*) – Сен буни қаердан билдинг?

**Эшдавлат:** (*Яна тажане*) – Тоға! Айтдим-ку, сув тошиб деворимни ағанатиб кетди деб. Ҳамма томон, кўни-кўшнимнинг ҳовлисиям кўриниб қолди-ку... Орзубой амакининг супасини шу девор тўсиб турарди-да...

**Чори учар:** (*Энди хижолатомуз алфозда*) – Ҳа бўпти... Хафа бўлма. Ахир ўзинга ҳам каллани Худо бекорга бермаган-ку... Энди тоғам айтди, деб... Ҳа, майли, бўлар ишдан гаплашайлик... (*Сўнг унга яқинлашиб елкасига қоқади.*) – Бир гап бор. Балиқ ейишмоқчи экан де. Мен Бўри кал билан ўша Орзубой жевачига балиқнинг ўрнига колбаса едираман. (*Эшдавлатга тикилиб туради... Сўнг уни супа томон бошлайди.*) – Бир режа бор, жиян. Эл эшитмаган хангомани энди ўз кўзинг билан кўрасан.

**Эшдавлат:** – Тушунтириброқ гапиринг, тоға.

**Чори учар:** – Хўш, қани супага чиқ. (*Улар супага ўтиришади.*) – Шундай қилиб Орзубой анави Бўри кал билан байрам қилди, де. Мазах қилди, де. (*Ўйланиб қолади*) – Менга қара, хўш, сен ҳалиги, Панжи чапақайнинг шоир боласи, анави журналистликка ўқигани, телевизорда ҳам кўриниб қолади-ку, оти нимаиди, ҳа, Нозим, мен уни Нозим найнов дейман. Нозим найнов, қишлоққа кепти деб эшитдим, бир ажнабийни ҳам эргаштириб келганмиш, шуларни бизниқига бошлаб кел.

**Эшдавлат:** (*Ҳайратомуз*) – Нозимни нима қиласиз?

**Чори учар:** (*Мийғида кулиб*) – Бу ёғини сўрама... Нозим найнов бўлагидан бола, укағардинг боласи ҳаммомнинг туйнугидай қишлоқдан чиқиб бутун мамлакатга танилиб бораяпти. Ўшани шериги, ҳалиги ажнабий жиблажибон билан бирга кўшиб олиб кел, бир зиёфат мендан. Бир меҳмон қилсам зиён қилмайди. Кейин... кейин бир режа бор. Сен хурсанд бўласан... Уқдингми?

**Эшдавлат:** (*Ўрнидан кўзғалиб*) – Уқдим, уқдим, тоға. Нозим қачон келсин?

**Чори учар:** (*Уни эшик томон кузатаётди*) – Илжи бўлса ҳозир топиб кел... (*Елкасига уриб кўяди.*)

*Улар хайрлашишади.*

*Саҳна қоронғулашади.*

## ИККИНЧИ САҲНА

*Чори учар супада ястаниб ўтириб чой ичаяпти. Гўё бепарво. Супа ёнида, каттакон йўлхалта устига ўтириб олган ўғли Йўлдош, йўл олдидан фотиҳа беринг дегандай отасига имо қилади. Шу пайт ўчоқ томондан кичкинагина тугунчани кўтариб онаси Рўзихол югургилаб келади-да, тугунчани ўғлига туттади.*

**Рўзихол:** – Ол, айланай болам. Ўроқжон, тез-тез кеп туравер, ўқишинг қочиб кетмайди. (*Эрига кўрқиб-писиб қарайди, эри хотинининг бу гапидан сўнг унга олайиб қараб бош чайқаб кўяди*)

**Йўлдош:** (*Жиғибийрони чиқиб*) – Эна, неча марта айтганман, шу Ўроқ деманг деб... Йўлдош деб айтсангиз бўлаверади, ошналарим, синфдош кизларнинг олдида ҳам кеча Ўроқжон, Ўроқжон дейвериб безор қилдингиз. Одамни шарманда қилманг, эна.

**Рўзихол:** – Ўрганиб қолганман-да, болам, ўрганиб қолганман. Мен учун Ўроқвой. Бу отни раҳматли Нозик момонг кўйган.

**Чори учар:** (*Хотинига энсаси қотиб қараб*) – Бас қил. Болани йўлдан қолдирма.

**Рўзихол:** (*Икки кўлини фотиҳага очиб*) – Омин, болам тойдай тосирлаб юрсин.

*Чори учар хотинига еб кўйгудай қараб ўшқиради.*

**Чори учар:** (*Тажане ҳолда*) – Ҳой, менга қара. (*Овозини чўзиб, оҳиста*) – Менга қара...

*Рўзихол эридан олдин боласига фотиҳа берганидан мулзам бўлиб, мум тишлаб ерга қараб қолади.*

**Чори учар:** (*Томоқ қириб, ўзининг бу уйнинг хўжайини эканлигини билдириб кўйиш учун*) – Қани

омин. Олгину олдирмагин. Йўлинг оқ, ниятинг ойдин бўлсин. Аллоҳу Акбар.

### Улар учовлон фотиҳага қўл кўтаришади.

**Рўзихол:** – Омон – эсон юргин, Ўроқжон.

**Йўлдош:** (*Аччиғланиб*) – Эна... Айтдим-ку, эна.

**Чори учар:** (*Кулиб*) – Мен далада бўлганман, энанг сени шийпонда туққан. Гўринг нурга тўлгур Нозик момонг киндигингни ўроқ билан кесган. Ўроққа қанча сиғинсанг оз (*кулади, силкиниб-силкиниб, елка учуриб кулади*) – Шу ўроқ бўлмаганда... зовудингдан яроқсиз бўлиб тушардинг... (*Яна елка учуриб, завқ билан кулади...*) – Сўнг район марказида сенга ЗАГСдан гувоҳнома олгани борсам, шаҳардан практикага келган ўрис қиз "УРАК, УРАК, что такой урак?", деб қолди... Қани энди Ўроқнинг ўрисчасини билсам... Кейин колхоз кассири Йўлдош акага хушомади учун отингни Йўлдош деб ёздириб юбордим. Вой жинқарча-ей, энди, "Что такой Йўлдаш?" деб қолса бўладими. Ўроқнинг ўрисчасини билмаган одам Йўлдошнинг ўрисчасини қайси гўрдан билсин! "Йўлдош – это денги" деб юбордим. Ангра-йиб қолди. Кейин ёзиб берди... Ҳаммасидан зўри, кейин Йўлдош кассир елкамга қоқиб суюнчи пули берди. Ана шундай, мулло Йўлдош. Йўлдош – денги дегани деб тўғри айтган эканман, мана пулнинг орқасидан қувганинг қувган! Ўв, гапим нотўғрими? Аслида пулни қувиб ҳам ёлчитмаяпсан... (*Қўл силтайди. Сўнг бир ўғлига, бир Рўзихолга қараб*) – Хотин, носқовоғим тоқчада қопти, олиб кел.

*Рўзихол зипиллаб чиқиб кетади. Чори ўтирган жойида ўғли томонга ўнғай бурилади.*

**Йўлдош:** (*Энди аччиқланган кўйи ўрнидан туриб отаси томон юра бошлайди. Тўхтайдди*) – Ота, ўзингиз ҳам ошириб юборасизда-а. Ҳозир замон шунақа. Ҳамма ўзини пулга урган пайт. Бизнес. Пул... Бизнес, бу иқтисодиётнинг олтин қонуни.

**Чори учар:** (*Мийғида кулиб, ўғлини калака қилиб*) – Ҳамма замондаям шундай бўлган. Ҳамиша одамзод ўзини пулга, бойликка уриб келган. Кўй, менга ўргатма, болам?

**Йўлдош:** – Между прочим, сиз тенги одамлар ҳам ҳозир анча уддабурон. Масалан, анави Бўри полвон... Водийдан тўққиз дона товуқ тухумини уч миллион сўмга сотиб опкепди.

**Чори учар:** (*Ўрнидан туриб кетади*) – Нима? Нима деяпсан, эсинг жойидами, ўзи? Уч миллионга тўққизта тухум?

**Йўлдош:** (*Энди жойига қайтиб бориб сумка устига яна ўтириб олади. Дадасини доводиратганидан хурсанд*) – Ҳа, уч миллионга тўққиз дона тухум сотиб олибди. Сиз бунга тасаввурингизга сиғдиrolмайсиз. Чунки, сиз чинакам тадбиркорликни билмайсиз. Чунки сиз...

**Чори учар:** (*Ҳазабланиб*) – Ҳой. Энағарди бола-си, калланг жойидами, эсинг ҳам кирари-чиқари бўлиб қолганми дейман? Уч миллионга тўққиз дона тухум сотиб олса ғирт тентаклик, жиннилик-ку... Бўри кал ўзини даволатсин, ёки сен ўзингни даволатгин, бола.

**Йўлдош:** (*Пинагини бузмай*) – Сиз шундай ўйлайсиз. Лекин Бўри полвон ўша тухумларни очуриб дакан

хўроз, ҳа, уришадиган хўроз қилади. Ўша хўрозларнинг ҳар бирини камида икки миллионга сотади. Тўққиз тухумдан тўққиз урушқоқ жўжа чиқса, урушқоқ хўроз бўлса, ҳар бирини икки миллиондан сотса ўн саккиз миллион сўм дегани. Ҳа, майли ўн беш миллион ҳам дейлик. Ана ишбилармонлик, мана бизнес...

**Чори учар:** (*Энди анграйиб*) – Ҳо... шундай дегин. (*Энди ўйланиб қолади*) – Сенга бир савол. (*Юзидаги терини артади*) – Ўша тухумларнинг урушқоқ хўроз бўлишига ким кафил? А? Айт-чи?

**Йўлдош:** (*Хуш кўрмай*) – Водийдаги полвон жўралари урушқоқ хўрозни товуққа кўйиб, ҳалигиндак... (*Жим туради...*) – Хуллас, шундан сўнг туғилган тухумларни Бўри полвонга беришган.

**Чори учар:** (*Ҳамон ҳайратланиб*) – Йўқ, бу аниқ жавоб эмас...

**Йўлдош:** (*Қўл сиқиб*) – Айтиваерайми? Сиз шу охирига етмасангиз кўймайсиз-да. Тухумларнинг ҳалиги урушқоқ дакан хўроздан эканлигини исботловчи далиллар бор. Видеокамерага олиб боришган. Видео тасмалар бор... Бизнес сизга ўйин эмас, ота.

**Чори учар:** (*Ишониб-ишонмай*) – Товуқнинг кетини видеокамера билан пойлашган, де? Ўша хўрозларни чинданам катта-катта пулга уруштиришадими? Биз томонда бундай нағма йўқ-ку?

**Йўлдош:** (*Энди тажане*) – Бор жойда бор. Дакан хўрозларини Бўри полвон ўша, бу ишни мукамал қилиб эплайдиганларга сотади.

**Чори учар:** (*Алами келиб*) – Сен буларни қаердан билдинг?

**Йўлдош:** – Ўғли Расул айтди.

**Чори учар:** – Тухумларни қачон олиб келибди?

**Йўлдош:** (*Отасига ажабланиб қараб*) – Тунов куни. Ота, энди бу гапни кўчага шамоллатиб юборманг. Бу сир.

**Чори учар:** (*Ўғлига норози қараб*) – Сен менинг ўғлиммисан ё Бўри калнинг боласиммисан-а? Нега мунча унинг тарафини оласан?

**Йўлдош:** (*Ялинганнамо*) – Ота, илтимос, Сиз биллинг, мен билай. Ҳатто бунга Бўри полвоннинг хотини Сарви холаям билмайди.

**Чори учар:** (*Тажжубланиб*) – Нега?

**Йўлдош:** – Бизнесга хотин киши аралашмагани маъқул-да.

**Чори учар:** – Хўш. Ундай бўлса арзанда-ю азиз олтин тухумлар қаерда экан?

**Йўлдош:** (*Отасига маъноли қараб*) – Сизга нима қизиғи бор бунинг?

**Чори учар:** (*Гўё беларво*) – Қизиғи йўқ? Хоҳласам осонликча билиб оламан.

**Йўлдош:** (*Сергак тортиб*) – Ота, кўйинг майда гапни. Расулга сўз берувдим. Яқин ошнам у. Шундоғам эшитдингиз-ку ҳаммасини.

**Чори учар:** (*Писанда қилиб*) – Расул ошнанг бўлса, мен отанг.

**Йўлдош:** (*Норози*) – Уф! Майли. Ҳеч кимга айтмайсиз-а, тўғрими.

**Чори учар:** (*Энсаси қотиб*) – Тўғри. Тўғри. Айтивер, ҳеч кимга айтмайман.

**Йўлдош:** – Тухумлар Шоди барака амакининг дўконидаги музлатгичда. Эртага олишади. Курк товуққа бостиришади.

**Чори учар:** (*Ўзича мамнун*) – Демак, Бўри кал ўзича хотинидан ҳам, бошқалардан ҳам сир тутган. Яхши.

**Йўлдош:** (*Бўшашиб*) – Ота, бўпти, мен кетдим....

**Чори учар:** (*Ўғлидан кўнели тўлмаган ота қиёфасида*) – Менга қара, Сен қачон одам бўласан? Ёшинг ўттизга борди. Ўн йилдан бери бир институтни зўрға тугатаялсан. Қачон қарасанг елкангда тўрванг, ғизғизонсан, ғизғизон. Тошкент ҳам ярим қадам бўп колди сенга.

**Йўлдош:** – Бўлди, ота, бўлди. Худо хоҳласа бу йил тугатаман ўқишни. (*Кейин гапни бошқа ёққа буриб...*) – Ота, Эшдавлат аканинг лақабини эшитдингми? Эшдавлат ҳовуз! Ҳамма уни энди Эшдавлат ҳовуз, деб чақираяпти. Сизнинг шарофатингиздан бу, ота. Лақабни ҳовуз бўлди.

**Чори учар:** (*Энди тутақиб*) – Сендан мен Эшдавлатнинг лақабини сўраётганим йўқ-ку, бола. Менга қара, Шоди бараканинг дўконига сен нима оп келиб бердинг?

**Йўлдош:** (*Беларво*) – Нима опкепман?

**Чори учар:** (*Ижирганиб*) – Энағарди боласи, аёлларнинг ҳалигисини... айтаман... Уялмай шуни оп кеп бердингми-а?

**Йўлдош:** (*Ажабсиниб, кулиб*) – Шу арзимаган нарсани сиз ҳам билдингизми-а? Қишлоқ эмас бу! Бу нақд дунёга хабар тарқайдиган ахборот маркази! Адашиб сумкамга тушиб қолган... Мен ҳам эътибор бермай Шоди амакимга ташлаб кетганман. Шуниям айтдим сизга. Ўзи тоғорадан тор қишлоқ бўлсаям, дунёга хабар тарқатади. Одамлари оғзи билан юради.

**Чори учар:** (*Ўдағайлаб*) – Биров айтдим йўқми, сенинг ишингмас буёғи.

**Йўлдош:** (*Оғрингандай...*) – Ота, ахир глобаллашув, цивилизация, деган нарсалар бор, телевизор, интернет. Бу гаплар жуда майда гаплар. Шу нарсага аччиқланиб ўтирибсиз-а?

**Чори учар:** (*Ажабланиб*) – Нимаси майда? Нега аччиқланмай?

**Йўлдош:** (*Энди довдираб*) – Ахир дунё ривожланишда. Дунё деворларини ривожланиш бузиб ўтаяпти.

**Чори учар:** (*Мийиғида кулиб*) – Дунёни тинч қўй. Бизга тўғри келмайдиган нарсасини сен айтган дунё бизга тиқиштирамасин. Майли, деворимизни ҳам бузмасин, ўша дунё сувилизацияси. Мана шу ён қўшнимиз Орзубой ва бизнинг ҳовлимиз ўртасидаги деворимиз бузиб, ёки ундан ошиб ўтмасин, бир балонг, яъни гирдибаломиди, глоболамиди, ўша нарсанг. Чунки, бизнинг қаричимизга тўғри келмай турган ўша ривожланишингни бизга кераги йўқ, бола. Уқдингми. Бундай нарсаларни бизнинг қишлоққа тиқиштирама, бола. Ўша тараққиётнинг ҳам тиқиштирамасин.

**Йўлдош:** (*Энсаси қотиб*) – Нимани тиқиштиряпти сизга тараққиёт?

**Чори учар:** (*Энди ғазаби тошиб*) – Энангнинг кўкрак халтасини тиқиштиряяпти. Эрта хотин-халажнинг бошқа нарсасини ҳам олиб келиб очиқ-ойдин кўз-кўз қиласанларми? Уялмайсанми, бола?

**Йўлдош:** (*Ноқулай ҳолатда*) – Ота, қўйсангиз-чи?

**Чори учар:** (*Ўйчан...*) – Нимани қўяман. Орсизлик, номуссизлик арзимаган нарсадан бошланади, болам. Майли, сен айтган сив... сив... гла...

**Йўлдош:** (*Ўзини ўнглаб*) – Цивилизация, глобаллашув...

**Чори учар:** (*Бош силкиб*) – Ҳа, шундайчакин нарсалар ориятни оёқ ости қилса, кераги йўқ, болам. Орияти оёқ ости бўлган одамнинг илдизи мўрт бўлади. Ориятсизлик аёлни эркакшода, эркакни эса хотинчалиш қилиб қўяди...

*Шу пайт носқовоқ кўтариб пилдираб Рўзихол келади. Ота-боланинг овозини баландлатмай гаплашишаётганидан кўнели хотиржам, юзига табассум югуради.*

**Рўзихол:** (*Жилмайиб*) – Ота-бола нимани гаплашаяпсизлар?

**Чори учар:** (*Киноя*) – Сувилизация ҳақида...

**Рўзихол:** (*Гўёки бир нарсани тушунгандай...*) – Юзини рўмоли билан тўсиб... – Вой, ўлмасам...

Шу пайт эшик тақиллайди. Кимдир овоз беради. Машина гуруллаши ҳам эшитилади. Ит ҳуради.

**Йўлдош:** (*Отасига қарата*) – Ота, майли, яхши қолинглар, эна, бўпти майли, яхши ўтиринглар, Қудрат ошнам вокзалга олиб бориб ташлайман девди, келганга ўхшайди.

## УЧИНЧИ САҲНА

Ўша ҳовли. Ўша супа. Чори учар ёнбошлаб олиб газета ўқияпти. Яна эшик тақиллайди. Чори учар безовталаниб қараб туради. Рўзихол ошхона томондан чиқиб келиб эрига қарайди. Авзойидан яна безовта. Эрига энди буниси ким бўлди, дегандай им қоқиб қўяди. Чори учар бошини эшик томонга ирғайди.

**Чори учар:** – Нега қоққан қоқиқдай бўлиб турибсан? Бор, эшикни оч. Агар нокерак одам бўлса мени йўқ, деб айт.

**Рўзихол:** (*Тумшайиб*) – Нокераклигини қаердан биламан...

**Чори учар:** – Аввал қара-чи... Ҳе, ўл талмовсирамай.

*Рўзихол эшик томон югурғилайди: “Ҳозир, ҳозир, ким у”. Бир пасда қайтиб келади.*

**Рўзихол:** – Анави Нозим шоир бору, Панжи чапаканинг кенжаси. Ўша билан бир ўрис бола турибди эшикди олдида. Нима дей? Тавба, шаҳардан ўрис ошна топиб кепди, ажойиб-да шу бола? Нима дей?

**Чори учар:** (*Хотинига кинояли жилмайиш билан бош чайқаб*) – Чақир! Чақир! Нима дердинг. Чақир! Ўрис бола эмиш. Ўрисмас, инглиз у. Инглиз. Нега анграясан, бор чақириб ке. Ҳа-я, сен, қизингикига бораман деяртудинг. Бор, боравер.

**Рўзихол:** (*Эшик томон бораётиб*) – Кечқурун бораман қизингизни кўргани.

**Чори учар:** (*Қатъият билан*) – Йўқ. Ҳозир борасан. Ҳозир.

*Рўзихол эрига норози бир қараб эшик томон йўрғалайди. Ҳовлига ажнабий дўстини эргаштириб Нозим киради. Ажнабий ўнг қўлини боғлаб, бўйнига бинт билан осилтириб олган. Икковига обдон за-*

монавийликнинг суврат-сийратини шундай ёпиштириб қўя қолган. Нозим тавозе билан Чори учарга салом беради. Ажнабий ҳам қўли кўксига Нозимнинг қилиғини қайтаради...

**Чори учар:** (Мамнун) – Хуш кўрдик, йигитлар. Хуш кўрдик. (Нозим ва ажнабий йигитга ҳавас билан қарайди.)

**Нозим:** – Чақирибсиз, бова? Тинчликми?

**Чори учар:** – Ҳа, энди, дунё янгиликларидан баҳраманд бўлай дедик-да, неваражон. Кўз тегмасин, (бир Нозимга, бир ажнабийга қарайди...) Қишлоғимизнинг фахрисан, фахри, Нозимжон!.. Бошқани билмадим-у, лекин, мен сен билан фахрланаман. Манави бўйинсангни таништир...

**Нозим:** – Бу Фелекс Робъсон. Бизга дунёвий матбуотдан дарс беради. У ўзбек тилини, урф-одатларимизни ўрганапти.

**Фелекс:** – Салом. Салом. Якши. Якши.

**Чори учар:** (Ажнабийга диққат билан разм солиб) – Салом, иним. Салом, яхши. (Нозимга) Дуруст. Сенга сабоқ беришини билмадим-у, лекин ўзбеклардан кўп нарсани ўрганиши чин. Ҳа энди, ажойиб удумларимиз бор... Хўш, Нозим, шоир ошнангнинг қўлига нима қилди? Чакки бўпти-ю?

**Фелекс:** (Яна завқланиб) – Кўл. Кўл. Кураш. Кураш.

**Нозим:** – Ҳамма нарсага қизиқаверади. Кеча Қосим қассобнинг тўйига бордик. Кураш берди. Қўймади, менам ўзбекча курашга тушаман деб, тихирлик қилаверди. Меҳмоннинг сазаси ўлмасин деб, хўп дедик. Бўри полвоннинг ўғли, Расул синфдошимиз билан курашга туширдик. Мана, энди шу аҳвол (Нозим ажнабийнинг қўлига нималардир шипшиди. Ажнабий тасдиқлайди, бош қимирлатади.)

**Чори учар:** (Уларни супага бошлайди. Супага чиқиб ўтиришади) – Эй, шу Бўри калнинг боласи, Расул инжиқнинг ҳам фаросати йўқ-да. Меҳмоннинг ҳурматини қилмайдими. Секингина олишиб, йиқилиб қўйса ўлармиди, нокас калнинг боласи...

**Нозим:** – Йўқ, бова. Расул бун аяди. Йиқилиб ҳам берди. Лекин ўзи сал мўртроқ шекилли, эти эзилиб, пайи чўзилганга ўхшайди.

**Чори учар:** (Ўтирган жойида эгилиб, Фелекснинг лат еган қўлини ушлаб кўради, диққат билан разм солади) – Чин, чиқмабдиям, синмабдиям, пайи чўзилгани чин. (Бироз Фелексга қараб туради-да, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини ҳавога ниқтаб) – Топдим. Топдим. Давоси учун ўзимизнинг ўзбекона усулни қўллаш керак... (Бирдан Чори учарнинг юзида табассум жилади. Иккала қўлини бир-бирига ишқайди. Қарсақ чалиб, кулади) – Топдим.

**Нозим билан Фелекс ҳайрон.**

**Нозим:** – Нимани топдингиз, бова?

**Чори учар:** (Шодлиғини яширолмади) – Бунинг қўлига тухум боғлаш керак... Ҳа, тухумнинг сариғини боғласанг яхши бўлади.

Нозим Фелексга энгашиб шипшиб Чори учарнинг гапини таржима қилган бўлади.

**Фелекс:** (Ноқулай аҳволда гўё) – Йўк. Йўк. Доктор! Доктор якши.

**Чори учар:** (Нозимга энди хафа бўлгандай) – Айт, ошнанга. Қадимдан ота-боболаримиз шундай қилган. Удумимизни ўрганаётган экан, амал қилсин-да. Тухумнинг сариғи шишни ҳам, оғриқни ҳам дарров олади. Буни Ибн Сино айтган.

Нозим яна Фелекснинг қўлига нимадир дейди:

**Фелекс:** – О, О! Авецино. Авецино. Хуп. Майли. Хуп! Авецино якши.

**Чори учар:** – Бу бошқа гап. Ҳозир, бу ердан кетаётиб, анави Шоди бараканинг дўконига қиринглар. Хонадон тухуми яхши. Унда бор. Тўққиз дона олиб, еттитасининг сариғини олиб, катта косада аралаштириб қўлига суркаб, яхшилаб боғлаб қўй. Иккитасини қовуриб енглар. Удуми шунақа, уқдингми?

**Нозим:** – Шоди барака шаҳарга кетаётган экан. Ҳозир кўрдик. Дўкони очиқмикин?

**Чори учар:** (Хурсанд) – Нима? Шоди шаҳарга кетаяпти де? Дўконда хотини савдо қилаётгандир. Айни муддао-да. Айни пайти экан, неваражон. (Сўнг ўзининг шодлиғини яширишга уриниб) – Хотини бўлса яхшида, у-бу нарсанинг фаҳмига етади. Хонадон тухумини сўрагин-а! Музлатгичда турибди. Тўққиз дона тухум, уқдингми?

**Нозим:** – Хўп, бова. Майли. Шундай қиламиз. Ана, Фелекс ҳам рози бўлди. Тухум бўлса, тухум-да. (Кейин Чори учарга разм солиб) – Бова, нега чақиртирувдингиз?

**Чори учар:** (Бош силкиб) – Ҳа-я. Фелекснинг дарди билан бўлиб, чалғиб кетибман, неваро. Менга қара, сен Орзубойнинг қизини ёқтирасан деб эшитдим, шу чинми? Анави, ҳозир шаҳарда ўқиётгани бор-ку, муаллимликка ўқиётгани?

**Нозим:** (Уялиб ерга қараб) – Райҳонни айтаяпсизми?

**Чори учар:** (Мўлжални бехато олганидан қувониб) – Ҳа. Райҳонни айтаяпман. (Нозим ерга қараб турибди) – Хўш, билсанг, отанг Панжи чавандоз энг яқин ошнам. Орзубой ҳам менинг қадрдон жўрам. Иккови ҳам кўнглимнинг туб-тубидаги яқинларим. Лекин, шу Орзубой қизини, Тўйчи раиснинг ҳалиги, туманда катта ишда ишлаётган ўғлига бермоқчи, деган гап оради қишлоқда. Сен хафа бўлма, Орзубойни чақириб, ётиғи билан тушунтираман... Гапимга киради. Кирмай кўрсин.

**Нозим:** (Фелексга хижолатли қараб) – Бу гапдан менинг ҳам хабарим бор. Ўзимам Райҳон билан гаплашаман, деб келувдим. Йўқса, Фарғонага, курсдошларимиз билан айлангани кетмоқчидик. Қишлоққа келишимдан ҳам мақсад Райҳон билан гаплашиш эди, бова.

**Чори учар:** (У ҳам Фелексга бир қараб қўйиб) – Бу ҳамма гапни тушунавермайдими?

**Нозим:** – Йўқ. Гапираверинг, бова.

**Чори учар:** – Тушунмагани яхши. Қишлоқнинг сирини Англия билиши қолувди, энди...

Англия сўзини эшитиб Фелекс Чори учарга ялт этиб қарайди.

**Чори учар:** (Жилмайиб) – Англия, Англия яхши! Яхши нимаиди, Нозимбой?

**Нозим:** – Гуд.

**Чори учар:** – Англия гуд. Гуд Англия. (*Фелекс жилмаяди.*)

**Нозим:** (*Тараддудланиб*) – Раҳмат Сизга, бова. Энди мен борай. Шундай қилиб (*ерга, бир нуқтага тикилиб*) – Райҳоннинг дадаси билан гаплашасиз-а?

**Чори учар:** – Албатта. Гапим битта. Лекин Нозим, бир масала чиқиб турибди-да.

**Нозим:** – Нима масала?

**Чори учар:** (*Ўйланиб*) – Хўш, менга қара, шу колбаса ўсимлиги борми?

**Нозим:** (*Ҳайрон*) – Нима?

**Чори учар:** (*Энди жиддий*) – Колбаса ўсимлиги борми, деяпман? Ер юзининг бирор жойида колбаса ўсимлиги борми, деяпман?

**Нозим:** (*Кулади. Фелексга қарайди. Фелекс ҳам нима гап дегандай бир Нозимга, бир Чори учарга қарайди*) – Бова, ҳеч эшитмаганман. Йўқ.

**Чори учар:** (*Фелексга қараб*) – Нозимбой, бу гапни ошнангга айтиб ўтирма. Демак, бундай қиласан, сендан Орзубойми, унинг ўғлими, колбаса ўсимлиги борми деса, ҳа деб қўявер.

**Нозим:** (*Ажабланиб*) – Нега? Нима учун, бова?

**Чори учар:** (*Сирли оҳангда*) – Сендан нима кетади, эшитганман де, ҳеч бўлмаса.

**Нозим:** (*Энди айёрон кулиб*) – Бова, Орзубой амаки билан гаров ўйнадингизми дейман-а?

**Чори учар:** – Нима бўлса, бўлди. Хўп де. Сўзим битта, сен шуни тасдиқласанг, Орзубойни қизи Райҳонга уйланишингга аввало Олло, сўнг мен борман. Гапим битта, невар. Хўп де.

**Нозим:** (*Энди жонланиб*) – Бўпти. Колбаса ўсимлиги бор... (*Кейин ўйланиб туриб*) – Бу дунё кенг бўлса, балки бордир ҳам. (*Нозимнинг ўзи ҳам кулиб юборади...*)

**Чори учар:** (*Ўрнидан туриб кетади. Фелекс ва Нозим ҳам туришади. Чори учар Нозимга қўл узатади*) – Қўлни ташла. Келишдик-а.

*Нозим ва Чори учар қўл ташлашади. Фелекс ҳайрон.*

**Нозим:** – Бўпти бова, Сизга ишондим.

**Чори учар:** – Хўш, агар Орзубой, мабодо сендан ижикилаб сўраса, ана Фелексбойни ҳам гувоҳ қилиб кўрсатиб юборавер. Орзубой бу ошнангдан сўраб-суриштиролмайдди. Бунинг учун тил керак. Агарким, ўша колбаса уруғини Фелекс ошнам Чори бовамга Англиядан олиб келиб берди, десанг, янаям зўр бўларди. Гапим битта, Орзубойни қизи Райҳонни фақат сенга беришига кўндирмасам, нима десанг деявер, неваражон.

**Нозим:** (*Бу ўйиндан завқланиб*) – Бўпти. Гап битта. Колбаса уруғини Сизга биз бердик. Англиядан опкеп бердик, тамом.

**Чори учар:** (*Ҳаддан зиёд шод*) – Яшавор, невар. Яша.

*Улар супадан тушиб ҳовли ўртасига келишади. Чори учар уларни эшикка кузатади.*

**Чори учар:** – Ҳа дарвоқе, анави Шоди бараканинг дўконидан, инкубаторники бўлмайдди, хонадон тухумини опкетиш эсларингдан чиқмасин-а.

**Нозим:** – Албатта, бова. Ҳозир дўконга кириб олиб кетамиз.

**Фелекс:** – Якши. Якши. Хайр.

**Чори учар:** (*Фелексга, унинг боғланган чап кўлига ишора қилиб*) – Тухум... Тухум. Яхши. Яхши. Ибн Сино.

**Фелекс:** – Якши. Тухум.

*Нозим ва Фелекс чиқиб кетади. Чори учар ҳовлида шоду хуррам ҳолатда қолади. Завқ-шавққа тўлиб ўзича куй чалиб саҳнада рақсга тушиб ўйнай бошлайди.*

## САҲНА АЙЛАНАДИ. ТҶРТИНЧИ САҲНА

*Қишлоқ маркази. Чорраҳа. Норовон, ўйдим-чучур тўрт кўча бирлашган жой. Шу ердаги дўкон пештоқиға “Шодибек Мирзо Жаҳонгир ал-Барака” хусусий фирмаси” деб ёзиб қўйилган. Дўкон ичидан растага ярим белидан суяниб ўтирган Сарви писта чақиб, атрофга аланг-жаланг қараб қўяди.*

*Шу пайт дўкон ёнига Нозим ва Фелекс келади. Қўли боғлиқ ажнабийга Сарви ажабланиб қарайди.*

**Нозим:** – Салом алайкум, Сарви хола.

**Фелекс ҳам:** – Салом, салом.

**Сарви:** (*Бир Нозимга, бир Фелексга разм солиб*) – Ва алайкум ассалом, келинлар, келинлар, иниларим.

**Нозим:** – Сарви хола, бизга тухум керак, тухум борми, товукнинг тухуми?

**Сарви:** (*Чимрилиб*) – Айланай, шоиржон, ҳалиям товукнинг тухумини бераман, илоннинг тухумини эмас.

*Тухум сўзини эшитиб Фелекс ҳам гапга аралашади.*

**Фелекс:** – Ес. Ес. Тухум. Авецино.

**Нозим:** (*Сарви холага қараб*) – Уф, Авецино дейвериба хит қиворди...

**Сарви:** – Авециноси нимаси?

**Нозим:** – Ибн Сино демоқчи!

**Сарви:** – Ҳай, ҳай, шоиржон, авлиёларга шак келтирманг.

**Нозим:** (*Бироз тажанглашиб*) – Бўпти хола, тухумни беринг энди. Музлатгичда, тўққиз дона бор экан-ку.

**Сарви:** (*Тимирскиланиб*) – Бор экан. Мана, холодильникда. Ўзиям тўққиз дона экан... шунча тухумни нима қиласизлар-а?

**Нозим:** (*Сарви узатган елим халтани олиб*) – Ет-титасининг сариғини манавининг кўлига қўйиб боғлаймиз. Иккитасини қовуриб еймиз. Шу.

**Сарви:** – Ота-бобомиз ҳам шундай қилган. Баня-ти шифо. (*Кейин қизиқсиниб*) – Инглиз ошнангнинг кўлига нима қилди, ўзи?

**Нозим:** (*Гапни қисқа қилиш учун*) – Эй, бунинг та-рихи узун. Кейин биласиз, хола, биз кетдик.

*Фелекс, чўнтагидан ўн доллар чиқариб узатади. Нозим унинг кўлидаги долларни олиб, Фелекснинг чўнтагига қайтариб солиб қўяди. Ўзи ёнидан пул чиқариб Сарви холага узатади. Фелексга энгашиб ни-мадир дейди.*

**Фелекс:** (Мамнун илжайиб) – Гуд. Гуд.  
**Сарви:** (Кулиб) – Гуд. Гуд. (Сўнг Нозимга қарата)  
– Ошнангни бизникига ҳам меҳмонга олиб ўт.

Улар кетади. Сарви ҳамон қизиқиш ва ҳаяжонда.

**Сарви:** – Гудбай. Гуд.

Нозим билан Фелекс кетгач, дўкон ёнида томоқ кириб, Орзубой пайдо бўлади.

**Орзубой:** – Ҳорманг бойбича. Бу дейман, Шоди барака кўринмайди. Савдода ўзингиз экансизда-а. Яхши. Яхши.

**Сарви:** (Пештахта устидаги у-бу нарсаларни тўғрилагандай бўлиб) – Келинг, ака. Яхши юрибсизми? Дугонам Норгул ҳам яхшигинами, дамликкинами?

**Чори учар:** – Дугонангиз дамликкина, дамликкина. Диконглаб юрибди, келин, хавотир олманг.

**Сарви:** – Бирор нарса керакмиди, ака. Нима оберай?

**Орзубой:** (Дўконга разм солиб) – Анавиндан битта оп беринг. Яхшисидан бўлсин.

Сарви қоғозга ўраб ароқ узатади.

**Сарви:** – Йўл бўлсин, ака! Зиёфат борми, дейман.

**Орзубой:** (Бош ирғаб) – Бор, бор. Билмайман, қардандир кун чиқиб Чори учар ошга чақирибди, агар уйда бўлса Шодивой барака ошнамни ҳам бирга олиб ўтай дедим. Отамлашардик. Гурунг-да, гурунг...

**Сарви:** – Ошнангиз, Худога шукур, бугун сизлар билан бирга отамлашолмайди. Бўри полвон билан бозорга кетди.

**Орзубой:** – Ҳа, иши бормиди?

**Сарви:** – Ҳайронман. Кеча иккаласи бизникида ниманингдир режасини тузишди.

**Орзубой:** (Қизиқсиниб) – Қанақа режа?

**Сарви:** – Билмадим. Шивир-шивир гаплашишади, денг. Чой оп кирсам дим-дирс жим бўлиб қолишади. Нима гап десам, ошнангизнинг жазаваси тутиб кетди. Жаҳлдан жавзо тути тўкилди, ўзиям.

**Орзубой:** – Шундай денг, келин? (Ўйлаиб туради.)

**Сарви:** – Билганим шу бўлди – бозордан Бўри полвонга шу кунларда курк бўладиган товуқ олиб келишмоқчиймиш.

**Орзубой:** (Янаям қизиқиб) – Курк бўладиган товуқ... Бозорга ким курк бўладиган товуқ опчиқаркан? Бир товуқ учун икки киши бозорга кетишдими? Қизиқ. (Кейин мавзуни бошқа ёққа буриб) – Ҳозир менинг олдимдан ўтиб кетганлар ким эди? Яхши таний олмадим. Бирини танигандай бўлдим. Бири Панжи чавандознинг шоир боласи, бир қўлини боғлаб олгани шубҳалироқ...

**Сарви:** (У ёқ-бу ёққа қараб) – Инглиз у. Инглиз.

**Орзубой:** (Ҳайрон) – Ё, тавбангдан-ей. Инглиз денг. Шоири тушмагур ўзи ғалатиноқ бола чиқди-да. Инглизлар Англияда яшайди-ку... Дунё ҳам бизнинг қишлоққа бир қадам бўп қолди-я. Бу қишлоққа, илгари тумандан бир одам йилда бир ё икки келарди. Англия ҳам Хурсан калнинг томорқаси ёнидан ўтган ариқ устига қурилган кўприкнинг нариги бошидай яқин бўп қолди-я... Ҳа, майли. Мен кетдим... Шоди барака келса айтинг, келин, Чори учарникига ўтсин.

Орзубой кетади. Сарви унинг ортидан тумшаёди.  
**Сарви:** (Орзубой кетгач ортидан) – Ўтади, ҳим... ўтади. Энди учар икковингга қўшилиб яллама-ёрим айтиб чайқалиши қолувди.

Шу пайт Сарвининг пештахта устидаги уяли телефони жиринглайди. Сарви телефонни олиб, қулоғига тутади.

**Сарви:** (Ҳушёр тортиб) – Эшитаман, хўжайин. Гапираверинг. Ҳа, яхши. Савдо чакмас. Яхши. Ўзингиз яхшимисиз. Бозордан қайтасизми? Яхши, хўжайин. Мол-ҳолга уйда ўғлингиз қараб турибди. Айтдим, қўйларга ҳам ем беради. Ҳаммасини айтдим. Хавотир олманг, бозорлигингизни қилаверинг. Нимани айтяпсиз. Тухумни? Холодильникдаги тухумни? Ие, Бўри полвоннинг тухумимиди у? (Жим... эсанкираб қолади...) – Йўқ... Йў-ў-ўқ... сот... сот... сотмадим. Сотмадим. Тухумни сотмадим.

Сарви лабини тишлаб, жим туради. Юзида кўрқув аломати... Кўйлаги ёқасини сўл қўли билан очиб кўксига тўфлайди.

**Сарви:** (Кўрқиб) – Энди нима қилдим-а. (Елпиғич билан елпинади...)

## САҲНА ҚОРОНҒУЛАШАДИ БЕШИНЧИ САҲНА

Чори учарнинг ҳовлиси. Супада Чори учар билан Орзубой ўтирибди. Гуруне авжида. Дастурхон ҳам куруқ эмас. Мева-чева. Дастурхонда Орзубой Шоди бараканинг дўконидан олган шиша ҳам диккайиб турибди.

**Чори учар:** (Мулозамат билан дастурхонга ишора қилади...) – Оп. Олиб ўтир, ошна. (Шишага қўл чўзади...) – Яна битта қуяйми?

**Орзубой:** (Энди буниси ҳам талтайиб, тавозе билан...) – Эеёй, йўқ-йў, йў, йў! Йўқ! Кейинроқ, кейинроқ.

**Чори учар:** (Шишадан қўлини олиб) – Ҳа, майли, кейин бўлса, кейин-да...

**Орзубой:** (Чорига сирли тикилиб, у ёқ-бу ёққа аланлаганнамо) – Опчиқ, қачон берасан? Ўзи гапингнинг жони борми?

**Чори учар:** (Кўрсаткич бармоғини лабига босиб) – Эеёй, секинроқ. Ҳовлиқма. Буни бировга гапирма. Ошнам деб сенгайм илиндим. Кўрайлик-чи? Тажриба-да. Тажриба.

**Орзубой:** (Яна у ёқ-бу ёққа қараб) – Шуни ким оп келди дединг?

**Чори учар:** – Нимани?

**Орзубой:** – Колбаса уруғини-да!

**Чори учар:** (Юзида табассум) – Нозим шоир бор-у, ўша опкелди. Ҳалиги Пелкис деган ажнабий ўртоғи берибди. Ўша ёқда ҳам экиларкан. У ёқда ҳам ҳали жуда-жуда кам одам биларкан. Асли бу сабилнинг ватани Колумбиями, ишқилиб, тубканинг туби экан...

**Орзубой:** (Завқланиб) – Валлоҳу Аълам! (Ёқасини ушлайди) – Дунёда мўъжиза кўпда-а?

**Чори учар:** – Кўп-кўп. Менам Нозим шоирдан ижиклаб сўрадим. Сенга ўхшаб. Биласан-у, мен сув

кўрмасам этик ечмайман. Ишондим-да! Нима, дунёда қовун дарахти бор, пахта дарахти бор. Шоколад дарахти бор, ҳатто нонга ўхшаган маҳсулот берадиган дарахт бор, асал берадиган дарахт бор, сут дарахти бўлади-ю, колбаса дарахти бўлмайдимми?

**Орзубой:** (*Ҳаяжонланиб*) – Дарахт де!

**Чори учар:** (*Энди бир оз каловланиб*) – Менимча бу, дарахтдан майдароқ бўлиб, ҳалиги бутасимон бўлиб, ўзимизнинг бангидевона бор-у, ўшанга ўхшаб ўсса керак, аммо сабил қолгур росаям серҳосил бўларкан...

**Орзубой:** (*Ҳаяжонда*) – Ўзингга экдингми?

**Чори учар:** (*Қўли билан ишора қилиб*) – Ана, томорқага сепиб чиқдим. Бироз қолувди, ўйлаб-ўйлаб сенга илиндим.

**Орзубой:** – Барака топ, ошна, барака топ. Қуй энди, биттадан олайлик.

**Улар ичишади.**

**Чори учар:** (*Зеҳн солиб*) – Орзубой.

**Орзубой:** (*Хавотир аралаш*) – Нима дейсан?

**Чори учар:** – Энди шу Нозим ёмон бола эмас, қизинг Райҳонга кўнгли бор деб эшитаман. Отаси Панжи чавандоз ҳам чаккимас. Палаги тоза. Шу ёшларга ўзимиз оқ фотиҳа берсак, тақдир-да, тақдир. Нозим шоир ҳам дунё кўрган, ўқимишли бола, қолаверса, қишлоқнинг фаҳри, ҳали доврўғи бутун юртга таралади, ҳалитдан телевизорга чиқиб шеърлар ўқияпти. Қўзинг тушгандир.

**Орзубой:** (*Ўйчан*) – Яхши бола-ю, лекин...

**Чори учар:** (*Қатъий*) – Ҳеч қандай лекин-пекини йўқ. Бундай уддабурон, ишбилармон куёвни қаердан топасан? Сенгайм, шу колбаса уруғидан беришимни Нозимнинг ўзи тайинлади. Бу қурмағурнинг грамми олтин баҳосида экан. Қиммат-да, қиммат.

**Орзубой:** (*Ҳайратини яширолмаб*) – Шундай қимматмикин? Бу, ҳа майли, хотиним билан гаплашиб кўрайчи, бир гап бўлар. Энди, уруғни оп чиқ.

*Шу пайт девор ортидан овоз келади. Девор ортидан Бўри полвон билан Шоди бараканинг боши кўринади. Улар бозордан қайтаяпти. Уларнинг гап-сўзлари, кулеуси эшитилиб турибди. Орзубой билан Чори учар девор томонга ажабсиниб қарайди.*

**Бўри полвон:** (*Девор ортидан бош силкийди*) – Ассалому алайкум. Ҳорманглар.

**Шоди барака:** – О, ҳов, маишат зўр-ку. Байрамми, дейман?

**Чори учар:** (*Девор томонга бўй чўзиб*) – Байрам, байрам. Бизда ҳамиша байрам.

**Шоди барака:** (*Орзубойга қарата*) – Орзубой, бу учар ошнаимиз қаердан кун чиқиб, мулозамату марҳамат қип қолди?

**Орзубой эшитмаганга олиб Чори учарга хижолатли ҳолатда қарайди.**

**Чори учар:** (*Норози оҳангда*) – Барака, сен ҳамани ўзингга ўхшатасан.

**Бўри полвон:** (*Орага қўшилиб*) – Ўзига ўхшагани яхши-да, сенга ўхшамаса бўлди-да. Дунёни ўзига ўхшамаган одамлар бузади.

*Девор ортидан Бўри калнинг илмоқли гап қилиши Чори учарнинг газабини кўзғатади.*

**Чори учар:** (*Дарғазаб*) – Ҳой, кал, оғзингга қараб гапир.

**Орзубой:** (*Ўртага тушиб*) – Қўйинглар шу бақир-чақирни (*Сўнг девор томонга бўйинини чўзиб...*) – Эй, Бўри полвон, товуқ кўтариб опсизми?

**Бўри полвон:** (*Девор ортидан*) – Бозорга борувдик. Ҳа, энди оп келаяпман... Керак-да, керак.

**Чори учар:** (*Кинояли жилмаяди. Сўнг хузур қилиб кулади*) – Бу дейман бозордан бирор семизроқ кўчқор етаклаб келганинда, дунёни бузиб, бошга кўтараркансанда-а, кал?!

**Бўри полвон:** (*Чори учарга*) – Учар, товуқ оламанми, хўроз оламанми, қуй етаклайманми, сенинг ишинг бўлмасин! Ақлинг етмаган ишга аралашма. Гап дунё бозоридан қуруқ қайтмаганини.

**Шоди барака:** (*Овозини баландлатиб*) – Қўйинглар-э! Чори, Орзубой, икковинг ҳам кечқурун Бўри полвонни кига ўтинглар. Ўша ёқда давом эткизамиз. Зиёфат беради.

**Орзубой:** (*Жонланиб*) – Нега энди сени кига эмас? Сабабини билсак бўладими?

**Шоди барака:** – Билишинг шарт эмас.

**Чори учар:** – Бўпти, борамиз. Борамиз... Ҳали кечгача гап кўп. Бўпти, ўзларинг келинлар, бу ёққа. Бир пиёла чой, ярим косадан шўрва.

**Бўри полвон:** – Тил учида гапирётганинг маълум-ку. Майли, кечқурун бизни кига ўтинглар.

**Чори учар:** – Демак кечқурун кун чиқаркан-да, а?

*Улар девор ортидан кетиб, ўз йўлида давом этишади.*

**Орзубой:** (*Чори учарга илтижол қараб*) – Энди ҳалигини олиб чиқ.

**Чори учар:** (*Ҳовли этагига қараб овоз беради*) – Рўзихол, ҳов Рўзихол.

*Саҳнага Рўзихол чиқиб келади.*

**Рўзихол:** – Нима дейсиз?

**Чори учар:** (*Сирли қараш қилиб*) – Омборхонага кир. Бурга еган теппагимнинг ёнидаги қора халтачани олиб чиқ.

**Орзубой:** (*Қўли кўксига*) – Барака топ, ошна, барака боп! Мендан қайтмаса, сенга Худодан қайтсин.

**Чори учар:** (*Сергак тортиб*) – Йўқ, йўқ, йўқ! Худони тинч қўй. Ўзингдан қайтсин, ўзингдан. (*Сўнг миёғида кулиб қўяди.*)

*Рўзихол кичкина қора халтачани олиб келиб эрига беради. Чори учар халтани олиб Орзубойнинг олдида ташлайди. Орзубой халтачани шоша-пиша олиб ҳидлаб кўради.*

**Орзубой:** (*Завқланиб*) – Чинданам колбасанинг ҳиди келаяпти? (*Сўнг қўлини дуога очади*) – Омин, умрингдан барака топ, ошна.

*Чори учар ҳам дуога қўл очади. Улар туришади. Орзубой хурсанд. Хайрлашаётиб Чори учар Орзубойнинг елкасига қўл ташлайди.*



**Чори учар:** – Ошна, энди Нозим билан қизинг Рай-хон масаласини ҳам ижобий ҳал этсак, яхши бўларди.

**Орзубой:** (*Қўйнидаги халтани яна бир ушлаб қўриб*) – Айт, Панжи чавандозга, айтавер, одам юбора-версин.

**Чори учар:** (*Завқ-шавқ билан унинг елкасига қоқиб*) – Эй, яша. Бу бошқа гап.

*Орзубой чиқиб кетади. Чори учар унинг орқасидан қулиб кузатиб қолади. Шу пайт супа ёнига келган Рўзихол у-бу нарсаларни йиғиштираётган бўлиб, эрига норози тўнғиллайди.*

**Рўзихол:** (*Қуйиниб*) – Ҳой чол, ҳалиям шу қитмир-лигингизни ташламадингиз-а? Яна бир балони бош-ламоқчимисиз-а?

**Чори учар:** (*Хотинига мамнун қараб*) – Эй, сен эркаклар ишига аралашма. Мен буларга Чорини ма-зах қилиш, ортидан ғийбату-ғурбат қилиш қандай бў-лишини кўрсатиб қўяман.

*Шу маҳал девор ортидан бақир-чақир, қий-чув эшитилади. Шоди бараканинг “Лаънати хотин, мен-дан сўрасанг ўласанми?”, – деган ўдағайлаши эшити-лади. Нимадир тарақлайди. Шу тобда ҳалиги кичик де-вордан ошиб ўтган Сарви – Шоди бараканинг хотини югургилаб Чори учарнинг ҳовлисига чиқади. Рўзихол ва Чори учар ҳайрон бўлиб қараб туришади. Сарви уларнинг олдидан ҳансираб чолиб ўтаётганида, Чори учар унинг йўлини тўсмоқчи бўлади.*

**Чори учар:** – Ҳой, ҳой, келин, бунча ҳовлини ай-ланиб югурасиз, тинчликми?

**Сарви:** (*Ҳансираб*) – Тинчликмас, тинчликмас, ана, ана (*Сарви қўли билан девор томонни кўрсатади...*)

*Шу чоғда девор томондан бир дона калиш учиб келиб буларнинг ёнига тушади. Сарви кўча эшик томон чолиб кетади. Энди девордан ошиб ўтган Шоди бара-ка ҳаллослаб югургилаб Сарвининг ортидан қувади.*

**Шоди барака:** (*Оёғида бир пой калиш, бири яланг ҳолда ҳансираб, Сарвининг ортидан оёғидаги бу ка-лишни ҳам ечиб иргитади*) – Падарингга минг лаънат сенинг, товук мия!

*Чори учар Шоди баракани тўхтатиб, йўлини тў-сади. Рўзихол ҳангу манг бўлиб саҳнада сўппайиб, нималар содир бўлаётганини англаб-англамай ту-рибди.*

**Чори учар:** (*Шоди баракани билагидан қисиб тўхтатиб*) – Ҳой, менга қара, уялмайсанми? Ёшинг бир жойга борганда бу нима қилиқ? Болаларинг, қўни-қўшни, маҳалла-қўйдан уялмайсанми-а? Бу нима қи-лиқ, ҳей, ўл-е, туришингни қара.

**Шоди барака:** (*Пишнаб, ҳансираб*) – Сен сўрама, мен айтмай. Тухумни сотиб юборибди, тухумни.

**Чори учар:** (*Юзидаги шодлик ифодасини яши-ришга уриниб*) – Тухум бўлгандан кейин сотади-да.

**Рўзихол:** (*Энди тилга кириб*) – Шунга шунчами?

*Шоди барака ерга ўтириб олади-да, аламидан увуллаб, йиғлаволади.*

**Шоди барака:** (*Ўтирган кўйи ўз кўксига мушт-лаб...*) – Воеей, воеей! Сенлар нимани тушунардинг-лар. Сенларга нима-а-а-а-а. Вой-еее-ей. Қиммат эди-да у тухум. Қиммат эди. Воо-е-ей. Ярамас хотин-а.

**Чори учар:** (*Қовоғини уюб*) – Нима бало одамнинг тухумимиди у?

*Рўзихол юзини рўмоли билан тўсиб эрига норози қарайди. Эри унга кет ишорасини қилиб бош ирғайди. Рўзихол кетади.*

**Шоди барака:** (*Ўтирган жойида ерни муштлаб*) – Ҳа, ҳа! Одамнинг тухуми эди.

*Шу пайт дарвоза тақиллайди. Тарс-турс овоз эшитилади. Ҳовлига ҳаллослаб Бўри полвон югуриб киради. Шоди барака ўрнидан ирғиб туради. Ўзини Чори учарнинг панасига олади. Бўри полвон Шоди ба-ракага ташланиб қолади.*

**Бўри полвон:** – Тухумни топ! Тухумни топ! Мана сенга. (*Унга мушт тушириб қолади. Шоди барака ҳам вой-войлаб унга ҳамла қилади. Чори учар икковининг орасига тушиб ажратади.*)

**Чори учар:** – Бўлди-да энди-ей. Шармандалар. Бўлди. Бўлди. (*Улар иккови ҳам бир-биридан ажрала-ди. Бўри полвон Шоди баракага гезариб-бўзариб, хез-ланиб қараб туради.*)

**Бўри полвон:** (*Уф тортиб*) – Мен билмайман, топасан...

**Шоди барака:** (*Чийиллаб*) – Қаердан топаман? А?

**Бўри полвон:** (*Ижирганиб*) – Хотининг ўша лаъна-ти ажнабийга ўзининг тухумингни бериб юборса яхши эди, бу кунингдан кўра тухумсиз қолсанг авло эди.

**Шоди барака:** (*Ерга ўтирволиб, унга маҳзун термулиб*) – Топмадингми, уйда йўқмикан?

**Бўри полвон:** (*Юзини тескари буриб*) – Кетиб қопти, икковиям шаҳарга жўнаворибди, ярамаслар.

**Чори учар:** (*Гўёки ҳеч нарсадан беҳабардай уларга ажабсиниб қараб*) – Ким кетворибди, кимни қи-дираяпсизлар?

**Шоди барака:** – Анави, инглиз билан Нозим най-нов, улар кетиворишибди.

**Бўри полвон:** (*Шоди баракага ўқрайиб қарайди*) – Овозингни ўчир. Бас қил. Вайсақи. (*Тишини ғижир-латади.*)

**Чори учар:** (*Ҳеч нарса билмагандай*) – Уларда нима ишларинг бор эди?

**Бўри полвон:** (*Қўл силкиб*) – Ҳаммасига манави сабабчи.

**Шоди:** – Менмас. Ўзинг ўлармидинг шу зорманда-ни уйингда сақласанг...

**Бўри полвон:** (*Ўқириб*) – Хотининг ҳам ўзингга ўх-шаб қушмия, йўқ, қушмиямас, эшак мия.

**Шоди барака:** (*Хотини ҳақоратланганига чидай олмай, Бўри полвонга ташланиб қолади.*) – Хотинга тил теккизма. Ҳозир сени бир ёқлик қиламан.

*Чори учар Шоди баракани тўхтатиб қолади.*

**Чори учар:** (Икковининг орасида тўғаноқ туриб). – Бас, бас-е, имонсизлар. Нима қилаяпсанлар?

*Шу пайт кўча эшик тарақлаб саҳнага Эшдавлат кириб келади. Ҳамишагидай кўйлаги туғмалари ечилган, олди очиқ, кўкрак-қорни кўришиб турибди. Оёғида калиш. Кайфи бор, ичиб олган. У саҳнага Ҳосила Раҳимованинг “Бос, бос, қамчи бос, отга ўзинг қамчи бос...” деган кўшиғини хиргойи қилиб чавандоз алфозда кўлини ҳаволатиб кириб келади. Буларнинг учаласи ҳам жимиб қолишади.*

**Эшдавлат:** (Чайқалинқираб уларга яқинлашаркан). – Бос, бос, қамчи бос, отга ўзинг қамчи бос... Эй, эй, жамоат жам, биргина Эшдавлат кам. (Уларга синчковлик билан назар ташлайди) – Ҳимм... Майли, майли, биз жиммиз. Биз гапирмаймиз. (Чори учарга қараб) – Тоға, фақат бир отимгина нос беринг. (Сўнг Шоди баракага қараб) – Барака амакимизнинг супермаркети ёпиқ экан. Чечам ҳам йўқ. Жим-житлик. Қишлоқда ўрнингиз бор амаки, шу дўконингиз билан вей, менга қаранг, Сиз қишлоғимиз тарихида қоласиз-да.

*Ҳалигиларнинг учаласи ҳам жим. Бир-бирига қарайди.*

**Чори учар:** (Кўйнидан носқовоқ олиб Эшдавлатга узатади) – Ма, жиян. Ол.

**Эшдавлат:** (Уни кучоқлаб ўпмоқчи бўлади) – Ўзимни тоғам, ўзимни тоо-ғаам!

*Чори учар орқага тисланади. Шоди барака бурнини жийиради, ароқнинг ҳидидан беҳузур бўлган каби афтини бужмайтиради. Бўри полвон кўли билан бурнининг олдини елпийди. Эшдавлат Шоди барака билан Бўри полвонга бир ўқрайиб қарайди. Сўнг Чори учарга қараб жилмаяди.*

**Эшдавлат:** (Чори учарга) – Тоға, компания зўр-ку. (Супа томонга, аниқроғи дастурхонда диккайиб турган ароққа суқланиб қарайди.)

**Чори учар:** – Жўна энди жиян, дамингни ол.

*Эшдавлат кетаётиб Бўри полвон билан Шоди баракага ўқрайди.*

**Эшдавлат:** (Уларга) – Тоға кечагина, булар оғизбурун ўпишиб, сиз билан менинг устимдан кулишиб машат қилишаётувди. Бугун бир-бири билан қирти-қиён бўлиб ўтиришибди-ми? Эшитдим... Эшитдим. Ярим қишлоқ нега бу икки авлиё бир-бири билан жиққа-мушт бўлаётганига ҳайрон. Кеча мени ҳовуз қуллук бўлсин, калласи шамолда қолган учар тоғаннинг маслаҳатига кириб бугун абжағинг чиқиб ўтирибди деб, роса қулишган ҳам шулар... Бугун... бугун... калласи шамолда қолган бўлсаям тоғамиздан маслаҳат сўрашга келибдилар-ку... Ҳей, ҳар нарса бўлганларинг яхши.

*Эшдавлат саҳнадан чайқалган кўйи “Бос, бос, қамчи бос, отга ўзинг қамчи бос...” деб чиқиб кетади. Бўри полвон ҳам, Шоди барака ҳам ерга ўтириб олади. Ерга қараб, бир нуқтага тикилиб қолишади. Кишини ўйга чўмдирадиган мусиқа янграйди.*

**Чори учар:** (Худди ўзига ўзи гапиргандай, бироқ ҳаммага эшитилар тарзда). – Бўри, Шоди. Ошналар. Менинг ҳеч қачон сизларга, одамларга хусуматим бўлмаган. Хусуматим йўқ ҳам. Фақат сизларнинг бунчалар майдафеъл, майдакашлиқларингдан суяк-суягимга оғриқ киради. Эсингдами, Бўри, энди хизматдан келган пайтимиз... Ҳа, мен уч йилликда, матросликда хизмат қилиб келган эдим. Ўша Содиқ тоғамизнинг тўйида сен билан курашга тушдим. Сенам эпчил эдинг, кучли эдинг, зўр эдинг, тан оламан. Лекин сени йиқитишга кўзим етарди, сени йиқитолардим ҳам. Олишув чоғида сўл кўлим чимиллаб кетди, қалтис ҳаракат қилиб кўлимни чиқариб юбординг. Кўзимдан ўт-олов сачраб, бошим айланди. Базўр ўзимни тўтиб турардим. “Ошна, кўлим чиқиб кетди, Бўри ошна, кўлим чиқиб кетди...” дедим. Сен... Сен ноилоҳ турган аҳволимда мени йиқитдинг. Бу ҳам етмагандай бор гавдангни устимдан ташладинг... Сўнг... Баковулларга, олишни кузатаётган қишлоқ аҳлига мағрур қараб ўрнингдан турдинг. Ҳамма Бўри Чорини эгидан ошириб урганда кўли чиқиб кетди, деб ўйлади. Ҳа, ҳамма шундай тушунди. Мен ҳеч кимга ҳеч нарса демай, даврани мағлуб бўлиб тарк этдим... Шундан бери тўйда курашга чиқишга бетлай олмадим. Шундан бери сени кўрсам сўл кўлим зирқираб оғрийди. Шундан бери, мен эл қатори, одамлар, қишлоқдошларим каби сенинг номинга полвон сўзини қўшиб айтолмайман. Йўқ, ўтгани ўтди. Ёшимиз бир жойга борди. Ўша воқеани мен ёшлиқнинг хатоси, ҳа, ёшлиқнинг ғўрлиги деб биламан... Бугун-чи, бугун, Шоди икковингнинг қилиб юрган ишларинг энсамни қотирди. Тўғри, замон бошқа, яхши яшаш керак. Лекин... Лекин, ота-бованг қилган ишларни қилсаларинг, қўлингдан келадиган, эр кишига ярашадиган ишни қилсаларинг бўлади-ку. Мен сенларга бўйинсаман – ошнаман, бари бир айтишим керак! Замонга боқ, телевизор кўраяпсанлар, қандай ўзгаришлар бўлаяпти. Тадбиркорлик, касаначилик, фермерлик... Бизнинг қишлоқда ҳам шунга имконият бор-ку-а? Сен, мен, Шоди бириксам, ана Орзубойни ҳам қаватимизга олсам, элгаям, ўзимизгаям нафи тегадиган иш билан шуғуллансам бўлмайдимиз? Мен водийнинг Олмос деган қишлоғида бўлиб келдим. Бир парча, кафтдек бўш ер йўқ, ҳосил олишади, жаннат дейсан... Бизларда ҳатто катта томорқамиз ҳам бўш ётади. Ишламаймиз. Қанча имкониятларимиз бор... Худога шукур, чорвамиз бор, еримиз бор, боғу роғларимизда ҳосил мўл бўлади, энг муҳими, қишлоғимизнинг бир эмас, икки жойидан дарё оқиб ўтади, тоққа туташ адирларда қурилишбоп хомашёлар бор. Биз фақат каллани ишлатмаймиз. Осоннинг остидан, енгилнинг устидан ўтамитиз деймиз. Мана, шу Эшдавлат жияним. Мен унга юз бора тушунтирдим, Ҳазорбоғ каналининг тағида бўш ётган ерини ҳужжатлаштириб, ҳовуз қазиб, балиқчилик хўжалиги қил дедим. Бу нима қилди, уйда ҳовуз қазиб туппа-тузук томорқани расво қилди. Яна, мен айбдормишман. Сен-чи Бўри, шу ишингни, манави, хўрозбозлик ишингни мени билмайди, деб ўйлайсанми? Ҳаммасидан хабарим бор. Курақда турадиган ишни қилсанг-чи? Бундай ўйинларнинг эгаси бор, Сен билан мен эмас, Бўри. Бу ишинг бошинга бир фалокат опкелади, кейин кеч бўлади. Ундан кўра ана, Дегриз сув омбори ёнидаги 150-200 гектар ерни

олиб, фермерчилик билан шуғулланадиганлик. Чорва боқайлик. Озуқага сувли ер бор, қолаверса, ўтган замондан қолган улкан молхона қовурғаси чиқиб, нурай дейпти. Шунини таъмирлайлик...

**Шоди барака:** (*Ўрнидан туриб кетади*) – Чори, ўзингмисан, нималар деяпсан. Бу ишларга пулни қардан олсан?

**Чори учар:** – Олдин бизнес режа тайёрлаймиз. Ана, банкдан кредит оламиз. Шуюм муаммоми? Аллақандай товуқ тухуми ҳақидаги эртакка кўз тикиб, ҳавойи режалар тузгандан кўра бу минг марта авло эмасми? Энди бу замонда боқиманда бўлиб яшай олмайсан. Ишласанг, каллани ишлатиб ишласанг одамдай яшайсан. Яхшиси, сенлар, Ўзбекистоннинг бошқа жойларига чиқиб, бир айланиб, ўз кўзларинг билан кўриб келинглар. Тўғри, қишлоғимиз яхши, одамларимиз танти, содда, ўзига хос чапани, ҳазилу ҳузулнинг жони, лекин, замонни билиб, замон билан бирга яшаш учун фақатгина шу фазилатлар камлик қилади. Ишбилармонлик керак. Аввало ўз оиламизда шундай кайфият яратишимиз лозим. Бунинг учун мен ҳам ўғлим Йўлдошалининг аллақандай майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб, тўрва елкалаб югургилашига, фирибгарлигига чек қўйишим керак.

**Бўри полвон:** (*Ўтирган жойида анграйиб*) – Худо сенга гапдан берган-да. Бизнинг устимиздан кулаёсанми, дейман?

**Чори учар:** – Йўк, бўлари гапни айтдим. Ҳокимиятга ариза бердим. Сув омбор ёнидаги эски ферма атрофидан юз гектар ер олиб чорвага мос фермер хўжалиги очамиз. Сенлар менга қўшилсанг бас. Банк иши ҳам гаплашилди, ҳал бўлади. (*Сўнг кулади*) – Хоҳласанг, ўша ерда ҳам дакан хўрозларингни кўпайтираверасан.

**Бўри полвон:** (*У ҳам ўрнидан туради. Ерга қараб, Чори учарнинг кўзига тик қарай олмайди*). – Чори, мени кечир. Ҳаммаси учун мени кечир, ошна...

**Чори учар:** (*Бош ирғаб*) – Айтдим-ку, ўтган иш ўтди. Ёшликнинг ғўрлиги, ёш ўтгач кўнгилга оғриқ бермаслиги керак.

**Шоди барака:** (*Энди у ҳам Бўри полвоннинг юмшаганидан қувониб*). – Албатта. Бизлар ошна бўлсак...

*Бўри полвон Шоди баракага ўқрайиб қараб кўяди. Чори учар супа томон юра бошлайди. Супадаги тўнкарилган тоғорани кўтариб, унинг остидан ичига нимадир солинган елим халтани олиб, Бўри полвон ва Шоди барака ёнига келади.*

**Чори учар:** (*Бўри полвонга*) – Манавини ол.

**Бўри полвон:** – Нима бу?

**Чори учар:** – Ол, олавер.

*Бўри полвон елим халтани олиб, унинг ичига қарайди. Сўнг бирдан Чори учарнинг юзига тик қарайди. Жим бўлиб қолади.*

**Шоди барака:** – Нима гап? Нима бўлди?

**Чори учар:** (*Бўри полвонга*) – Сен миллион-миллионга сотиб олган тухумлар шуми?

**Бўри полвон:** (*Кўзини олиб қочиб, оҳиста*) – Шу, ошна. Шу.

**Шоди барака:** (*Ёқасини ушлаб*) – Ё, Алҳазар!

**Чори учар:** – Энди буларни нима қиласан?

**Бўри полвон:** – Нима қилай?

**Чори учар:** – Ўша оғайнилариингга қайтариб топшир. Пулингни қайтариб ол. Сотиб юборган мол-ҳолнингни оғилга, кўрага қайтариб сол. Оғилида моли, кўрасида қўйи йўқ одамнинг рўзғорида барака бўлмайди.

**Шоди барака:** (*Ҳовлиқиб*) – Қандай қилиб бу тухумлар сенинг қўлингга тушиб қолди?

**Чори учар:** (*Мийиғида кулиб*) – Сир. Бунинг учун Нозим шоирни ҳам, ҳалиги инглиз меҳмонни ҳам яниб ётманглар.

*Ҳар учаласи бараваар кулиб юборишади. Чори учар уларни супага чорлайди.*

**Бўри полвон:** – Мен кетдим.

**Чори учар:** (*Ажабсиниб*) – Қаёққа?

**Бўри полвон:** – Фарғонага. Манави зормандларни ўз эгаларига бериб қайтаман. Сен айтгандай куракда турадиган ишларни қилай...

*Бўри полвон кетади. Чори учар ва Шоди барака супа ёнида қолади.*

## ОЛТИНЧИ САҲНА

*Орзубойнинг ҳовлиси. Оддий қишлоқ хонадони. Ҳовлида дарахт соя ташлаган жойга ўрнатилган ёғоч каравотда Орзубой кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Боши гарди рўмол билан боғланган. Ёнида қизи Райҳон. Ғамгин қиёфада отасининг бошида ўтирибди. Райҳон отаси бош қўйган ёстиқ ёнидаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб, бир қўли билан отасининг бошидан ўнғай бўлсин учун кўтариб, унинг оғзига пиёлани яқин олиб боради. Ота қўли билан "ичмайман" ишорасини қилади. Қиз отасининг бошини ёстиққа кўяди. Шу маҳал Орзубойнинг хотини Норгул эрининг бошидан исирик тутаётган оташкуракни айлантиради. Ҳовли эшиги тарақлаб қишлоқнинг кушноч кампири Тўхта хола кириб келади. Қиз билан она худди нажоткорини кўрган каби ўрнидан дик этиб туришади. Она қўлида тутаётган оташкуракни қизига беради, қизи оташкуракни олиб чиқиб кетади. Орзубойнинг бошида Тўхта кушноч билан Норгул қолишади. Норгул сўзсиз ётган эрига қараб ҳиқиллаб йиғлаб кўз ёш тўқаяпти. Рўмоли учи билан кўз ёшларини ҳам артади. Тўхта кушноч каттакон гарди рўмоли учига тугилган пахтани олиб беморнинг бошидан айлантиради уни силай бошлайди. Нималарнидир пичирлайди.*

**Тўхта кушноч:** (*Норгулга*) – Гапирмай қўйдими?

**Норгул:** (*Қалтираб*) – Гапиради, гапираяпти. Ҳозиргина дўхтир келиб уйқу дори бериб, ухлатиб кетди. Гапиргандаям ғалати гаплар қилаверади, гапи ғалати, эси кирди-чиқди бўлганга ўхшайди. Ана, ётган жойида томорқани кўрсатиб, даромад дейди. Колбаса дейди. Колбаса экдим, жуда кўп дейди.

**Тўхта кампир:** (*Силашдан тўхтаб*) – Бу нима деганинг? Томорқа томонни кўрсатаяпти?

**Норгул:** – Ҳа, анави жойни, ёнғоқ томонни кўрсатиб, нуқул колбаса дейди. Алахсийди.

**Тўхта қушнот:** (*Ўйчан*) – Жин чалибди. Эрингни жин чалибди. Ёнғоқнинг тагида ухлаган, кейин ўрнидан туриб сувга ҳалиги, сувга чоптирган. Жин чалган буни. Сулаймон ота оралабди бунинга. Ҳа, ёнғоқнинг тагида ухлаб туриб ё кул босган, ё ҳали айтганим сувга...

**Норгул:** – Энди нима бўлади?

**Тўхта кампир:** (*Орзубойга энгашиб, нафасини ростлаб*) – Ҳой, бадбахт. Қайт. Қайтмасанг сенга лаънат, қайтармасам менга лаънат. Қайт бадбахт, қайт. (*У ўзича жинни лаънатлай бошлайди. Сўнг нималарнидир ичида овоз чиқармай узоқ ўқийди. Пичирлайди. Сўнг, беморга куф-суф қилиб, яна қўлига пахта олиб унинг бошидан айлантиради...*) – Рўйпирли боваларим, ҳазил-хузил қилган бўлса кечирингизлар, айтган-бойлаганларини сизга раво кўрди. Эсор-ўсар юрган бўлса кечирингизлар. (*Сўнг беморнинг бошида туриб яна нималарнидир пичирлайди-да, дуога қўл очиб юзига фотиҳа тортади. Сўнг Норгулга*) – Яхши бўп кетади. Тез бир оқ хўрозди сўйиб, қонига пахта ботириб ўчоққа ташлагин. Мени айтди дейсан, тузалиб қолади. (*Сўнг ҳовлига қараб*) – Шу ёнғоқ ўлгурни узоқроққа эксанглар бўлмасмиди, буям етмагандай чолдевор олдини кулхона қип ташлабсизлар. Зиён бу, зиён, айланай, зиён! Бундай жойни босгандан кейин, колбаса эмас, бошқа нарсям деб алахсийди, айланай. Тавба, колбаса эмиш..

*Тўхта қушнот ўрнидан туради. Норгул унга нимадир солинган тугунча туттади. Тўхта қушнот тугунни олади-да қўлтиғига қистириб дуога қўл очади.*

**Тўхта қушнот:** – Омин, менинг қўлим эмас, биби отинларимизнинг қўли, шу инимиз соғайиб кетсин.

*Тўхта кампир чиқиб кетади. Райҳон югуриб келиб яна ухлаётган бемор отасининг ёнида ўтириб, унинг бошини силай бошлайди.*

**Райҳон:** – Отажон, отажоним. Ҳали яхши бўп кетасиз, ота. Бироз асабийлашибсиз, ота. (*У отасининг юзидан оҳиста ўпиб кўяди.*)

*Кўча эшик тарақлаб ҳовлига Чори учар кириб келади. Беморнинг ёнига келиб ўтиради. Райҳон қўлини кўксига қўйиб салом бериб ҳовли адоғига кетади. Чори учар бир алфозда ётган Орзубойга эзилиб, раҳм ва ўкинч туйғулари билан қарайди. Шу маҳал ошхона томондан Норгул чиқиб келиб, бемор ёнида унга ачиниб қараб ўтирган Чори учарга дардини ёя бошлайди. У ҳам беморнинг бу ёнига ўтиради.*

**Норгул:** – Кўрмайсизми, ака, туппа-тузук юрувди. Мормин қишлоққа, ошнасаникига тўйга ҳам бориб келди. Сўнг томорқани айланди. Ёнғоқ тагида туриб нималарнидир чамалади. Ҳисоблади.

**Чори учар:** (*Ҳушёр тортиб*) – Нималарни чамалади?

**Норгул:** (*Бармоқларини букиб кўрсатиб*) – Худди шундай қилиб, бармоқларини букиб бир тонна чиқса ўн миллион, ўн тонна чиқса юз миллион, деб ҳисоблади. Мен ёнғоқ ортида деворга таппи ёпаётгандим. Ўзича кулиб ҳам кўядими-ей... Хуллас алламбалоларни ҳисоблайвериш ўн дақиқалар томорқа бошида турди, денг...

**Чори учар:** (*Асабийлашиб*) – Менга қаранг, нимани ҳисоблайди, нимани ахир?

**Норгул:** (*Энди бош чайқаб*) – Колбасани. Колбаса экканман дейди. Кўрмайсизми, ақли ҳам кетганми, деб кўрқаман-да. (*Сўнг йиғлай бошлайди...*)

**Чори учар:** (*Овозини пасайтириб*) – Эрингизнинг бу гапини ҳеч ким эшитмадимми, келин?

**Норгул:** – Йўқ, эшитмади. Бир мен, бир қизим, бир қушнот кампирга айтдик, шу билади.

**Чори учар:** (*Энди бақариб юборади*) – Нима? Қушнот? Қанақа қушнот? Вой, энди Худо урди, бутун қишлоқ билади, бутун қишлоққа кетди бу хабар.

**Норгул:** (*Эсанкираб*) – Қайси хабар?

**Чори учар:** (*Жаҳл билан*) – Эрингизнинг жинни бўлгани, колбаса эккани.

**Норгул:** (*Дийдиё қилиб*) – Ака, одамнинг куни би-тиши олдидан шундай бўп қолармикин-а? Кўчиб келганимиздан бери, йигирма йилдан бери томорқага қўл урмаган эди. Йилда бир марта мол-қолга ўт ўриб олардик. Бу йил бир ойдан бери тиним билмай, томорқада ишлади. Юмшатди, илдизларни тозалади, кун бўйи саҳардан шомгача томорқадан чиқмади. Мен ҳазиллашиб, агар шунча йилдан бери шундай ишлаганингизда аллақачон бошқача яшардик, бой бўп кетардик десам, ҳали кўрасан, шу йилнинг ўзида бойиб кетамиз, бу катта шанс, деди... Нимага ундай деди билмайман. Ё бундай ишга шўнғиб, ишга берилиб кетиши оғирлик қилдимикин-а, офтоб урдимикин-а, ё кўз тегдимикин-а... (*Норгул уввос тортиб йиғлай бошлайди...*)

**Чори учар:** (*Атрофга аланг-жаланг*) – Жим-е, секинроқ... Ҳар хил гапни қўйинг, келин.

*Чори уларнинг ҳовлиси. Ҳовли эшиги тарақлаб Тўхта қушнот кириб келади. Супа томонга юради. Унинг келганини кўрган Рўзихол худди нажот фариш-тасига йўлиққандай олдига югуради.*

**Рўзихол:** (*Ўргилиб, айланиб*) – Келдингизми, дугонажон. Яхшимисиз, айланай, суягингиз енгилми, дамликкинамисиз?

**Тўхта қушнот:** (*Виқор билан супага қараб*) – Нима бўлди, айланай. Қирдан қулаган айиқ полвонга ўхшаб ётибди эрингиз...

**Рўзихол:** – Кўрмайсизми? Бир кунда шундай бўлди, дугонажон.

**Тўхта қушнот:** (*Супада беморнинг ёнида ўтириб*) – Ўзиям Одам атони танитай кетувди, эрингиз. Қилма топасан, деган нақл бор... Энди, гўр бўлармиди, гердагани гердаган эди-я ўзиям.

**Рўзихол:** (*Ялиниш оҳангида*) – Орзубой акани да-волаганингиздан кейин, бутун қишлоқ нафасингизга тан берди, дугонажон. Эримнинг ўзи ҳам сизни сўради.

**Тўхта қушнот:** (*Беморга ажабсиниб*) – Ўзи сўра-дими?

**Рўзихол:** – Ўзи бир аҳволда-ю сизни сўради, ай-ланай.

**Тўхта қушнот:** (*Бемор ёнига ўрнашиб ўтириб, керилган кўйи, худди Орзубой бетоб бўлганда нима қилган бўлса, шундай ҳаракат қилиб, айнан ўша гап-ларни такрорлай бошлайди-да, рўмоли учига тугил-ган пахтани ўнг қўлига олиб, беморнинг бошидан ай-*

лантириб уни силай бошлайди... Силаб бўлгач – икки қўлининг панжаларини ёзиб олдга-ортга тортиб) – Қайт бадбахт, қайт бадбахт. Қайтмасанг сенга лаънат, қайтармасам менга лаънат. Куфф-суфф. Куфф, суфф... (У бемор бошида яна нималарнидир пичирлайди...)

**Рўзихол:** – Тузалармикин, ишқилиб?

**Тўхта қушнот:** – Тузалади. Кўпларнинг дилини оғринтирган. Рухлар қўрангиздаги оппоқ қўчқорни сўраяпти. Шуни сўйиб худойи қилинг... Кейин ҳамма деразаларни уч кеча-кундуз очиб қўйинг! Эрингизнинг эгнидан сира тушмайдиган яхши кўрган тўниними, бирор кийимини қишлоқ йўлидаги лайлак тутнинг шоҳига илиб қўйинг. Ҳаммани кўзи тушсин. Икки кундан кейин олиб уни қўшнинг эшагига жабдуқ қилинлар.

*Шу пайт Чори учар Тўхта қушнотнинг биллагидан шартта ушлаб олади. Тўхта қушнот қўрққанидан чинқириб ўрнидан туради. Чори учар ҳам унинг қўлини қўйвормай ўрнидан туриб кетади. Тўхта қушнот ўтакаси ёрилгудай бўлиб:*

**Тўхта қушнот:** (Қўрқиб) – Қўлимни қўйворинг, қўлимни қўйвор!

**Чори учар:** (Ғазаб билан) – Қўйвормайман! Сенга кўрсатиб қўяман, мени касал деб оғзинга келган гапни гапиравердинг-а?

**Рўзихол:** (У ҳам ўрнидан туриб, гоҳ эрига, гоҳ қушнотга қараб, анграйиб, уларни айланиб югура бошлайди) – Вой, ўлмасам, вой, ўлмасам.

**Тўхта қушнот:** (Рўзихолга) – Ҳой, ҳой, Рўзи. Эрингизнинг қуёнчиғи қўзиб, тутқаноғи тутганга ўхшайди. Бу соғмас, бу жинни бўпти.

**Чори учар:** (Уни қувиб, ортидан тепиш учун оёғини кўтариб қувларди. Ҳамон уни қушлаб) – Ўзинг жинни! Ўзинг тентаксан!

*Тўхта қушнот югургилаб-югургилаб, саҳнанинг четида ўтириб қолади. Оғир уф тортади. Чори учар супа четида ўтириб ҳансирайди. Рўзихол жойида тик туриб гоҳ эрига, гоҳ қушнотга қарайди.*

**Тўхта қушнот:** (Уф тортиб) – Рўзи, Рўзи дугона, бу нима қилиқ? Шум эрингизни гўр ҳам ютмайди. Мени ўлдирай деди, бу эрингиз нақ тентак. Тентак.

**Чори учар:** (Ўрнидан туриб) – Бас қил, бас. Ўзингнинг эсинг кетган. Оқ қўчқор эмиш, чопонни жабдуқ қил эмиш, сенга кўрсатиб қўяман. Алвасти.

**Рўзихол:** (Эрига қараб йиғлаб) – Қилиғингиз курсин. Бу нима ҳазил-а? Бу нима қилғилик?

**Чори учар:** (Белини ушлаб, заҳарли қулиб) – Хўш, гап бундай, Тўхта қушнот, икковимиз ўртамиздаги бир сир бор, эсингдан чиқмайди-я?

**Тўхта қушнот:** (Бош ирғаб уф тортиб) – Шунинг ўчини олай девдингизми-а? Қирқ йил қирон келсаям, қирилиб кетгуннинг эсидан чиқмабди.

**Чори учар:** (Тиржаяди) – Эсдан чиқмайди. Эсдан чиқмайди. Мана шу елкамга ўтирғизиб пахта пояни кесиб ўтганим сира эсимдан чиқмайди.

**Рўзихол:** (Эрига анграйиб, ҳеч нарса ни тушунмагандай қараб) – Кимни кўтарасиз? Кимни елкангизда кўтаргансиз, нега кўтаргансиз?

**Чори учар:** (Киноя билан Тўхта қушнотга ишора қилиб) – Анавини.

**Тўхта қушнот:** (Юзини қўли билан тўсиб) – Во-о-ей! Одам бўлмай ўлгура-а?

**Чори учар:** (Хотинига) – Хотин, сен қайғурма, ҳеч нарсга бўлгани йўқ. Обшир қишлоқдан сел келиб авжи баҳорда Хўжаипок дарёсида сув тошувди. Ўшанда бу Ғўчи тентакка нон синдирилиб фотиҳа қилинган эди. Қарасам дарёда оқиб ўладиган. Ноилож, елкамга миндириб дарёдан олиб ўтдим... Сўнг буларни тўйи бўлди. Ўғли, ҳалиги Содиқ эзма туғилди. Елкамга минган бойвучча эса бугун бундай деб турибди.

**Тўхта қушнот:** (Йиғламоқдан бери бўлиб) – Вое-ей. Воооооо. Шуни ўчини олдингизми-я, одам бўлмай ҳар бало бўлгур...

**Чори учар:** (Айёрона) – Йўқ. Ўч олиш учун чақирмадим. Бир таклиф бор, шуни қилмасанг, у дунё бу дунё норизоман...

**Тўхта қушнот:** (Энди аланглаб) – Яна нимани бошламоқчисиз?

**Чори учар:** (Бир Рўзихолга, бир Тўхта қушнотга қараб) – Орзубойнинг хотинига айтасан... У гапинга кўнади. Эримни қушнот даволади, деб ўйлаяпти. Майли, дард ҳам, шифо ҳам Худодан. Хуллас, бу кеча Орзубойникида бўл. Чироқ ёқиб ис чиқар, ўқитасанми, силайсанми, ирим-сирим қиласанми, икки-уч соатга ҳовлига чиқармасанг бўлди. Бола-чақасиям чиқмасин, ирими шунақа де... Инс-жинсларни қуваяпман де.

**Рўзихол:** – Яна нима ўйин бошламоқчисиз?

**Чори учар:** (Хотинига ўшқириб) – Жим. Жим бўл.

**Тўхта қушнот:** (Ўрнидан туриб) – Мен ҳовлига чиқманлар десам, улар гапимга киради, деб ўйлайсизми?

**Чори учар:** (Айёрона қулиб) – Албатта. Қушнот, Сен айтсанг, айтганингни қилишади. Чироқ ёқиб ис чиқараман, Сизлар ҳовлига чиқишларинг хавфли, шундай қилсак Орзубой батамом, тузалади дейсан, вассалом.

**Тўхта қушнот:** (Ҳайратини яширолмай, бош чайқаб) – Тушунарли, мен унинг уйида чироқ ёқиб, ис чиқараман.

**Чори учар:** (Қулиб) – Албатта шундай! Тўғри топдинг. Фақат, Орзубой бола-бақраси билан кечаси ҳовлига чиқмай турса бас. Икки соатга.

**Рўзихол:** (Эрига) – Сиз қачон тинчийсиз?

**Чори учар:** – Жим! Жим бўл!

**Тўхта қушнот:** – Мен... Мен.

**Чори учар:** – Ҳа... боравер. Шу кеча... Тушундингми? Соат ўндан ўн иккигача!

*Шу пайт ҳовли эшиги тарақлаб Эшдавлат “Бос, бос, қамчи бос, отга ўзинг қамчи, бос!” қўшиғини хиргойи қилиб кириб келади. Саҳна ўртасига келганда оёғида тик турган Чори учарга, қушнотга ва Рўзихолга қараб қотиб, ҳангу-манг бўлиб қолади.*

**Эшдавлат:** – Тоға!.. Тоға!.. Ие-ие, қайтиб кепсизда-а, тоға! (Кейин яна ҳайратлангандай...) – Оббо тоға-е, Тўхта холам Сизни тирилтирибди-а? Қойил-е, қойил холажон (Қушнотга таъзим қилади). Барака топинг, хола... Одамлар, қушнот хола зўр деса, ишонмасдим. Чин экан, чин экан, хола.

**Чори учар:** (*Қовоқ уюб Рўзихол ва Тўхта қушночага қараб*) – Қани, Сизлар энди боринглар. Бизнинг Эшдавлатбой билан ишимиз бор...

*Хотинлар чиқиб кетади. Чори учар Эшдавлатга юзланади.*

**Чори учар:** (*Ўсмоқчилаб*) – Жиян, шу... бир хизмат бор!

**Эшдавлат:** (*Чори учарга яқин келади. Чори учар Эшдавлатга бурнини жийриб қўли билан елпинган бўлади.*) – Ҳа, энди тоға, йигитчилик...

**Чори учар:** (*Норизо*) – Қачон қараса шу ўлгурни ичиб оғзинг сасиб юради. Винзавод бўп кет-а...

**Эшдавлат:** – Нима гапингиз бор эди, тоға?

**Чори учар:** (*Ундан сал узоқроқ туриб*) – Шу ерда туравер. Яқинимга келмасанг ҳам майли, жиян.

**Эшдавлат:** (*Норизо*) – Уфф...

**Чори учар:** (*Масофа сақлаб*) – Жиян, ҳалиги, оқ тепанинг ёнидаги қўл атрофида бангидевона ўсади биласан-а?

**Эшдавлат:** – Биламан.

**Чори учар:** – Ана шу бангидевонадан бир кучоқ олиб кел, жиян.

**Эшдавлат:** – Эй-е, тоға, шу сассиқ бутани нима қиласиз? Бангидевонани мол ҳам емайди-ку, сассиқ-ку?

**Чори учар:** – Ишинг бўлмасин, одамнинг белига келадиган бўлиб қолганларини илдиз-пилдизи билан қўшиб суғуриб олиб кел.

**Эшдавлат:** Хўп.

#### САККИЗИНЧИ САҲНА

*Тонг маҳал. Орзубойнинг ҳовлиси. Орзубойнинг хотини ўрнидан туриб ҳовлидаги ишлар билан андармон. Бир маҳал ҳовлидаги бангидевона буталарини кўриб тахта бўлиб қотиб қолади. Қўлидан супургиси тушиб кетади. Буталарда колбаса осилиб турибди – буталар колбаса мева берибди. Буталарда шиғил-шиғил колбаса. Мусиқа. Маҳзун мусиқа янграйди.*

**Орзубойнинг хотини:** (*Бақриб юборади*) – Отаси... Отаси! Норгул, ҳой Норгул. Бу ёққа кел.

*Қизи чолиб чиқади. Югураман деб саҳнада йиқилиб тушади. Сўнг у ҳам “колбаса дарахт”лариغا қараб жойида тахта бўлиб қолади. Шу пайт Орзубой югуриб чиқади.*

**Орзубой:** (*Ҳовлиқиб*) – Нима гап-а? Нима гап?

*“Колбаса дарахтча”ларини, колбаса етилган буталарни кўриб ҳангу бўлади. Уларнинг олдига югуриб боради. Бирини ушлаб кўради. Кейин уларни айланиб югура бошлайди. Бир маҳал уларнинг учаласи ҳам жимиб, бир жойда тўпланишиб колбаса дарахтларига қараб туришади. Мусиқа, енгил мусиқа. Лирик мусиқа. Шу маҳал саҳнага бутун қишлоқ одамлари, комедияда иштирок этган ҳамма-ҳамма кириб келади. Улар ҳам мусиқа остида колбасаларга ҳайратланиб қараб туришибди. Нозим шоир, Бўри кал, Шоди барака, Чори учарнинг ўғли – Йўлдошали, ҳамма-ҳамма, ҳатто Нозим шоирнинг дўсти, ҳалиги ажнабий – инглиз ҳам бор. Айниқса, унинг ҳайрати чексиз. У колбаса осилиб турган дарахтсимон ўсимликларни суратга олиш билан машғул. Ҳар-ҳар замонда “гуд-гуд” деб қўяди. Эшдавлат Чори учарнинг қулоғига нимадир демоқчи бўп энгашади. Чори учар юзини бужмайтириб, бурнини жийиради, қўли билан гўё бурни олдидаги ароқ ҳидини ҳайдагандай бўлиб Эшдавлатга норизо қараб қўяди.*

**Эшдавлат:** (*Мийиғида кулиб*) – Балосиз, тоға, балосиз.

**Чори учар:** (*Кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб*) – Жимм.

*Чори учар мийиғида кулади. Эшдавлат кулади. Бошқалар ҳайрат билан колбаса дарахтчаларига термулиб туришибди. Мусиқа, енгил ва кўнглини хушнуд этувчи мусиқа янграйди.*

**Парда ёпилади.**





## ШАКЛ ЭМАС, МАЗМУН МУҲИМРОҚ

Маълумки, адабиётда ҳикоя жанри ўзига хослиги билан алоҳида ўрин тутлади. Хўш, бу ўзига хосликни биз нималарда кўраемиз? Аввало айтиш мумкинки, ҳикоя роман, қисса ёки дostonдан кичкина. “Уруш ва тинчлик”, “Тинч Дон” ёки “Иблислар”, “Телба”, “Жиноят ва жазо” романлари қаршисида А. Чехов, Р. Тагор, А. Қаҳҳорнинг ҳикоялари ғоятда кичкина, мўъжаз. Роман, қисса, дostonларни ўқиб чиқиш учун кўп вақт ва ҳафсала зарур. В. Шекспир асарларини саҳнада томоша қилиш учун чипта олиш, театрға бориш, камида икки-уч соат ўша ерда бўлишга тўғри келади. “Уйқу истаги” (А. Чехов), “Анор” (А. Қаҳҳор) ҳикоясини мутолаа қилиш учун эса узоғи билан ўн-ўн беш дақиқа кифоя. Эътибор билан ўқиган киши улардан юз саҳифалик қисса, уч юз бетлик роман билан танишганидан кўра кўпроқ мутаассир бўлади. Ваҳоланки, ушбу ҳикояларда қаҳрамон ҳаётидаги битта воқеа қаламға олинади. Ҳикоянинг қисса, романдан фарқли жиҳати унда қаҳрамон ҳаётидаги биргина воқеа гавдалантирилиши билан белгиланади. Шу воқеанинг бошланиши, ривожланиб, авж нуқтага кўтарилиши кишини қизиқтириб қўяди ва воқеанинг якуни, албатта, ўйлантиради. Ўқувчининг диққати, эътибори маълум муддат шу биргина воқеа ва ундаги қаҳрамоннинг ҳолати, тақдири билан банд бўлади. Хусусан, А. Қаҳҳорнинг “Ўғри”, “Бемор”, “Анор”, “Даҳшат”, “Майиз емаган хотин”, Ф. Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоялари шундай салмоққа эга. Ўзбек адабиётида ҳам, бошқа халқлар адабиётида ҳам иштиёқ билан ўқиладиган ва кишини ҳамиша ўйга толдирадиган ҳикоялар кўп. Улар кишиларнинг маънавияти, руҳиятига, дунёқарашининг теранлашишига, олам ва одам тўғрисидаги тасаввурининг бойишига жилд-жилд романлар, юз-икки юз саҳифали қиссалар, икки-уч соат томоша қилинадиган спектакль, фильмлардан кам таъсир кўрсатмаган.

Албатта, ҳажм шаклга дахлдор. Илм-фан, техникада ҳажм мазмунни белгиламайди. Масалан, халқнинг “Бой бойға боқар, сув сойға оқар” деган ихчамгина мақоли мазмуни шарҳланса, бир неча китоб бўлади. Ҳикоя ҳам қанча ихчам, сиқик бўлса, шунчалик эътиборни тортади. Ихчам ҳикоялар тезда ўқиб чиқилади. Улар билан кўпчилик танишади. Ҳикоя ҳажми ихчамлиги ана шундай афзалликка эга. Муаллиф эса ёзганини кўпчилик ўқишини, уни ўйлантирган масала бошқаларни ҳам қизиқтиришини истайди. Воқеалар тафсилоти баёни чўзилиб кетган ҳикоядан кўра ҳажми ихчам ҳикояларни ўқиш мароқли. Шайх Саъдийнинг “Гулистон” идаги ҳикоятлар бениҳоя ихчам ва теран мазмунга эгаллиги учун ҳамиша иштиёқ билан ўқилади. Улар энг замонавий модерн асарлардан, машҳур тарихий шахслар тўғрисидаги диалогия, трилогия, тетралогиялардан кўра кўпроқ маънони англатади. Қайси нарса кўп экан, у – қадрсиз. Ҳикоянинг ҳам ҳажми катта бўлса, унинг ўқувчи қалбига таъсир кучи паст бўлади. А. Қаҳҳорнинг “Ўғри”, “Бемор” и ёки А. Чеховнинг “Чинувникнинг ўлими”, “Ғилоф бандаси” ҳажман ихчам. Бу мўъжаз ҳикояларни бир марта ўқиш кифоя. Улар худди хотирага муҳрлангандай, йиллар ўтса-да, эсдан чиқмайди. Ушбу ҳикоялардаги тафсилотлар кутилмаганда ўз-ўзидан хаёлга келаверади. Бунга сабаб, айни ҳикоялар матнига турмушнинг бир парчаси лўнда ва аниқ жойлаштирилганида. Улардан ҳаёт нафаси уфуриб, жонли одамлар кўринади. А. Чеховнинг инсонга ачиниш ҳиссига тўла, майин оҳангли кинояга йўғрилган ҳикоялари ҳажмига кўра ҳам, маъно қамрови жиҳатидан ҳам сўз санъатидаги ноёб ҳодисалар сирасига киради. Адибнинг воқеликни ифодалаш услуби эса ҳикоя жанри учун ўзига хос мумтоз мезон бўла олади. Аммо бу Мопассан, И.Буниннинг ёки япон ҳикоянависларининг воқеликни акс эттириш услубини камситиш эмас. Лекин

### Абдулла УЛУҒОВ

1960 йилда туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Адабиётшунос. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратига интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Ватан – ва тан” каби китоблари, “Адабиётшуносликка қириш”, “Туркий халқлар адабиёти” сингари ўқув қўлланмалари нашр этилган. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети доценти.

хамма нарсанинг ихчами дуруст бўлганидай, ҳикоянинг ҳам қисқа ҳажмлиси, теран мазмунлиси ва лўнда ифода услубида битилгани яхши. Ҳикоями, қиссами эканлиги аниқ билиниб турмайдиган, чўзилиб кетган асарларнинг таъсир кучи паст бўлади. Улар А.Чехов ёки А.Қаҳҳорнинг мўъжаз ҳикояларига таъсирчанлик бобида бўйлаша олмайди. Албатта, ҳикоянинг ҳажми сонет, рубоий, туюқники сингари қатъий белгиланмаган. Шундай бўлса-да, қаҳрамон ҳаётидаги битта воқеа тасвирланадиган ҳикоя аччиқ ичак каби чўзилмагани, ҳар жиҳатдан аниқ, ихчам ва лўнда бўлгани дуруст. А.Чехов, А.Қаҳҳорнинг ҳикоялари ҳамиша қадрланади. Уларнинг услуби эскирмайди. Ҳажман ихчам, мазмунан теран, услуби ёрқин мумтоз ҳикоялар санъатдаги реализм йўналиши бевосита ҳаётга асосланиши ва шу боис бениҳоя таъсирчанлиги, унинг имкониятлари ғоят кенглигидан далолат беради.

А.Чехов, Р.Тагор, Мопассан, А.Қаҳҳор ҳикояларида ҳаётнинг ҳамма кўрадиган жиҳати тасвирланади. Яъни унда кечган турли воқеалар ва улардаги иштирокчилар ҳолати, хатти-ҳаракати гавдалантирилади. А.Қаҳҳорнинг “Ўғри”, “Бемор” ҳикояларида қаҳрамонлар характерида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Бу тур ҳикоялар воқеабанд асарлар сирасига киритилади. Айни ҳикояларда қаҳрамонлар характеридаги ўзгариш эмас, битта ҳаётий воқелик ичидаги ўсиш, тадрижийлик кўрсатилади. Ҳаётни бу тариқа бадиий акс эттирган асарлар, жумладан, ҳикоялар инсониятга жуда кўп нарса берди: улар аввало ижтимоий воқелик тўғрисида мушоҳада юритишга, ҳар бир кишининг қувончи, ғами жамиятга бевосита боғлиқлигини англашга ўргатди; айни асарлар таъсирида кишилар ҳаётда фаол бўлиш зарурлигини ва бунга ҳар бир одам – эркак ҳам, аёл ҳам, ёш ҳам, кекса ҳам тўла ҳақли эканини тушуниб етди. Инсонни ижтимоий воқелик билан узвий алоқада тасвирлаган, ижтимоий-тарихий шароитнинг инсон тақдири ва феъл-атвори таъсирини теран бадиий тадқиқ этган асарлар, жанридан қатъи назар, кишиларда ўзини бошқалардан кам бўлмаган тенг ҳуқуқли инсон эканлигини идрок этиш, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураш ҳиссини уйғотди. Ҳаётни реалистик акс эттирган асарлар инсон тақдири, орзу-интилишлари ижтимоий асосга эга эканлигини кўрсатди. А.Чехов, А.Қаҳҳор каби адиблар ижодининг аҳамияти аввало шу билан белгиланади. Лекин эндиликда бу адибларнинг ҳаётни бадиий акс эттиришдаги ифода услуби бадиий-эстетик тафаккурдаги босиб ўтилган босқич бўлиб қолди. Ҳазал, рубоий, туюқ ҳам шундай шакл ҳисобланади. Ҳаёт ҳодисалари, инсон дунёси эса кўп қиррали. Уларга турли томондан қаралса, турлича кўринади. “Анор”, “Даҳшат”, “Ўғри”, “Бемор”, “Майиз емаган хотин” (А.Қаҳҳор), “Менинг ўғригина болам” (Ғ.Ғулом) каби ҳикоячилигимизнинг мумтоз намуналарида қаламга олинган воқеликни, қаҳрамонлар образини бошқача гавдалантириш ҳам мумкин. Айни бир сюжетни ўзига хос талқин этиш ижодкорнинг дунёқарашига, маҳоратига ва албатта, яшаётган замоннинг бадиий-эстетик тамойилларига боғлиқдир. А.Қодирий романчилигимизнинг эмас, ҳикоячилигимизнинг ҳам тамал тошини қўйган. Унинг “Улоқда” асари ўзбек ҳикоячилигининг дастлабки намунасидир. “Ўткан кунлар” муаллифи бошлаб берган ҳаётни реалистик тасвирлаш йўлини А.Қаҳҳор юк-

сак чўққига кўтарди. Кейинги авлод адиблари “Анор”, “Бемор” муаллифи анъаналарини ривожлантирди. Ўзбек ёзувчиларининг барчаси – О.Ёқубовдан тортиб Н.Эшонқулгача “Ўткан кунлар”, “Бемор”ни ўқиган. Уларнинг адабиётга қизиқиши, сўз санъати тўғрисидаги илк тасавури шу асарлар асосида шаклланган. Уларни Лотин Америкаси адабиёти вакиллари, япон адибларининг асарлари кейинчалик янгилик сифатида мафтун этган. Кафка, Камю, Пруст, Жойс, Фолькнер каби ёзувчиларнинг инсон образини гавдалантириш услуби бадиий-эстетик тафаккурдаги янги босқичдир. Бадиий-эстетик тафаккур эса ҳеч қачон бир жойда тўхтаб, қотиб қолмайди. У ҳам бошқа ҳодисалар сингари муттасил ўзгаради. Шундай экан, “Улоқда”, “Ўғри”, “Бемор”нинг бадиий даражаси ҳозирги модерн ҳикоялардан паст дейиш ножоиз. Чунки ҳар бир даврнинг ўзига хос адабиёти – бадиий-эстетик диди бўлади. Бугун инсоният ахборот “бўрон”и ичида яшайпти. Аввал адабиёт одамларга ахборот етказар эди. Энди унинг бу вазифасини ТВ, радио, интернет тармоғи, матбуот тортиб олди. Кино ҳам ундан ўз улушини олиш учун ёпишди. Шу боис адабиёт учун воқеаларни нақл қилиш ўринсиз бўлиб қолди. Навоийнинг қаҳрамони Баҳром четдан келган мусофирларнинг ҳикоятларини тинглаб овунган бўлса, ҳозир ТВ каналлари, интернет саҳифалари, матбуот кишини зериктирмайди. Шунинг учун барча жанрларда инсоннинг ботинини, ҳиссий оламини кўрсатишга киришилди. Аввал адабиётда воқеалар тасвири устуворлик қилган бўлса, энди асосий эътибор сезги, туйғулар тасвирига қаратилди. Сезги, туйғулар таҳлилдан иборат асарлар ҳаётдаги кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир ҳодиса инсонга фикрлаши учун туртки, мушоҳада юритиши учун асос бўла олишини билдиради. Одам эса еб-ичиш эмас, балки фикрлаш, мушоҳада юритиш орқали Яратувчисининг чексиз қудрати, унга берилган ҳаётнинг моҳиятини билиб, ўзининг кимлигини англаб етади.

Гомернинг “Илиада”, “Одиссея”си, ҳиндларнинг “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”и, туркийларнинг “Алпомиш”, “Манас” ёки “Минг бир кеча” эртақлари ҳозир ҳам замонавий асарлардан кўра кўпроқ қизиқиш уйғотаётгани, улар асосида фильмлар яратилаётгани, тадқиқотлар олиб борилаётгани воқеабанд асарларнинг аҳамияти, қадри ҳеч қачон йўқолмаслигидан далолат беради. Инсон руҳияти – туйғу, ҳиссиётлари қаламга олинган ҳикояларни ўқиганимиздан кейин кўнгилда одам тушунолмайдиган бу олам қанчалик мураккаб, чигал, мунг, изтиробга тўла бўлмасин, барибир гўзал, деган фикр кечади. Хусусан, Назар Эшонқулнинг ҳикоялари шундай ҳолатга солади. У инсон қалбидаги оғриқли кечинмаларни бениҳоя изтироб билан ёзади. Унинг асарларидаги ҳар бир тафсилот қаҳрамон ҳис қилган қулфат тўғрисида ўйлантириб, юракни эзади. Адибнинг “Шамолни тутиб бўлмайти”, “Маймун етаклаган одам”, “Тун панжаралари” каби ҳикоя, қиссаларидаги ҳар бир сўз оддийлиги, аниқлиги, рангинлиги, жарангдорлиги билан тасаввурни чарақлатиб юборади. Воқеабанд бўладими, ҳис-туйғулар тасвирланадими, бундан қатъи назар, сўзлари жаранглаб турса, фикр аниқ ифодаланса, мулоҳазалар бир-бирини қувватлаб, кучайтириб, занжир ҳалқалари каби боғланса, ўша асл адабиёт асаридир. Ушандай асарлар санъат нималигини, сўзларнинг киши руҳини юксакларга кўтарувчи



абадий кучи қанақалигини ҳис эттиради. Рухият, сез-гига урғу берилган асарлар қахрамоннинг қиёфаси, ҳолати, кечинмасини аниқ тасаввур этишга, кишининг юз-кўзи, бармоқларининг ҳар бир ҳаракати, имосида жуда кўп маъно-мазмун мавжудлигини билиб олишга имкон беради. Айна асарларни иштиёқ билан мутолаа қилган китобхон асл адабиёт нима эканлигини англаб етади. Воқеабанд асарларни қизиқиш билан ўқийдиган ўқувчилар ҳам аста-секин, албатта, инсоннинг ботини, ҳиссий ҳаёти тасвирланган асарларни мутолаа қилишга ўтади. Лекин китобхонликнинг сусайиб бораётгани, одамлар маънавий бойликлардан бахраманд бўлишга эмас, нима қилиб бўлса-да, пул топиб, мол-давлат ортиришга ружу қўяётгани кишини хавотирга солади.

Кишиларнинг руҳиятига таъсир этиб, маънавиятини юксалтириш санъатнинг асосий мақсадидир. Шундай экан, адабиёт одамлардан олдинда юриши, пастга тушиши эмас, юксакликка интилиши табиий. Ундан ҳамма ўзининг диди, савияси даражасида баҳра олади. Замоनावий адабиётда ҳаёт воқеаларини эмас, унинг марказида турган инсоннинг зиддиятли ўй-кечинмаларини тасвирлаш устувор бўлаётгани кишини қувонтиради. Чунки бу кишиларнинг ўзини англаши, ҳаёти ҳақида ўйлаб кўриши ва муайян хулосалар чиқаришига кўмаклашади. Инсоннинг ботинидаги мураккаб мулоқот жараёни акс эттирилган асарлар ҳар бир кишига унинг ҳаёти бошқалар билан, бутун коинот билан чамбарчас боғлиқ эканини англашга кўмаклашади. Эртак, ривоят, афсона, достонлардан тортиб “Минг бир кеча”, “Гулливернинг саёҳатлари”, “Робинзон Крузо”га ўхшаш воқеабанд асарлар одамларга дунё кенг эканлиги, у ажойибу ғаройиб воқеаларга тўлалигидан сабоқ беради. Инсоннинг руҳиятидаги зиддиятли жараёнлар ёритилаётган асарлар эса ҳар бир одам катта олам эканидан хабардор этади. Юқорида эслатганимиздай, воқеабанд асарларни иштиёқ билан ўқиганлар турмуш тажрибаси ва мутолаа малакаси ортиши натижасида инсон руҳиятидаги жараёнлар тадқиқига қаратилган асарларга қизиқиб қолади. Бу йўлни ҳар ким ўзича босиб ўтади. Одамнинг мутолаа малакаси, китобхонлик даражаси ўсишига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Ҳамма очикча тан олмаса-да, бошқаларга айтмаса-да, кимларнингдир диди, савияси ўзидан баландлигини сезади ва ўшаларга эргашади. “Бирники мингга, мингники оламга” деган гап аслида дид, савия, дунёқарашнинг ўзгариши ҳақида айтилган. Глобалла-

шув даврида ҳамма нарса жуда тез ўзгармоқда. Аввалги замонларда эл эллик йилда ўзгарган бўлса, ҳозир ўн йилга қолмай, ҳамма соҳада бир авлод ўрнини янги бир авлод эгалламоқда. Бошқарув тизимида ҳам, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларида шу ҳолат рўй бермоқда. Ёшида ўн йил фарқ бўлган кишиларнинг ҳаётга муносабати, билими даражаси, малакаси тамоман бошқача. Улар санъатга, адабиётга муносабати, китобхонлигига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади. Авлодларнинг диди, савияси жуда тез ўзгараётганини кийим-либос модаси, уй-жиҳозлари, автомашина марказлари бир йилга қолмай янгиланиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

А.Чехов, Р.Тагор асарларидан беҳабар, А.Қаҳҳор ҳикояларига беписанд қарайдиганлар сафи кенгайиб кетяпти. Интернет асл адабиёт йўлида тўсиққа айланмоқда. Чунки истаган одам интернетда хоҳлаган нарсасини чиқариб ётибди. Интернетнинг муҳаррири, ношири йўқ. Ундаги асарнинг бадиий ғоясини ҳеч ким назорат қилмайди. Энг яхши алоқа, мулоқот воситаси, афсуски, бадиий дид, савияни жўнлаштирадиган кенг майдонга айланди. Шафқатсизлик, зўравонлик тарғибташвиқ қилинган фильмларни кўриб, шу хилдаги китоблардан таъсирланиб улғайган авлод етишиб чиқди. Табиийки, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”ида, Шекспир, Гёте, Достоевский асарларида улуғланган ҳалоллик, олижаноблик бу авлод учун заррача қимматга эга эмас. Рухни озиқлантириб, туйғуларни тарбиялайдиган, қалбда эзгу ҳиссиётлар уйғотадиган асарлардан бебаҳра одамлар эса бир-бирига унчалик ачинмайди. Ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб яшайдиган бундай кишилар ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч бир нарсани аямайди, аждодлари ардоқлаган қадриятларни беписандлик билан топтаб кетаверади. “Ҳозир юз кишидан неча нафари мунтазам китоб мутолаа қилади ва қандай китобларни ўқийди?” деган савол асосида сўровнома ўтказиб, ёшларнинг, умуман, жамиятнинг дунёқарашини, маънавий даражасини аниқласа бўлади. Чунки ҳар бир одам, сезмаган ҳолда, китоблардан жуда кўп хислатларни ўзига сингдиради. Бу муаммо мавзумизга унчалик алоқадор эмасдай туюлса-да, бугунги куннинг энг долзарб, энг оғриқли масаласидир. Китобхонлик барча замонларда инсон маънавиятини шакллантирадиган ўзак омилдир. Шунинг учун мамлакатимизда бадиий асарлар тарғиботига жиддий эътибор қаратилмоқда, китоб байрамлари ўтказилиши анъана тусини олмоқда.





## Сен билан баҳордир улири кюз фасли

### ДЕҲҚОН

Ҳамма иш ҳам осон туюлар сиртдан,  
Уруғ қадай олур ҳар қандай меров.  
Лекин ерга уруғ қадаган одам,  
Деҳқонга айланиб қолмайди дарров.

Бир экин ерининг шарт-шароити,  
Бошқа бир далага келавермас мос.  
Ерга қададингми уруғни, рости,  
Парвариши ҳам даркор шу экинга хос.



Шоир дилидаги тугён, туйғуни,  
Бошқаларга туҳфа этади шеърда.  
Бугун афзал кўрса ором, уйқуни,  
Тушириши мумкин қозоғза эрта.

Ёки бунёдкорнинг ишини кўргин,  
Зарур ашёлар жам, тураверади.  
Агар унинг қўли тегмаса бугун,  
Эртага бемалол қураверади.

Деҳқон саратонми, қаҳратон қишими,  
Далада куйманар, тиним билмас ҳеч.  
Эртага қўёлмас бугунги ишини,  
Бугун улгурмаса, эрта бўлар кеч.

Ер билан “тиллашар” ҳақиқий деҳқон,  
Билади қаерда тўқис, кемтиги.

Билим, омилкорлик бобида, ишон,  
У ўз даласининг Академиги.

\* \* \*

Юришиб турганда ишинг, кўнглинг чоғ,  
Оиланг тинч эса, дилда шукрона.  
Озоринг тегмайди ҳеч кимга, бироқ —  
Кимдир заволингни кутар пинҳона.

Қўллари муз,  
Дили қурумдан баттар,  
Башараси нурсиз, боқиши мунгли.  
Кувонсанг-у оғир қайғуга ботар,  
Ғам чекканинг кўрса яйрайди кўнгли.

Дўстим, парво қилма сен унга ҳеч вақт,  
Асло аримасин тегрангдан ёғду.  
Ичини қурт еган дарахтга ўхшаб,  
Ўз-ўзидан адо бўлиб борар у.

\* \* \*

Сен тенгсиз гўзалсан, ой каби якто,  
Дийдорингни қўмсаб ўртанар дилим.  
Лек журъат этолмам қарашига ҳатто,  
Кўнгли изҳорига ожиздир тилим.

Муҳаббат ошиқни қўяр қул айлаб,  
Малика эурсан кўнглим тахтида.

### Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

1952 йилда Қизилтепа туманида туғилган. Тошкент Давлат университетидан таҳсил олган. “Туташ тақдирлар”, “Юртим таровати”, “Юрт меҳри”, “Соғинч”, “Сўнғи манзил” каби кўплаб насрий ва назмий тўпламлар муаллифи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Менга оғир яшаш баҳорни бўйлаб,  
Ҳаётим кузга юз тутган вақтида.

\* \* \*

Ким билар тақдирда нелар битикдир,  
Заҳар бўлди гоҳо бол деб тотганим.  
Қайси бир жиҳатдан кўнглим кемтикдир,  
Топганимдан кўндир йўқотганларим.

Ҳамма пайт ҳам ишинг келавермас ўнг,  
Чексиз дунё баъзан қафасдан ҳам тор.  
Бол улашса хушнуд бўлганингдан сўнг,  
Заҳар тутганда ҳам чидашинг даркор.

\* \* \*

Ҳаётда мавжуддир мукаммал тартиб,  
Тўғри ё нотўғри қўясан қадам.  
Унинг азобини бир ўзинг тортиб,  
Бир ўзинг кўрасан роҳатини ҳам.

Қоқилмагин, бўлсин суянчинг ақл,  
Фойдаси йўқ кейин тўккан кўзёшини.  
Аждодлар бежизга қилмаган нақл:  
“Ҳар ким ейди ўзи пиширган ошни”.

\* \* \*

Гарчи кўп бор дилда борини айтдим,  
Эзгу, пок ниятда узатсам ҳам қўл.  
Ҳар гал ҳузурингдан бош эгиб қайтдим,  
Сенинг юрагингга тополмадим йўл.


Буткул сўкилмаган умидим чоки,  
Саргайган куз эмас, менинг ёшимдир.  
Ишқ менинг энг сўнгги топганим, ёки  
Эҳтимол энг сўнгги йўқотишимдир.

\* \* \*

Сенинг муҳаббатинг илоҳий эрур,  
Қуёш каби ёниқ, уфқдай чексиз.  
Сен менинг бахтимга кўкдан тушган хур,  
Сенсиз ёруғ олам совуқ ва кўрксиз.

Митти юрагингда меҳр бир дунё,  
Ғамларим муз янглиғ эрир тафтида.  
Ҳорғин кўзларимга инади зиё,  
Руҳим мадад олар толган вақтида.

Сен билан баҳордир умрим куз фасли,  
Ҳаёлингсиз яшай олмасман сира.  
Фариштам, илоҳий муҳаббат асли,  
Илоҳий садоқат билан боқира.



## ТҶРТЛИКЛАР

Узоқни ўйламай иш тутма асло,  
Кўрдим, ишонч ҳосил қилдим кузатиб.  
Қимматга тушади гоҳи бир хато,  
Уни умр бўйи бўлмас тузатиб.

\* \* \*

Беҳуда чираниш бермайди самар,  
Ҳаддин билмаганнинг ҳоли охир танг.  
Йўгонга тақлидан чўзилса агар,  
Ингичка албатта узилар, билсанг.

\* \* \*

Ҳаёт синов, гоҳи шафқат қилмайди,  
Иродали одам осон “синмайди”.  
Банда олар балки қўлингдагини,  
Пешонангдагини ола билмайди.

\* \* \*

Ризқига шукур қил, ажралма элдан,  
Камтар, элтарварга толе бўлар ёр.  
Кимнингки оёғи узилса ердан,  
Охир бир кун қулаб тушмоғи ҳам бор.

\* \* \*

Азалу абаддан шу садо келур,  
Тинглаб, бир савдога лол қолар киши:  
Итнинг касби мудом хурмоқлик эрур,  
Ўтиб кетмоқ эрур карвоннинг иши.





Наср Наср  
Наср Наср Наср



Нурилло ЧОРИ



## БЎРОН ТИНГАН КЕЧА

Ҳикоя



### Фармон тоғамга

*«...Жонузоқ араб сал гулпиноқ одам эди. Унинг назарида, бу ёруғ дунёда атиги иккита ҳурматга лойиқ одам бор эди: бири – галатепалик раис Раим Ғайбаров, иккинчиси – қамшилиқ раис Норбўта Шароф».*

**Мурод Муҳаммад Дўстнинг  
«Лолазор» романидан**

Ҳу-ув, у давронлар бошқача эди. Ҳар мардумнинг дили тили билан бир эди.

Бошпуртсиз Жонузоқ араб ҳар сафар Ўрта-кўрғонга карвон тортганида Норбўта Шароф бўталар бўйнидаги кўнғироқ садолари эшитилмай,

лўкиллаган нортуялару йўловчилар чанг йўлга сингиб, лой изларга ботиб кетмагунча ортидан қараб қоларди.

Ихтиёр ўзида бўлса Кўҳиқофда дев бўлишга орзуманд араб, бир кетганида ҳилолни тўлдириб ё бўлмаса, баркашдек ойни нимталаб Элсаройнинг сойида бўй берарди. Ана шундай кеча-кундузларда карвону сарбонга илҳақ Норбўта Шароф ич-этини ер эди. Карвон йўлига кўзини тикмаслик учун ўзини овутиш баҳонасида эл оралаб тўю томоша кўрар, юрт кезиб ҳол сўрарди. Шу одати кейин-кейин унинг аъмолига айланиб кетди.

Бу кунда у ёлғиз эмас, эгиз юрарди. Алплиги Алпомишга тортган, келбати Қоражонга қора берган Шоҳимардон пирнинг боласи, Чим саройининг Шаймардон полвони ёнида бўларди. Билганлар полвонни Ибрайим (Иброҳим) аминнинг боласи, билмаганлар Норбўтанинг полвони дерди. Аммо иккиси-да рост эди.

Пешин... пешиннинг пешинлигини билиш-да қийин пайт... Этагини йиғмаган куздан қаҳрланган қиш қиличини қибладан туриб яланғочлаган. Қор кишининг қовоғини-да очирмайди, очганда-ям ўн-ўн беш одим нари кўринмайди. Қулоққа от пишқириғи ва гангур-гунгур овоз эшитилади. Овознинг қор парчаларидай олис-олисдан келатганини пайқаш унчалик мушкул эмас. Гоҳ аниқ эшитилган сасдан гоҳо садоям бўлмайди. Яна бирпасда от дупурлари бўронда туртиниб ўчоққа ўт қалаётган, ош дамлаб, эт қайнатаётган аҳли Қизғалдоқнинг диққатини тартади.

Шу бўронда отасидан мирохур нисбасини мерос олган Ташкан кал элга дастурхон ёзиб мирохурлигига муносиб бўлмоқчи, юрт кезиб тотган нон-насибасини

Нурилло ЧОРИ

*1983 йилда Қашқадарё вилоятининг Яққабоб туманидаги Изиллоқ қишлоғида туғилган.*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Қатор ҳикоялар муаллифи.*

оқламоқчи, кўп қор кўриб, сочини оқартирган аламини кўкайдан суғуриб отмоқчи, эл олдида тўққизинчи қизини «улим» деб елкасига қоқмоқчи.

Ташкан босар-тусарини билмаган Бойсаридай бой ҳам, Бойбўридай шой ҳам эмас, ёнида маслаҳат бергувчи Я(Ё)ртибойи ҳам йўқ. Унинг бисотидаги бойлиги минг кўйлиникидан-да зиёда. Кўнглининг бениҳоя кенг-лиги, жўрабозу ошнабозлигини айтмаганда, Қалдирғочдек қизларидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Мирохурнинг элга ва Эгамга бир ёққан томони бордирки, шу кунда Галатепаю Терсотадан, Хўжасоату Сангижумондан, Қувкаллаю Бақаҳовуздан, Накурту Арпали даштидан от ўйнатиб, пою пиеда мисли бўрондай меҳмон ёғилляпти.

Кўз кўрар, товуш етар оралиқ масофа ташлаб ёш-яланг тизилган. Улар келгувчиларнинг отуловини ушлаб, тўй баҳона тикилган ўтовга чорлайди. Ўтовда Бухор мулла, Тиркаш кўса, Эшон Ташкан мирохурнинг қаватида меҳмонлар билан хушлашади, хешлашади.

Шу пайт кимдир ташқарида меҳмонлар талаш бўлаётганини айтди. Тиркаш кўса чўрт кесиб, бу меҳмонлар Қулмирзага (Қулмирзанинг ўзи бўлмаганда унинг исмига шайтон лақабини ҳам тиркарди) тобин эканини айтди.

– Хўв, Тиркаш бува, бизга кўноқ йўқми? – деб ичкарилади муртига қор инган қорувли йигит, унинг гапи тугар-тугамас.

– Меҳмоннинг ҳали қадами узилгани йўқ, – деди Эшон беписанд назар ташлаб.

– Сабр қилинг, эндигиси сизники, – деди тасбеҳ ўрнига бармоқлари бўғимини санаётган мулла.

– Учинчи марта шундай деганларингиз! Биз тўй берганимизда мирохур иззатли чавандозларни кузатган.

– Сиз ҳам иззатлисини кузатасиз, полвон, – деди кўса сийрак соқолини гўштор панжалари билан тутамлаб.

– Мирохурнинг қайси меҳмони иззатсиз экан?! Менга меҳмон беринг, бошқасини билмайман. Меҳмонсиз ўтовдан чиқмайман, – дея ўтириб олган йигит ўзимизнинг Бозирган чавандоз бўлади.

Бу тортишувлардан кўнгли кўтарилган Ташкан ташқарилади, одамлар орасидан сийлиқди. Кўзидан ёш қалқиб, тошди... Елкаси нортуюнинг ўркачидай силкинди, қайта-қайта учиб-учиб тушди...

Қор билан юзини ювиб қайтди. Ўтовни қуршаб турганларнинг суҳбати қулоғига илинди.

– Кўпкари бермаса, мирохурнинг мирохурлиги қаерда қолади?

– Кўпкари бўлмасаям кураш беряпти-ку!

– Энди, айтаман-да, отбознинг қилган ишини?

– Мирохур улли бўлсам, кўпкари бераман, кўпкарига Норбўта Шароф баковул бўлади, деб ният қилган экан. Бугун Норбўта Шароф қариган. Кўпкарига оралаши қийин.

– Ораламаса баковуллик қилиб бўлмасмикан?

– У баковул бўлган кўпкарида чавандозлар билан биртан чопган, дейишади.

– Мирохурга ҳалол билан ҳаромни ажратиб берадиган бошқа одам йўқ эканми?

– Бор. Раим оқсоқол.

– У ҳам қирчанғи чол-да, энди. Кейин, Норбўтанинг устидан от ҳайдамайди у.

– Нима бўлгандаям, отларнинг ўпкаси пишмайдиган бўлди-да. Кўпкари йўқ.

– Кўпкари бўлганда нима?! Полвоннинг тақимидан улоқни узиб оладигани борми?

– Балки Норбўта Шароф олишда Шаймардонга товоқни олиб бераман, деб баковулликка рози бўлгандир-а?!

– Шаймардон Норбўтасиз давраларнинг товоғини ҳам бировга бермаган. Кейин, фирромлиги бўлса, мирохур уни ошна тутмасди. Ташкан томоқ қириб тортишувни бўлди: – Мен Норбўта бува баковул бўлади, деганман. Шаймардонга зот бераман, деб олиш қилаётганим йўқ. Жонинг бўлса, элнинг ориман, Қизғалдоқ меники, деб кўкрагинга урсанг, полвон билан олиш, ол. Ўзим чиқсам уят бўлар... Меҳмонлар мирохур ноқис экан, полвонга зот бергиси келмай, бутига тармашди, демайдими? Ҳали йўлдаги кишига шунча гап. Тагин қулоғи қизиб, Норбўта Шароф биздан гиналамасин, бўзанинг полвонлари. – Ака, ғафлатда қолибсиз, оқсоқол бошли элсаройликлар Бозирган полвонниқига аллақачон кўноқ бўлди...

Шомга бориб бўрон тинди. Қибла қонталаш тусга кирди. Ерни қоплаган қор тўпикдан ошади. Ҳар қадамдан ғирчиллаган овоз чиқади. Совуқ суяк-суякка игна санчаётганига қарамай, барча бу кунги бўронни кўрмагандай, писанд этмагандай. Қишлоқда қанча ўчоқ бўлса, ҳаммасига ўт қалаяпти. Бу билан улар мирохурнинг тўйи, деб Тангрининг кўҳна иморатини қизитмоққа урингандай. Хуфтон кирди. Ойсиз, юлдузсиз, қор оқартган бир кеча. Кураш бошланишига илҳақ оломон баковулнинг овозига маҳтал.

– Биродарлар! Ташканбой бойлардан бой, беклардан бек йигит. Сазаси учун шайтоннинг бўйни узиладиган имонли, эътиқодли йигит. Худонинг ҳовлисида жонлиқни ҳаром қотирмаган. Ҳалоллаганини сизу менсиз тотмаган. Бугун бир баҳона билан барчамизни йиққан. Азалдан элга бераман, деган ҳотамтойнинг баҳонаси кўп. Нима бўлгандаям, «ўмганласам, суягувчи, қулоғим битса, ортимдан чақиргувчи, чўбин отимни етакловчи шу эл», деб билган мирохурнинг берганини ҳалоллаб, кўпнинг ризолиги билан оласиз, полвонларим, – деди ўрта бўй, юзидан нур ёғилган, овози ўктам бир чол майдонда туриб. – Даврада ҳалолни мен айтаман. Виждонини йиқитган фирром полвон бўлса, Элсаройни аҳмоқ қилмай келсин, тўйчининг «товоққа ташлайман», деган туяси билан жандасини ҳозир бериб юбораман.

– Номарду нокасни полвон деманг, ундайлар бизнинг орамизда йўқ! – ҳайқирди оломон.

Полвонларга Тангри таолодан куч-қувват, йигит пиридан йўл сўраган баковулнинг овози янада ўктамлашди: – Полвон, отингиз нима?

– Жолпон.

– Сизники-чи, полвон?

– Ортиқ.

– Ов-в, халойиқ. Ортиқ полвон билан Жолпон полвон элнинг катта полвони бўлсин! Ҳозир ҳам кам эмас, тиши бутун, ризқ-насибаси мўл, ўнгирини аёл тутмаган, кураги ер кўрмаган зўр полвонлар. Бу полвонларга тўйчи бир сўм пул, Ташман туя уч сўм пул, Тоштемир полвон бир чопон атаган. Ҳалоллаб ўйин кўрсатиб, олишсин. Нима дейсиз, қора кўзли қанотларим, – деб элга юзланди Норбўта Шароф.

Давранинг ҳар томонида меҳмон полвонлар Сайфининг салласича келмайдиган қишлоғи шаъни учун енг шимаряпти. Бир-бирини ботирим, деб майдонга ундаяпти. Аҳли Қизғалдоқ эса, бу курашда Шаймардондан бошқа полвон йўқдек, у билан тирашадиган бир мард излаяпти. Белидан мадори кетиб, кўзи тина бошлаган оқсоқоллар мурти сабза урган ҳар кишидан умидвор: термилди, тикилди, тамшаниб, милкини сўрди. Охири, ким майдондан мағрур қайтса, ўзларига жиклаб, қон-қариндош чиқара бошлади.

– Эшон, боя Йўлдош калнинг ули билан олишган ким?

– Кўса, кўзингга нима бўлган, изиллоқлик ўроқнинг боласи-ку!

– Ҳа, Тоштемир бекорга унга тўнини тикмаган экан-да. Улар тоға-жиянлашади-я?

– Мен билмайман, ўзлари билишмаса...

– Нима дегингиз, Эшон? – деб суҳбатга аралашган мулла дафъатан жойидан ирғиб турди: – Ўроқнинг ўзи қани?

– Арзининг уйига қўноқ тушган экан, иззатини қилмаганми, курашга қарамай кетибди. Мирохурнинг ҳам номига яхши бўлмади.

– Эшон, жиғилдон билан гапирманг. Бир юмуши чиққандирки, кетган.

– Улини олиштираман, деб келган одамнинг нима иши чиқиши мумкин, сўфитўрғай.

– Ўв, Эшон, тилингни тагидан тилча чиқармай Қулматни топ, шундан бошқа бари «оғироёқ».

– Шу сағирга бунчалар ишонмасангиз? Бори бир ялоқхўр бўлса, – деди Тиркаш кўса.

– Ошна, сизни элнинг кўса деганиям эъзоз экан-ку! Асли икки кўзи милтиллаган бир қоп гўшт экан-сиз... Менга Ўроқ керак. Сизларга керак бўлмаса, Қизғалдоққа керак! Ҳўв, Қулматбой болам, бери кел, Қулматбой, – деб бўғзига зўр бера бошлади мулла даврага термилиб турган жуссаси муштдек ўспиринга. – Болам, Қулматбой, Қулмуҳаммадбой, ҳозир Изиллоққа – Бўри тўпдан Ўроқнинг уйига борасан. Сиздан Ташкан мирохур хафа, де. Бормасангиз мирохурнинг кўп йиллик тугуни яна чийралиб қолар экан, дегин. Бухор мулла айтди, дегин. Майли, манови Тиркаш буванг билан Эшон бувангнинг

авлод-аждоди номидан гапирсанг ҳам майли. Чоп, тўйхонаю қўноқ тушган уйлардаги истаган отингни мин. Фақат Норбўта Шарофнинг тўриғига тегмасанг бўлгани. Чоп, болам. Чоп.

Ойдин кечада оппоқ қор узра от чоптириб бо-раётган йигитча ортидан Бухор мулла бир муддат қараб қолди. Сўнг қайтиб жойига ўтира олмади. Бу орада бироз сепсиб қолган, бир хил жуссали, бир хил қувватли полвонларнинг ўртамиёна курашидан зериккан давра Шаймардон полвоннинг чакмонидан тутишга ким журъат этишини кутарди.

Тик туриб полвонларга разм солаётган муллани тобора яқинлашаётган от дупури даврадан суғуриб олди. Оғзидан оппоқ буғ чиқариб, пишнаб турган отнинг жиловини маҳкам чангаллаганча, келгувчиларни: «Ўроқбой полвон, яхши келдингизми, сизни давра кутиб қолди-ку, шундай курашнинг ташлаб кетадими?» – деб қаршилади.

– Мулла бува, нимага бунча зарур бўлдим?

– Сиздан бошқа биров Шаймардоннинг ёқасидан ушлаёлмайдиган кўринади, иним.

– Эй, бу нима деганингиз бўлди? Мен олишга ишқибозман. Ўзим тенгим билан ҳам олишаман, тўғри. Катта полвонлар билан қачон олишувдим.

– Полвонжон, бунда Қизғалдоқнинг ори турибди.

– Қизғалдоқнинг ори бўлса, менга нима. Қизғалдоқ сизники...

– Нима десангиз ҳам мазоримиз бирлигини унутманг, – деб кўзининг ости билан қаради мулла.

– Мулла бува, оталар қабрини босиб ўтайдиган Кўкаманининг кўкайдан оламан. Лекин полвонни қишлоғингиздан топганингиз яхши эди.

– Полвон, ўзингиз оталар ётган жойни оёқости қилдирмайман, деб турибсиз-ку. Бошқа одам излаб нима қиламиз? Сиз бола эдингиз, билмайсиз. Отангиз, бу мазористонга Элсаройдан бир аёлни суягим, деб олиб келиб қўйганди...

– Эшитганман, мулла бува, эшитганман. У киши аммамиз бўлади.

– Эшитган бўлсангиз, уларни оёқости қилиб қўясизми? Шуларни билсангиз яна нимага терсланасиз?

– Майли, сиз айтгандек бўлсин, – деб чуқур нафас олди Ўроқ махсум.

– Кўрқманг, полвон, сизни Шаймардон йиқита олмайди. Айтганимдай бўлмаса, Бухор тилидан кофир дейсиз.

Даврада Шаймардон полвоннинг қўлини баланд кўтариб, талабгор излаётган баковулнинг қаватига юрак ютиб биров яқинлашмади. Бундан элсаройликлар қанча мамнун бўлса, қизғалдоқликларнинг боши шунча ҳам эди. Шу боис, Ўроқ махсумнинг даврага кирганини биров билмай қолди.

Норбўта Шароф Шаймардон полвоннинг талабгори Ўроқ полвон эканини элга эълон қилди. Уларнинг чакмони устидан баковулнинг ўзи белбоғ боғлади. Томошатабларнинг бутун вужуди кўзга айланган: лаб жуфтламай, киприк қоқмай давра-

га тикилади. Полвонлар аввал қўшқўллашиб саломлашди. Сўнг Шаймардон ўнгдан давра айланди. Рақиб унга эргашди. Бир-бирига юзланганча чап оёғидан ўнгини ярим қадам олдинга ташлаган полвонлар бироз энгашди. Гўё қанот қоқиб турган хўрозлардай бир-бирига тикилди.

Шаймардон полвон рақибига тикилганча... ўн яшар болага айланди.

...Пешиндагидек бўрон кўпган кун. Унинг пешонасидан бир одам ўпди. Маҳкам кучоқлаб, манглайини манглайига тиради ва: «Бу оламнинг савдоларини бир кун ўзинг ечасан, менга осон тутма, отангни ҳам кутма. Шу кунгача ғайридин олиб кетган бирор одам қайтмади. Кишининг молига тегинма. Қўлинг ҳалол, нима иш қилсанг-да, бир кун биз томонга Худойқул деб излаб бор. Етимни Яратган яхши кўради, бошини ёрмайди. Ўзингни эҳтиёт қил...» – деб, икки қоп сомон остидан фақат боши кўриниб турган оқ бурун, олақашқа саманга марҳумани юклади. Шаймардон биянинг ортидан йиғлаб чопди. Йиқилди, қорга ағанади. Шу ётганча олдинга тикилиб қолди. Тим қора дум қорда судралиб борарди...

Аввал сарбон, кейин бия, сўнг қорда қолган дум изи бўронда кўринмай кетди. Бияни етаклаб кетган одам – бодомқовоқ, қийиққўз, ўсик қош, кенг бурун, кулча юзли, буғдойранг одам эди. У қартайиш ўрнига ёшариб, кичрайиб, бугун қаршисида турибди.

Шаймардон бу одамни икки марта излади: аввал урушга кетиш арафасида дараклаб келди. Билдики, бия етаклаган сарбон элнинг муллеси экан, ўтиб кетибди. Онаси омонатини топширганида «уртиқ», «от-от» замон эди. Отаси ҳам шунинг қурбони эканини кейин англади. Иккинчи марта урушдан қайтгандан сўнг қидирди. Худойқулдан қорахат келди, деб эшитди. Шу билан тоға томиридан, она авлодидан умидини узиб кетди. Худойқулнинг эл ичра Ўроқ отини олганини эса, кимсадан эшитмади. Бугун у қаршисида!..

Полвоннинг қомати «дол» бўлди. Рақибининг ёқасини тутишга чоғланган қўллари тўқсонга тўқнашиб, асога кучи келмайдиган иликлардай шалвираб қолди. Бирдан ортига тисланиб, қўлини осмон қадар кўтарганча «курашмайман» ишорасини берди. Давра – хангу манг. Нима бўлганини ҳеч ким билмай қолди.

Осмон тоқидаги узун пардек булутнинг қишлоқ тепасидаги жойи тугунга ўхшайди. Гўё Сомон

йўлида бораётган «нортуялар» ҳориб, давра устида чўккан. «Йўловчилари» эл-улусни кузатган, кузатгану шу кузатишда жим тарқалаётгандек эди. Оломон ҳам қандай йиғилган бўлса, яна шундай тарқади.

Туни билан қўноқхоналарда Ўроқ махсум ва Шаймардон аминнинг тақдиридан гурунг қизиди. Қишлоқ аҳли бомдодда Шаймардон полвоннинг қабристонда қироат билан фотиҳа ўқиётганини эшитди.

Қизғалдоқдан қайтаётган отлиқлар орасида икки киши унсиз сўзлашдилар. Норбўта Шарофнинг кўзлари «олишганда отангни аяма, дейишарди. Бу ёғи қандай бўлди, Шаймардон?» деганини уққан полвоннинг кўзлари «Бир кун бу танни тупроққа топширар бўлсам, манзил-маконимга қўяр одамнинг қандай ёқасидан олай, оқсоқол?» дерди.

Оқсоқол бўлса кўнглида, «Полвон, сен эмас, мен йиқилдим. Умримда бировнинг ёқасидан олмаган, кишининг ёқасини жуфтламаган мулладан йиқилдим-а! Мулладан! – дерди. – Давраларда юрсам-да, бақириб-бақириб турсам-да, қарибман... Қарибман-да, а? Бир алдаркўса мениям, сениям, бизга қўшиб тоғанғиям йиқитди. Энди у бу гапларни тўйлардаги давраларда эмас, азада ҳам қироат қилиб ўқийди. Шуни айтиб ўтади... Уҳ, оқ чалворли, кўнгли қора кас...» Маҳзун суҳбат тилга кўчиб, кўнглига чўкиб борарди:

– Оқсоқол, бу оламда тоға нега бунчалар мукаррам?

– Полвон, бу оламни-ку қўятур, зимистон, қоронғу лаҳад тўққан жиянни тўрга ўтқазиб сийлаган ҳам юраги ёлдор баҳодир тоға эди-ку! Эр йигитни гўрдан олиб тахтга чиқазгани учун лаҳадга қўйиш ҳам унинг зиммасида қолгандир, балки. Элсаройда Норбўта Шароф бўлсам-да, улар нималарга таяниб яшайди, билмасам, полвон.

Оқсоқол узоқларга кўз тикиб, карвонга, карвоннинг эмас, Жонузоқ арабнинг йўлига қарарди. Қани энди, у кўринса. Келса-ю, кўрган-кечирганидан айтса. Норбўта ҳам кўнглининг черини ёзса, ёзса-ю, дилида бирор тугун қолмаса, чув тушган алами қалбини тирнамаса, кўкайида ҳам, карвон йўлларида ҳам чечаклар кўкласа, бу олам кўм-кўк бўлиб, кўкариб кетса... Олам яшарса, Норбўта Шароф ёшарса, Шаймардон эмас, мен олишаман, деб даврага отилиб кирса... Эҳ, қани энди шундай бўлса. Шундайлар бўлса...





Н. Нигоҳ  
Нигоҳ Нигоҳ  
Нигоҳ



Зилола НАМОЗОВА



## ПОЭЗИЯ ЁХУД ШЕЪР УМРИ

*Сўз – маҳзаннинг нишонаси ҳам,*

*Маъни дурининг хазонаси ҳам,* – деб ёзган эди Мунис. Шеър бир булоқдирки, унда сўзлар қайнайди, ҳислар мавжланади. Шоир борлиққа руҳ кўзи билан қарар экан, ундаги яратилардан ўзини, ўз ички оламини, руҳий ҳолатини ахтаради. Бу – барча ижод оламидагиларга дахлдор бўлса-да, шоирлар бошқаларга қараганда кўпроқ кўнгли билан “ҳисоблашиш”га мажбур. Шоир бир пайтнинг ўзида, оламга рассом нигоҳи билан боқиши ва айна дамда дизайнер каби туйғуларидан шеър “тикиш”и лозим. Ҳар қандай қофияли сўзлар тизмасига шеър деб айтилади, деган қоида яратиб олган айрим шеърпарастлар қоралаётган “рангсиз сурат”лар бундай нигоҳдан бутунлай ҳоли. Асл шеър на замон, на макон танлайди. Адабиёт – улуғ мактаб. Ижодкорлар эса ундаги ўқувчилардир. Адабиёт мактабидаги синфлар эса ундаги йўналишлар бўлиб, буюк мактабда поэзия алоҳида бир синф. Бу муқаддас маскан миллат ажратмайди, ёш танламайди. Фақат истеъдод ва теран нигоҳ талаб этади, холос.

Буюк асарлар ўлмас ғоя, ўзгармас фалсафа ва бетакрор тасвир асосида туғилади. Классик асарларимизнинг абадийликка дахлдорлигига сабаб ҳам ана шу қонуният асосида яратилганлигидир. Ҳар бир нарсада ривожланиш, ўсиш бўлганидек, бугунги давр адабиёти, хусусан, шеърятда модернизм юз очаётганини кўрамиз. Кўпчилигимизга бу йўналишда тушкунлик, қоралик атри уфуриб тургандек туюлади. Шу баҳона билан улардан воз кечмоқчи ҳам бўламиз. Эҳтимол, тафаккуримизни зўриқтиргимиз келмас.

Маълумки, адабиётда, айниқса, шеърятда туйғуларни сўзда чизиш талаб этилади. Насрдан фарқли ўлароқ поэзияда воқеа эмас, руҳият тасвири етакчилик қилишини ҳисобга олганда, модернизмнинг бугунги шеърятимиз учун кераклигини тан олишимиз лозим. Модернизмнинг ҳаётда бўлмайдиган муболағали тасвирлаш усули энг некбин кайфиятни, инжа туйғуларни сўзда чизиш ва ундан китобхонни завқлантира олиши жиҳати билан аҳамиятли ва айна пайтда қадимийдир. Энг яхши шеър – энг ёлғон шеър, деган нақл эса гўзал шеърнинг жимжимасиз бўлмаслигини таъкидлайди.

Классик ва модернизм шеърятининг ўхшаш жиҳатлари талайгина. Масалан, Навоийнинг тилларда машҳур бир байтига эътибор қаратайлик:

*Оразин ёпқач, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч куёш.*

Мазмуни: Ёрнинг юзини яшириши менинг кўзимдаги ёшларнинг сочилишига сабаб бўлади. Бу – худди куёшнинг пинҳон бўлиши (ботиши) билан осмонда юлдузларнинг пайдо бўлиши янглиғдир. Нақадар гўзал ўхшатиш! Бу байт “сенсиз кунларим қоронғу” деган жўн бир гапнинг бадиий ифодаси, аслида. Бироқ Адабиёт – ошкоралиқдаги ошкорлик эмас, шу жиҳати билан реалликдан фарқланади.

XX аср рус шеърятининг буюк дарғаларидан бири Константин Балъмонт “Шафақ гуллари” шеърда некбин кайфиятини ифодалар экан, “шафақ ранглар – қайтмас шуълалар”га мурожаат қилади. Куёш шуъласидан лаъл каби қизарган булутлар, димиққан кенгликлар, ҳансираган ўрмонларни “теран” ҳасратлар исканжасида тасвирлайди:

*...Кенгликлар димиқар, ўрмон ҳансирар,  
Теран ҳасратларга тўлиб бу маҳал...*

Айна дамда шоир лирик қаҳрамонидаги ички кайфиятни “қизарган булутлар”, “ҳансираган ўрмонлар” воситаида ифодалаган.

*Зиҳи, ҳилолинг ўлуб ой бошига тиғи бало,*

*Бир олмасиз икки ёрғон сену куёш масало,* – деб ёзар экан Алишер Навоий, ёрни куёш билан бир бутун олманинг икки қисми деб тасвирлайди. Бу ўринда сўз санъаткори ёрнинг юзини куёшга ўхшатиш билан чегараланса ҳам ташбиҳ бўларди, аммо Навоий юқори даражали топилма яратади, энди ёрнинг фақат гўзаллиги эмас, балки “қуйдириш” сифати ҳам кўшилади ва ўқувчи бу байтдан бир неча маъно ўқайди. Ёки шоирнинг яна бир кашфиётига эътибор қилайлик:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монё  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.*

Ушбу байтда шоир умр нақадар ўткинчилиги, хазон лашқари, яъни, ўлим келгач, унга чора йўқлигини ўқтиради. Юқоридаги байтга ҳамфикр тарзда:

Зилола НАМОЗОВА

*1990 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Қарши Давлат университети ўзбек филологияси факультети талабаси*



*Тўқилар ўйларим қўлимдан қумдек,  
Оёғим остидан сирғалар ёшлик, –* деб ёзади рус шеърятининг кўзга кўринган вакили Николай Рубцов.

*Қатра су ичра, дегайким, барға гулнинг аксидур,  
Қатра қоним рангини ким кўрса ул пайкон аро, –* деб ёзар экан яна бир ғазалида Навоий, гул ва унинг барги сувда ўз аксини кўрсатар экан, менинг қонимга бўялган пайконни эслатади ва бу менинг кўз ёшимда акс этган, демоқчи бўлади шоир.

Дарднинг суратини, аламнинг аксини сўзда чизган Анна Ахматова эса:

*Дарёда муз қарсиллар ногоҳ,  
Осмон гўё недан зададир... –* деб ёзади бир шеърида. Европа адабиётида, хусусан, рус шеърятинида ички туйғуларни табиат тасвири билан омухта тарзда акс этириш етакчилик қилади. Модернистик руҳдаги шеърлар оҳанг эмас, сўз деб аталган буюк қуроли билан қалб деворларини бузиб, ундаги ҳисларни ўққа тутаяди ва юракда ғалаён – зилзила қилади. Ана шу туйғулар силкинишидан китобхон лаззатланади, ширин оғриқ туяди. Бу йўналиш ўзбек адабиётида Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон каби сўз усталарининг ижодида янада гуллаб яшнади. Шавкат Раҳмон бир шеърида шундай ёзади:

*...Майсаларни тараб, парвозга  
Шайланади чексиз далалар.  
Ўспиринлар қучоғида маст  
Қирда асир тушган лолалар.*

*Богларда оқ аланга гурлар,  
Телба қилар шамоллар иси.  
Гилос гулин кийган кўчада  
Оқиб борар қизлар кулгиси.*

Далаларнинг парвозга шайланиши, кўчаларнинг гилос гулини кийиши, кўчаларда қизлар кулгисининг оқиши каби ташбиҳлар баҳорнинг нақадар шаддодлик билан кириб келиши ва борлиқни ўз измига бўйсундириши, оламни гўзалликка буркаши каби табиат мўъжизасини сўзда тараннум этар экан, шеърхон баҳор ҳавосини сўз тароватида ҳис этади. Яна бир шеърида эса:

*Ой гуллади. Осмон тоқига  
Юлдузларни кимдир қоқайди.  
Ўзанларда сокин тўлғаниб  
Тағин қуюқ кундуз оқайди, –* деб ёзади шоир. Ойнинг гуллаши, юлдузларнинг қоқилиши, қуюқ кундузнинг ўзанларда оқиши каби тонг отиши арафасидаги манзаранинг жонли тасвири кишини ҳайратлантиради. Бундай тасвирлар биров ғализ ёки тушунарсииздек кўринади, аммо жонлантириш ва маъно кўчиришнинг бундай усуллари реал воқеанинг образларда жонли тасвири яратиш имконини беради. Ёки Шавкат Раҳмон “Инсонлар овози” шеърида инсониятни бирдамликка чақирар экан, ўз ўй-хаёлларини “тиконли фикрлар ичра руҳимиз” дея жонли тасвирлайди.

Рауф Парфи лирикасида ҳам СЎЗ ўзгача жаранглайди:

*Қалқиб-қалқиб қўяди қараб,  
Табассумлар ёзилган тупроқ.  
Чапак чалиб, сочини тараб  
Бош ювади бир ҳовуч япроқ...*

Шеърни ўқир экансиз, ундан ёмғирдан сўнг тупроқдан тараладиган ажиб тароватли ҳид анқийгандай бўлади.

Заргар рангин тақинчоқлар ҳосил қилгани каби “сўз заргари” ҳам туйғуларидан шеър “ясар” экан, унга бетакрор ташбиҳлар, янги топилмалар билан жило беради. “Туйғулар заргари” – Ўроз Ҳайдарнинг жаҳон адабиёти ва классик адабиётимиз таъсирида юз очган лирикасида ҳислар ўзгача бўй таратади:

*Ҳавони чайнайман – бўғзим тўла буг,  
Хаёлда юлдуздан ясайман маржон.  
Оғзим-қон, кўксим – қон, зирқирайди жон,  
Ичимда ҳилпирар лекин қутлуғ туг.*

Ишқ тараннуми аксланган бу сонет парчасига гўё ишқ оловининг чўғи кафт босган каби, мисралардан ёрқин ўт зим-зиё кечани ёритгани тасвирини туямиз. Бўғзининг буғланиши – изтиробнинг кучидан, ишқ ўтидан. Лирик қаҳрамоннинг оғзи ва юраги қонга тўлишини эса оловнинг юқори қисми қизғиш бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Ошиқнинг ички оламида қутлуғ туғнинг кўтарилиши, шубҳасиз, ишқнинг поклиги ва мағрурлигидандир.

Яна бир сонетида :

*Муҳаббат ўлпонин банда тўлолмас,  
Ишқ юртида бизлар ғариб фуқаро, –* деб ёзар экан шоир, ишқ ўлкасига инсоният ҳаммаша тобе эканини таъкидлайди. Бу мисралар афоризмга айланган ушбу машҳур байтга ёдга солади:

*Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт.*

Ушбу тасвир ўзини ожиз ва нотавон ҳис этувчи ошиқ кайфиятини ҳам ифодалаган.

Шоир ишқдан мажнун қиёфасига келган кўнглига муурожаат қилиб:

*Шабнам оташида туғилгай қуёш,  
Музлар эригайдир тўкканинда ёш-  
Сув тубида тошлар ўйинга тушур,  
Само раққосаси ҳайратдан беҳуш, –* деб ёзади яна бир сонетида. Қуёшдан томаётган зарралар шабнамга сингар экан, ана шунда у илк бор оламни кўради. Нурнинг туғилиши, аслида қуёшнинг туғилиши эмасми? Кўнгил султони бўлмиш ошиқ кўз ёш тўкканида, ишқ ҳароратидан оқаётган бу ёшларнинг қайноқ тафти совуқда қотган муз эритишга қодир. Ҳаттоки, унда тошлар шундай раққосаси, само раққосаси беҳуш йиқилади – ожиз қолади... Ишқ сурати нақадар бетакрор бўёқда чизилган! Ишқ – буюк бир қудратки, илондек бағринга кириб, сўнгра аждардек вужудинга ўт пуркайди. Ишқдан телба кўнгилига ишқнинг сийратини билишга қодир. Ишқ ҳароратидан куйган бу мисралар кўнгилига симобдек оқиб, кўрғошиндек қотиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, шоир қандай йўналишда ёзишидан қатъий назар, аввалдан мавжуд туйғуларни мавжуд бўлмаган усул билан, маълум бўлмаган рангларда сўзда нақш этиши лозим. Акс ҳолда Чўлпон назарда тутган “бирхиллик” давом этаверади. Чаренц “Шоирлик не?” шеърида уни “Ҳарорат, ҳарорат, ҳарорат!” дея таърифлар экан, Шавкат Раҳмон “Ёш шоирларга” шеърида шоирларга “чақилмас тошлардай бир тоғлар қолсин!” дея хитоб қилади. Яхши шеър замонларнинг араваси остида янчилса-да, бутун қолиши, яъни ўз қиммати ва сифатини йўқотмаслиги лозим. Асл шоир эса совуқдан “куйиш”и, иссиқдан “музлаш”и керак. Ана шундагина шоир номи айтилганда китобхон кўз ўнгиде шеърда чизилган сурат бўлиб шоир жонланади. Зотан, шеърда шоир яшайди.



## Хурибўйи насими таралар дилга

### САРДОБА

Чўнг кафтида сув узатган сардоба,  
Чанқоғини қондирган кў-ўп карвонлар.  
Бундан ўтган фотиҳ, лўли ароба,  
Хотирага чўкиб кетган давронлар.


Бунда келган тунда ой сирлашгани,  
Чўпчак айтиб кетган қанча бўронлар.  
Мана шу йўл, тупроққалъа ватани,  
Юрагининг бир парчаси карвонлар.

\* \* \*

Эски қишлоқ, эски хотира,  
Ишком... сўри... баҳру байт ёди.  
Олов бўлиб ёнарди мисра,  
Фаришталар айлар сир – жоду.

Туйғуларим қишлоқда қолди,  
Сени шаҳар олиб кетганмиш.  
Армон мени бағрига олди  
Ва айлади девона дарвеш...

Ҳали-ҳануз ишком тагида,  
Ғамим майга солиб ичаман.



Яраланган қуш аҳволида,  
Ҳар кун тушларимда учаман.

\* \* \*

Оромимни ўғирлар тунлар,  
Деразамдан ой мўралайди.  
Деворсоат... айланар миллар,  
Ғафлатни бир четга қувлайди.

Туйғум тутқич бермайди асов,  
Узо-о-оқларда чақнайди чақин.  
Юлдузчалар пастлаб келдиёв,  
Сир айтгани ёнимга яқин.

Қувлашмачоқ ўйнар шамоллар,  
Япроқчалар чалади чапак.  
Мижжса қоқмас бу кеч хаёллар,  
Деразамда ёришар фалак.

\* \* \*

Эски қишлоқ...  
Ёшлик ўтган кез,  
Бирам сўлим, бирам беғубор,  
Хотиралар ташлаб ўтар из,  
У кунларда йўқ эди губор.

Чинни осмон...  
Пистоқи дала,  
Орзулардан ясалган варрак.  
Эргаштириб бир гала бола,  
Аттор лўли чалади хуштак.

Сўқмоқларни қучган майсалар.  
Олиб борар болалик томон.  
Ариқ лаби...  
Кумуш жийдалар,  
Кутиб олар эски қадрдон.



Чархпалакнинг пақирчасидан,  
Обихаёт қуйилар гулга.  
Шўхликларнинг ҳур кўчасидан,  
Хушбўй насим таралар дилга.

Йиллар карвон...  
Бобо ҳам бўлдим,  
Неварамга эртак сўзлайман.  
Унинг чақнаб турган кўзидан,  
Ўтган ёшлигимни излайман...

## ДАРАХТЛАР ҲАМ

Дарахтлар ҳам одамга ўхшар,  
Фурури бор, қаддин тутар тик.  
Тилёглама хушомадгўйлар,  
Мажнунтолдек бошлари эгик.



\* \* \*

### Вафо ФАЙЗУЛЛОҲга

Дўст дийдори...  
Орзиқар кўнгил,  
Кўз олдимда иссиқ истара.  
Согинчларим қараб қолар йўл,  
Шууримда тансиқ хотира.

Жонланади дарвешли дунё,  
Кўзларимга йўғрилади нур.  
Тушларимга кирар ажсабо,  
Хурлар билан сирлашган бир ҳур.

Согинаман, йўлга қарайман,  
Дўстга чанқоқ юрагим мустар.  
Баҳоримдан уни сўрайман,  
Келар,  
Келган қуни турналар...

\* \* \*

Ой нигоҳин ташлайди,  
Тун эртагин бошлайди.  
Шохда ухлар қушчалар,  
Кўриб ширин тушчалар.  
Сувда ўйнайди шуъла,  
Сой бошлайди ашула.  
Хувв гужжа юлдузчалар –  
Жовдираган кўзчалар.  
Чириллайди чирилдоқ,  
Зулматга солиб титроқ.  
Ҳилтирар япроқчалар –  
Кўкдаги байроқчалар.  
Ой нигоҳин ташлайди,  
Тун эртагин бошлайди...

\* \* \*

Ҳаммаси ўтади,  
Кувонч ҳам, гам ҳам.  
Жилгалар дарёга,  
Бориб қуйилар.  
Фақат қолар экан  
Бўлиб мукаррам,  
Юракдан отилиб  
Чиққан туйғулар.





Асад АСИЛ  
Асад АСИЛ  
Асад АСИЛ



Асад АСИЛ



## ТАШНАЛИК

### Ҳикоя

Арслон чол бир кам саксонга борганида кампир бандаликни бажо келтирди. Кутилмаган бу кулфат, бемаврид жудолик ўн йигитга ўрнини бермай юрган қарияни довдиратиб қўйди. Отанинг назарида гўё ўзи қатнашиб юрган давралардан бирдан файз кетди, бу олам ҳувиллаб бўшаб қолди. У уйдан чиқмай қўйди, хатто чойхонага киришни ҳам тарк этди.

Арслон ота йўқлиги учун тенгқурлар орасида мудом давом этиб келган аския, ҳазил-хузул ҳам ўз-ўзидан барҳам топди, давомли, қизгин суҳбатлар совиди. Ёлғиз ўзи уйига қамалиб, нортуюдек чўкиб ётган чолни тенгқурлари келиб, давраларига чорлар, қария эса кескин рад этиб, “Ҳар нарсанинг ўз вақти бор”, деб қўярди...

Ҳамма томондан “қўлни ювиб қўлтиққа урган” ота бир масалада жуда қаттиққўл эди. У яккаю ёлғиз ўғлини зир югуртириб, кампирининг барча расм-русумларини вақти-вақтида, кўнгилдагидек қилиб ўтказди. Келдикетдилар тийилиб, қўллар бўшагач, ота ўғли ва келинига рухсат берди. Бола-чақаси билан шаҳарга қайтиб борганига бир ҳафта бўлмаган эди, ота ўғлини зудлик билан яна чақиртирди. “Ишқилиб тинчлик бўлсин-да!” Автобусга сабри чидамай, такси ёллаб, ҳадиксирай-ҳадиксирай етиб келган Жавлон отасининг жиддий гапи борлигини дарров сезди. Негаки, чол гапини мақолдан бошлаганди.

– Ўйчи ўйлаб бўлгунча таваккалчи ишини битиради, ўғлим, – деди соқолини дамба-дам силаб қўяётган отаси Жавлоннинг кўзларига тикилиб. – Мана, кунлар ҳам жўнашиб кетди. Энди буёғи ёз, уйни сал кенгайтириб олсаммикан, девдим...

Жавлоннинг хаёлида ҳозир яшаб турган шароити, уй аҳволи жонланди. У кута-кута эндигина орзусига эришган, шаҳарнинг чиройли қисмида қурилган уйлارнинг биридан тўрт хонали квартира олганди. Квартираси иккинчи қаватда, болаларининг кичиклари ёнгинасидаги боғчага борарди. Хотини ўқитувчи, мактаб

ҳам чақирса овоз етадиган жойда. Тўнғич фарзандлари, хотини билан қийналмай, ўқишга бориб-келиб туришибди. Уйи шаҳар марказида жойлашгани учун келди-кетдилар кўп. Қишлоғидан шаҳарга тушганларнинг аксарияти Жавлонларникига қидириб боради. Хотини Муҳайё шаҳарда туғилиб-ўсган, жуда одамохун, келган меҳмонни ош билан сийламаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Хуллас, иккинчи маош қўлга теккунча, биринчиси силлиққина бўлиб қўлдан чиқиб туради. Эски уйларни бузиб, ўрнига янги иморат турғизишнинг ўзи бўладими!..

– Ҳа, мум тишлаб қолдинг? – ота Жавлоннинг кўнглидагиларни уқиб тургандек зарда билан давом этди. – Сендан бир мириям сўрамайман. Онанг иккимиз ўлимликкаям, уй қурамыз, деб бунгаям етадиган маблағ тўплаб қўйган эдик. Раҳматлик, янги уйни, болаларини бағрида қўришни орзу қила-қила ўтиб кетди. Уйни янгиласак, кўчиб келсанг, онангниям руҳи шод бўлармиди.

Жавлонни энди қишлоққа кўчиб келиш ваҳимаси босди. У уйланиш олдидан Муҳайёга: “Умрбод шаҳарда яшаймиз”, деб ваъда бериб қўйганди. Болаларининг боғчаси, мактаби нима бўлади? Бу ерда эса... боғча кўп йиллардан бери қурилиб-қурилмай ётибди. Мактабда ҳам таълим-тарбиянинг мазаси йўқ, дейишади. Буёғи қандоқ бўлди?! Йигитнинг хаёли охири йўқ калавадек чувалашиб кетди.

– Мундо-о-оқ кўнглингдагини гапирсанг-чи, тилинг борми ўзи?! – деди ота чинакамига жаҳли чиқиб.

– Қайдам, ўйлаб кўрармиз...

– Э... сенга қолган куним шу бўлса!..

Арслон ота этагини қоқиб, ўрнидан туриб кетди. Йўл-йўлакай кетмонини қўлига олди-да, орқа эшикдан чиқиб, бора солиб, эски томни чангитиб очаверди. Отанинг меҳри каби қаҳри ҳам қаттиқлигини яхши билган ўғил унинг ёнига қайта йўлай олмади-да, орқа эшикдан чиқиб, секингина шаҳарга жўнаворди...

Асад АСИЛ

Асад АСИЛОВ (Асад Асил) – Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида таваллуд топган. “Лочин”, “Қувонч”, “Меҳр”, “Тоғликлар” каби кўплаб китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

– Дадам соғ-саломат юрибдиларми, қариндошлар тинч-омонми? – ҳар доимгидек дарров суриштирди, хушбўй мошкичирини дастурхонга қўяётган Муҳайё.

– Ҳа, – истар-истамас жавоб берди Жавлон қовоқ-тумшуғи осилиб. Одатига кўра, Муҳайё гапни тўхтатди. Эри уйга хафа ҳолда қайтган кезларида, “ўпкасини босиб олгунча”, у индамас, ўз ҳолига қўйиб берарди. Болаларни ҳам боғчадан ўзи олиб келди. Ҳар кунгидек, бир амаллаб озгина овқат едирди, дам ялиниб, дам уришиб, зўрға ухлатди. Жавлон девор томонга ўгирилиб олганча, ҳар замон-ҳар замонда “ух” тортиб, миқ этмай ётаверди. Унинг уйқуси ўчиб кетган, отасининг ғамгин ва жаҳлдор қиёфаси, ораларида бўлиб ўтган қиска ва кескин суҳбат хаёлидан сира ўчмасди.

Ошхона юмушларидан қўли бўшаган Муҳайё, хоналарнинг чироқларини ўчирди-да, келиб эрининг ёнига оҳиста чўзилди. Жавлоннинг юрагидаги дардни тахминан тушуниб, паст ва майин овозда кўнглидаги гапларни айтди:

– Адажониси, дадам бояқишга ҳам қийин бўлди-да! Қариганда қадрдонларидан айрилиб ёлғиз қолди. Бир ўйлаб кўрсакмикан? Агар сиз рози бўлсангиз, қишлоққа...

– Ҳа, энди сеники етмай турувди! Қишлоққа кўчайлик демокчимисан?! Кўчмайман, эшитдингми, кўчмайман! Нима, пешонамга яккаш сарсон-саргардонлик битилганми? Ёки мени синаб кўряпсанми, сир олмоқчимисан?!

Жавлон сакраб туриб, диванга ўтирди. Стол устида ётган сигаретдан олиб тутатди. Уни ташлаб, бошқасини чекди.

– Ҳай, ҳай, намуноча дағаллашиб кетмасангиз, - майингина кулимсираб ўзини оғирликка олди Муҳайё. – Янги танишганимиздаги анави гапларни айтяпсизми? Тўйгача ваъдаларнинг кўпиги кўп бўлади. Сиз биттагина ваъдангизни бажармай қўя қолинг! Мен бунга ҳеч қачон юзингизга солмасликка сўз бераман. Ахир ўйлаб кўринг, шаҳардан қишлоққа борсак, нимани ҳам йўқотардик! Мен ўқитувчилигимни қилавераман, сиз иқтисодчилигингизни. Қолган кам-кўстларни бирга битириб олаверамиз-да... Қани, буёққа ўгирилиб, бир жилмайиб юборсинлар-чи!

Жавлон Муҳайёнинг гапларини жон қулоғи билан тингларди-ю, унинг кутилмаган бу таклифига ишонқирамай, зимдан қараб-қараб қўярди.

– Келинг, муғомбирликни қўйинг! – Муҳайё овозини бир парда баландлатди. – Ўзингиз ҳам жон-жон деб турибсиз-у, тарангликка бало борми! Ичдан пишганлик сизга ярашмас экан! Ўн йилдан бери бирга яшаб, хотинингизни ҳалиям синамадингизми? Буёғини билмоқчи бўлсангиз, бағри кенг қишлоқ ҳавоси, одми одамлари менгаям ёқиб қолган. Ёқиш ҳам гапми, обдон боғланиб, ҳавасмандман шу жойларга!

Жавлон индамасди-ю, Муҳайёнинг назарида, эрининг юзи ёришиб, чиройи очила бошлагандек эди. Жавлон ўрнига ётиб, хотиржам уйқуга кетганидан кейингина Муҳайёнинг кўнгли жойига тушди.

\* \* \*

Пешонасини рўмолча билан танғиб олиб, тупроқ босиб қолган шох-шаббаларни ажратаётган Арслон отанинг кўзи бир зум тиниб кетгандек бўлди. Қаттиқ ташналикни ҳис этиб, нарироқда турган човғум жўмрагини оғзига тутди. Човғумнинг қопқоғи кесаклар орасига тушди-ю, чолнинг оғзига бир-икки томчи томди холос. У сувни аллақачон ичиб бўлган, қолган-қутгани ҳам иссиқда буғланиб кетган эди. Отанинг шу дам жуда кўнгли тушиб кетди, бирдан дармони қуриди. Ногаҳон кампирини кўмсаб, бирдан йиғлаб юборай деди-да, жовдираётган кўзларини узоқ-узоқларга тикиди. Олис-олисида қишлоғи сари ғизиллаб келаётган машиналар кўриниб турарди. Чол улардан кўз узолмай қолди, чуқур хўрсиниб қўйди. Тўнғич невараси билан истараси иссиқ келини кўз олдига келди. Қулоқлари остида кенжа неварасининг қичқириғи эшитилгандай бўлди, бўйнига чирмашган жажжи кўлларини ҳис этди. Афсуски...

Дармонсизланганидан тиззалари қалтираб кетган ота қалқиб, кесаклар уюми устига ўтириб қолди. У катта йўлдан бурилиб, маҳалласи томон яқинлашаётган машинадан кўз узолмасди. Гўё бир зум қарамай қолса, йўқотиб қўядигандек, киприк қоқмай ўтирарди. Машина сеҳрланган каби Арслон ота уйи томон бурилди. У қиялиқдан вағиллаганча чиқиб келиб, ариқчадан бир силтаниб ўтди ва дарвоза яқинида тўхтади. Кабина эшиги очилиб, жингалак соч, қоп-қора юзли шофёр сакраб тушди.

– Ҳорманг, бобой, юракдан ҳам бор экан-да, а? Бир ўзингиз кўрқмасдан ҳамма уйларни бузиб ташлабсиз!

Ота шофёр билан ўрнидан турмасдан кўришди, индамасдан қандайдир илинж билан унинг оғзини пойлади. Шофёр чолнинг қўлини қўйиб юбормай туриб сўради:

– Ота, ветврач Турсунбой аканинг уйи қаерда? Жуда керак бўлиб қолди.

Чолнинг гапиришга мадори қолмаганди, қўли билан юқори маҳаллага ишора қилди. Машина ўтиб кетгач, ота титроқ бармоқлари билан човғум дастасидан оҳиста тутди, ўнг қўлига таяниб, ўрнидан аранг турди, бошини қўйи эгганча, ариқ томонга жўнаган ҳам эдики, ортида машина тўхтади. Аранг ўгирилган отанинг ажинлар қуршовидаги кўзлари порлаб кетди. Машинадан тушган йигит ўғлига, сумка кўтарган аёл келинига ўхшарди. Болалар ҳам неваралари шекилли...

– Бобом, бобожоним!

Тўнғич невараси Лола чопганча келиб, бобосининг бўйнидан қучди, юзларидан чўлп-чўлп ўпди.

– Эй, Худо, борингга шукур, кўрсатганингга шукур, – шивирлади ота ташналиқдан қақшаб кетган лаблари билан. Қария қоқсуяк, қалтираётган бармоқлари билан неварасининг сочларини силаркан, серажин юз-кўзларига ёпишган чангда из қолдириб томчилар думаларди. Бу терми, кўз ёшларими... библи бўлмасди.



## Субҳи розлар мужда кутдими насиллардин

### ОШИҚ ЭТМИШ

Ул ёрким сафти соҳир рухсори ошиқ этмиш,  
Қарашларинда зоҳир асрори ошиқ этмиш.

Кўкларда эрур шаъни, файзиёбдур гулиани,  
Ор йўлинда жон-тани нисори ошиқ этмиш.

Бўлса ҳатто бир онлик васли дилга комронлик,  
Ярашади султонлик виқори ошиқ этмиш.

Муҳаббат тилида най, куйлаётир пайдар-най,  
Минг йил ҳам тўқилмагай оҳори ошиқ этмиш.

Ошиқлигинг – тилло тож, бўлса арзир жон – хирож,  
Чорлагай аришу меърож, узори ошиқ этмиш.

\* \* \*

Кимки Ҳотам, кўнглига уммон насиб,  
Қилса торликдан хазар, осмон насиб.

Қайси дил покиза бир суҳбатталаб,  
Покланиб очса эшик, меҳмон насиб.

Чархланиб куч топғуси кун-кун сабот,  
Ииқи комилларга гар ҳижрон насиб.

Ўртанур жон фидойи ошиқ учун,  
Қайтса ёрдин хиёнат, ёлгон насиб.

Муҳаббатни хор этар ким, нобакор,  
Умрининг боричадур пушмон насиб.

Яхшиликка зор бу очун, яхшига,  
Беназир ҳурмат бўлар осон насиб.

Қаҳридиллик не учун, дилга баҳор,  
Ярашгай найсон насиб, бўстон насиб.

Меҳрибонлар кўп эса, юртнинг юки  
Ерда қолмас, дардига дармон насиб.

Эй Замира, ёр азиз, андин Ватан,  
Азизроқ деб сев, сенга имон насиб.

### СЕНИНГСИЗ...

Ифор қани, гулзор қани сенингсиз,  
Танимайди гуллар мани сенингсиз.

Лолзорлар ловуллаши на даркор,  
Ёндирмаса гар гулхани сенингсиз.

Ошиқман деб гул тутган кўп, во дариг,  
Ёр деёлмам ҳеч биттани сенингсиз.

Гаҳи армон, гаҳи согинч чулгагай,  
Умримдаги ҳар лаҳзани сенингсиз.

*О-ю офтоб илинса-да шифо нур,  
Тузатолмас мен хастани сенингсиз.*

*Юзлашганда ёраб, юпанч тутолмас,  
На Андижон, на Тошкани сенингсиз.*

*Сенга-ку бахт тилагайман, валекин,  
Бахти кулмас Замирани сенингсиз.*

### **БИР ГЎЗАЛ БОР**

*Бир гўзал бор, сочин ёйса, қуюқлашиб кетар тун,  
Гар офтобга юзин чайса, тиниқлашиб кетар кун.*

*Бармоқлари чертса соз, оҳангга айланиб ноз,  
Аллалаб элитгайдир, кўнгилни сирли афсун.*

*Ювилиб араз, гашилар, юмшаб бородир тошлар,  
Кечаги кўзи ёшлар, бўлолмас бугун маҳзун.*

*Кўпаяди яхшилик, сепин ёяр яшиллик,  
Мухаббатга бош эгиб, яшарар кўҳна очун.*

*Сеҳрга, ўтга тушдим, ошиқ деб хатга тушдим,  
Ул гўзални Лайли денг ва мени атанг Мажнун.*

\* \* \*

*Паришондур сочим сабодан кейин,  
Нафармондур очун наводан кейин.*

*Кўнгил мулки ичра қимматли не бор,  
Бари садоқатдан, вафодан кейин.*

*На кўкка, на ерга ярашмас қаҳр,  
Бойчечак таратган садодан кейин.*

*Хожалар не топсин остонасидан,  
Йиглаб қуруқ қайтган гадодан кейин.*

*Мухаббатнинг кўзи кўр бўлса нетай,  
Мен тошни севибман Худодан кейин.*

\* \* \*

*Дунёнинг бир ками менда кўринди,  
Юз-кўзимни топган мунгда кўринди.*

*Мухаббатнинг қадрни тўкилган кунлар,  
Сўз топмай тўлиққан гунгда кўринди.*

*Ифорлар гулники, зорлар дилники,  
Ёлгонларнинг чўғи чинда кўринди.*

*Кўнгилники бўлди минг битта озриқ,  
Иситмасин тафти мингда кўринди.*

*Ойдаи орзуларни туманлар ютди,  
Излар сароб сари қумда кўринди.*

*Ким алдаб адашди, кимдир алданиб,  
Тун ичра гуноҳлар чўнгда кўринди.*

*Энг аввал вафолар кетдилар ташлаб,  
Жафолари кейин, сўнгда кўринди.*

*Дарддан огоҳ тушлар сувда жим оқди,  
Хиёнатнинг ҳукми ўнгда кўринди.*

*Замира, нақл топ, нома бит бугун,  
Дунёнинг бир ками менда кўринди.*

\* \* \*

*Ошиқликнинг тахти менга тайин бўлди,  
Созинчларда ўртаниш он сайин бўлди.*

*Сокин эрдим оразин то кўргунимча,  
Оловларда ёнишлик сўнг, кейин бўлди.*

*Юзим боссам азобимдин олар бир-бир,  
Манга сирдош оқ терак, оқ қайин бўлди.*

*Субҳ чоғлар мужда кутдим насимлардин,  
Менга таскин тутар барлар майин бўлди.*

*Жафоси бор бўлди-ю, йўқ анда парво,  
Наҳот ишқим жафокашга ўйин бўлди.*

*Эй Замира, сеҳр топдим, сабр топдим,  
Фақат ул ёр дилин топмоқ қийин бўлди.*





# САДАҚА

Ҳикоя

Турмушга чиққанига эндигина икки йил бўлган кўҳликкина, ёш, ақлли, замонавий ва ўқимишли жувон Розмари Феллни эри жуда яхши кўрар, ундан ҳеч нарсани аямасди. Розмари тушган оила, мабодо келин у ёки бу нарса харид қилмоқчи бўлса, Лондонни назарига илмай, тўппа-тўғри Парижга йўл оларди. Қиш оқшомларидан бирида Розмари тилла магазинига кириб келди. Мудир атайлаб яшириб қўйилган қутичани пештахта остидан чиқарди.

– Вой, бунча чиройли! – деди хайратланиб Розмари. – Қанча тураркан?

Мудир унинг сўзини эшитмаганликка олди, аммо бироздан кейин:

– Арзимаган пул, хоним, – деди.

– Менга сақлаб қўйсангиз, илтимос.

Магазин мудир таъзим қилди.

Ташқарида ёмғир қуяр, эндигина ёнган электр чироқлари қандайдир ғамгин милтираб турарди.

Ана шу вақтда кичик жуссали, қорачадан келган ёш бир қиз Розмарининг ёнида пайдо бўлди ва мунгли овозда:

– Хоним, хайр қилинг... – деди.

– Менга айтяпсизми? – овоз келган томонга ўгирилди Розмари ва худди сувдан чиққандай қалтираб турган бегона қизни кўрди.



Кэтрин МЭНСФИЛД

Машҳур инглиз ҳикоянависи. XX аср бошларида (1888-1923 й.) Янги Зелландияда яшаб ўтган. Адибнинг “Герман Пансиониди” номли ҳикоялар тўплами адабиёт ихлосмандларига яхши таниш.



– Хоним, – деди қиз янада мунглироқ оҳангда, – садақа қилинг...

«Садақа»? Бу товуш қандайдир содда, самимий эди, сира гадойникига ўхшамасди.

– Нима, ҳечам пулингиз йўқми? – сўради Розмари шу заҳоти ноўрин савол бериб қўйганини пайқаб, хижолат чекди.

– Ҳа, хоним, – жавоб қилди қиз.

– Наҳотки? – Розмари қизга диққат билан разм солгач, раҳми келиб, саховат кўрсатмоқчи бўлди.

Фараз қилинги, қизни уйга олиб борсин, хўш, унда нима бўлади? Шов-шув кўтарилиши табиий. Розмари бу бечорага ҳайратланиб қараётган яқинларига нималар дейишини тасаввур қилди: «Шунчаки уйга олиб келдим...» Ниҳоят, қизга яқинлашиб, деди:

– Юринг бизникига.

Қиз эргашди.

– Сиз мени полицияга топшириб юбормайсизми? – шубҳаланиб сўради у, бироз юришгач.

– Полицияга дейсизми? – кулиб қўйди Розмари.

– Нега энди? Савоб иш қилмоқчиман, холос.

Улар чиққан енгил машина тун қўйнига шўнғиб кетди.

– Мана уйга ҳам етиб келдик... Ўтиринг, марҳамат, – деди у қизни камин ёнида турган катта оромкурсига таклиф қилиб.

– Яхши, хоним, – пичирлади қиз ва шляпасини ечди.

– Келинг, пальтонгизни ҳам ечинг, – деди Розмари.

Қиз ўрнидан турди, ўнг кўли билан оромкурсига суянди. Розмари унга кўмаклашди.

– Авф этасиз, хоним, – деди қиз ранги ўчиб. – Ҳушдан кетяпман. Ҳозир йиқилиб тушсам керак. Хоним, ейишга бирон нарса топилмайдими?

– Ё Худо! Қандай бераҳмман-а!

Розмари хизматкорга буюрди:

– Чой опкелинг! Дарров чой опкелинг! Озгина коньяк ҳам!

Қизнинг кўзларига ёш қалқди, у энди тортинчоқликни унутганди.

– Мен бу ҳолатда узоққа боролмайман! – деди у бақариб. – Чидаб туролмай-ман. Бу кунимдан ўлганим яхши...

– Бироз сабр қилинг, – деди Розмари. – Ўзингизни босинг. Илтимос, йиғламанг.

Чой келтирилди. Қиз йиғини тўхтатиб, лаззатли таомлардан тўйиб тановул қилди.

Дастурхон йиғиштирилганда лаблари қирмиз, кўзлари шаҳло бир соҳибжамол оромкурсида ястаниб ўтирарди.

Шу пайт эшик тутқичи буралди: «Розмари, кирсам майлими?» Бу унинг эри Филипп эди.

– Ҳа, – деди Розмари жилмайиб. – Бу менинг ўртоғим...

– Смит хоним, – деди оромкурсидаги гўзал.

– Смит хоним, – деди Розмари. – Биз гурунглашаётгандик.

– Агар малол келмаса, – деди Филипп хотинига қараб, – кутубхонага чиқсангиз. Смит хоним бизни авф этсинлар.

Кўзлар тўқнашди. Розмари қиз учун жавоб берди:

«Албатта». Эру хотин хонадан чиқиб кетишди.

– Хўш, – деди Филипп кутубхонада, – ким у? Меҳмонми?

Розмари эшикка суяниб кулди.

– Кўчадан топиб келдим. Ростдан. У мендан садақа сўрагани, уйга таклиф қилдим.

– Табриклайман! – деди Филипп ҳазиллашиб. – Хўш, уни нима қилмоқчисиз?

– Билмасам, – деди Розмари елкасини қисиб. – Ўйлаб кўрамиз-да.

– Аммо-лекин, – деди Филипп сигаретининг кулини тушираркан. – У ҳаддан ташқари гўзал экан, ёши ҳам йигирмадан ошмаган, менимча.

«Гўзал?» Розмари шундай ажабландики, ҳатто уятдан қизариб кетди.

– Оҳ! – гапни илиб кеди Филипп. – У ниҳоятда гўзал экан! Наҳотки сезмаган бўлсангиз? Хўш, энди Смит хонимни бугунги зиёфатга таклиф этишга ижозат берсангиз, жоним.

– Қўйсангиз-чи! – деди Розмари ва кутубхонадан чиқиб кетди, бироқ меҳмонхонага бормади. У ёзув-чизув қиладиган хонасига кириб, курсига чўқди: «Гўзал! Ҳаддан ташқари гўзал...» Розмарининг юраги гупиллаб ура бошлади. У сейфни очиб беш фунт стерлинг олди, сўнг иккитасини қайтиб жойига қўйди-да, уч фунт стерлингни чангаллаганича меҳмонхонага йўналди...

Бир ярим соатлардан кейин Розмари кутубхонага қайтиб келди.

– Сизга айтиб қўймоқчи эдим, – деди Розмари. – Смит хоним тунги зиёфатда қатнаша олмас экан. Филиппнинг қўлидаги қоғоз тушиб кетди.

– А? Нега? Нима бўлди?

Розмари кулиб, эрининг тиззасига ўтирди.

– Негадир ўз-ўзидан кетаманга тушиб қолди, – деди у бироздан сўнг. – Бечорага хайр қилдим. Кетди. Раъйини қайтара олмадим.

Орага жимлик чўқди.

Бироздан сўнг Розмари мақсадга ўтди:

– Бугун магазинда ажойиб қутича кўрдим. Ўшани олсам майлими?

– Ихтиёрингиз, – деди Филипп. – Биласиз-ку, мен ҳеч қачон сизнинг раъйингизни қайтармаганман.

Лекин Розмари сўрамоқчи бўлган нарса, аслида, бу эмасди.

– Филипп, – шивирлади у. – Мен гўзалманми-а?

**Инглиз тилидан Мунира НОРОВА таржимаси**



Шум  
Шум Шум  
Шум



Абдумўмин ҚОСИМОВ



## ҚИССАДАН ҲИССА ФАҚАТ КУЛГУМИ?

Халқимизнинг ардоқли адиби Ғафур Ғулом қаламига мансуб бўлмиш «Шум бола» қиссасини айримлар соддагина, фақат кулгули саргузаштлардан иборат асар ҳисоблайди. Аслида ҳам шундайми?

“Шум бола” қиссаси дастлаб “Муштум” журналида босилди, сўнгра «Довдираш» номи билан китобча ҳолида нашр этилган бўлди.

Асарнинг дастлабки нашрларида Аччиобод, Кўктерак деган номлар учраса-да, воқеаларнинг қачон ва қаерда бўлиб ўтгани номаълум эди. Асар бошида Соли, Тўлаган деган болалар тилга олинса-да, кейин улар шу бўйича тушиб қолар ва Омон билан Шум боланинг учрашишлари тасодифий рўй берарди. Ҳар ҳолда асар умумий ўтмиш ҳақидаги «чўпчак» каби таассурот уйғотарди. “Бу фалокатли ишни Йўлдош бошлади” деган гап билан экспозициясиз бошланган асарни конкрет замон ва макон билан боғлаш қийин эди. Кейин қайта ишланган вариантда эса асосий воқеалар кечадиган жой колорити ва қаҳрамонлар характерини шакллантирувчи шарт-шароитлар тасвирланади. Бу ерда биринчи жаҳон уруши арафасидаги Тошкентнинг ижтимоий қиёфаси чизилади; шаҳар халқининг машғулоти, уларнинг ўзаро муносабати, онги, тушунчаси, бойлар ва камбағалларнинг, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётини характерловчи белги-колоритлар берилади.

«Расталар обод. Қаймоқ бозорининг бурилишида, маҳкаманинг бошида, Илҳом самоварчининг каттакон чойхонаси бўлиб, унда граммафон чалинади. Турли пластинкалар орқали Тўйчи ҳофиз, Ҳамроқул қори, Ҳожи Абдул-Азиз ва Фарғона яллари хотинлари кетмакет мақомлар, яллалар, ашулалар айтади. Чойхонада жой етишмайди” деб бошлаган ёзувчи китобхонни найрангбоз савдогарлар, «қалдирғоч суратли коняк” ичаётган бойваччалар, камбағал косиб ва деҳқонлар, бозорда санғиб юрган дайди болалар, ҳатто, жиннилар

билан таништиради, уларнинг ақлдан озиш сабаблари ҳақида ҳикоя қилади. Масалан, улардан бирига жинник «ҳукуматдан теккан», шунинг учун Николай, Кауфман, Мочалов, Наби каби миршабларни сўкаверади, деб таърифлайди.

Шум боланинг сўзи орқали айтилаётган ва тушунтирилаётган бундай воқеалар ўша даврдаги халқ аҳволини кўрсатишда айрича қимматга эгадир. Адиб қисса персонажлари бўлмиш болаларнинг ота-онаси касб-корини баён қилиб, кўпчилиги «босмахона ва қандолатхона ишчилари эди», дейди. Шунингдек, ёзувчи Шум боланинг ўртоқларига, уларнинг ота-оналарига хос хусусиятларга маҳорат билан чизгилар беради. Энг муҳими, бу қиссада болаларнинг саёқ юриши ва ўз бошларидан ҳар хил саргузаштлар ўтказишининг боисини ҳам очиб бериб, Шум боланинг саргузаштлари тарихига ҳаётий тус беради. Яъни бундай зўраки саргузаштлар замирида оғир турмуш шароити ётганлигини моҳирона кўрсатади. Ёзувчи ўша даврда шаҳарда ишсизлик авж олиши туфайли болалар тугул катталар ҳам қийналганини таъкидлайди. Китобхон шум болаларни, “эртадан кеч кўча-куйда сандироқлаб юрадиган увин-тўда бекорчилар”ни кўргач, уларнинг уйни ташлаб чиқиб кетиб, ўз бошларидан катта саргузаштлар ўтказишига сира шубҳа қилмайди. Қиссанинг дастлабки нусхасида Шум боланинг уч-тўрт дўсти тилга олинса-да, улардан фақат Омонгина кейинги, қайта ишланган нусхага киритилган. Шум бола иккиси зоҳиран кулгули, ботинан ғуссали бўлган ҳангомаларни бошдан ўтказишади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, атоқли адиб Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси, шунчаки, енгил-елпи ҳангомаларга йўғрилган асар эмас. Унинг замирида ётган аччиқ ҳақиқат ҳар бир ўқувчини жиддий ўйга толдиради. Тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Абдумўмин ҚОСИМОВ

1987 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилган. Андижон Давлат университетида таҳсил олган. Магистрант. Ҳозирда ўқитувчи.



## Чинтиқдирман ҳалимиа бахорингга, муҳаббат

\*\*\*

Сизни кутган тонгларим ойдин, мусаффо бўлдилар,  
Учрашиб кундузларим ҳам нурга ошно бўлдилар.

Кўкда ой, офтоб, саноқсиз юлдузу сайёралар,  
Бошингизда чарх уриб бир сизга шайдо бўлдилар.

Лайлининг шайдоси танҳо Қайс эди олам аро,  
Сизга-чи, мингларча ошиқ йўлда пайдо бўлдилар.

Кўнглингиз топмоқ муаммосин қаламга олмишам,  
Тахмису фарду рубоий ҳам муаммо бўлдилар.

Бу замин зеболари пардозу одоб ўрганиб,  
Олди-ю андозани, гулчеҳра зебо бўлдилар.

Сиз араз қилдингизу, ўзга нигор топмоқ бўлиб,  
Манзилим Фарғона-ю Шошу Бухоро бўлдилар.

Топмадим, қайтдим қошингизга мен Икромжонингиз,  
Ҳисларим, дилрозларим бир турфа иншо бўлдилар.

\*\*\*

Эй дилим, дунё гамин кўйи, дилрабони эслагил,  
Хушкаломи хуш салом, хуш муддаони эслагил.

Кетдилар олисга сендан баъзи бир ошноларинг,  
Жон ила жисмингга дўст чин ошинони эслагил.

Ишқ эли маъшуқасин доно дея фаҳр айлағай,  
Шул замоннинг зийнати – ақли расони эслагил.

Не сабаб ҳолинг паришон, боқишинг беморга хос,  
Бир нигоҳи беадад дардга давони эслагил.

Кўй букун Лайло-ю Шириннинг ширин афсонасин,  
Барининг устози бўлмиш маҳлиқони эслагил.

Соқиё, қуйгил тиниқ майким, кўнгил тинсин яна,  
Базми жамшид ичра ёр чалган навони эслагил.

Бас қил Икромжон, у гулруҳ мадҳи мадҳингдан баланд,  
Не қилиб қўйдинг, ўзинг қилган хатони эслагил.

### ЙЎЛЛАРДАМАН

Чорламишидирсиз иштоб, йўллардаман,  
Сиз кутинг эй моҳитоб, йўллардаман.

Йўлларим унгай, бу маркаблар қатор,  
Чусту Тошкенту Китоб – йўллардаман.

Йўл азоби гўр азоби бўлмағай,  
Менда тоқат, менда тоб, йўллардаман.

Бу ҳаёт йўлдир бақога бошлаган,  
Дўсту душманлар сероб йўллардаман.

Ким юрар манзилга етгай, дейди эл,  
Орзулар бўлмас сароб, йўллардаман.

Ошиқ Икромжонни гулмоҳи, кутинг,  
Чорламишидирсиз, иштоб йўллардаман.

### Икромжон АСЛИЙ

1983 йилда Андижон туманида туғилган. Андижон Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Ҳозирда вилоятдаги “Адолат мезони” газетасида фаолият юритмоқда. Шеърлари туман, вилоят ва Республика матбуотида эълон қилинган.



Ҳаср Ҳаср  
Ҳаср Ҳаср Ҳаср



Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи



## СОҒИНЧ ҚЎШИҒИ

Ҳикоя



Бешиқда ётган гўдак йиғлади. Аёл овутиш ниятида кўрагини тутди. Аммо гўдак бошини сарак-сарак қилганича йиғисини авжига чиқарди.

Туғруқхонадан чиқишганига мана бир ҳафта бўлибдики, ҳар куни кечкурун шу аҳвол. Йиғлайвериб милклари қизариб кетган чақалоқ, охири, онасидан аразлаган ҳолда ухлаб қолади.

Бугун ҳам шу ҳол такрорланди. Гўдак онасига истагини билдириш ниятида умидвор термулди. Митти кўзларини жовдиратиб қарашидан онасининг меҳри жунбушга келди. Кўз косалари ёшдан тўлди. Қўли билан жигарбандининг муштдайгина бошини авайлаб силади. Бу ҳол гўдагига ёқмади. Яна йиғисини давом эттирди. Жонининг бир парчаси бўлган гўдагининг йиғиси аёл қалбини остин-устун қилиб юборди. Қалбининг туб-тубидан чиққан ўзидан норозилик ҳисси юз-кўзларида зоҳир бўлди. Сўнгра меҳрга қоришиқ сўзлар тилига чиқа бошлади. «Бешиқдаги полвоним, алла. Қалбгинамининг султони, алла».

Хаёлидан эрим эшитиб қолмадимикан, деган ўй ўтди. Елкалари билинар-билинемас қисинди, боши бирозгина эгилди, юзларига қизиллик югурди.

Аммо, алла сўзларини ўзи базўр эшитди. «Нима қилай болажоним? Сенга алла айта олмаяпман.» Кўз ёшлари дувиллаб қуйилди. Гўдагини овутиш ниятида бешикни оҳиста тебрата бошлади. Гўдак яна бошини сарак-сарак қилганича баттароқ йиғлади.

Шу пайт эшик зарб билан очилиб хонага эри кириб келди.

– Қанақа бемехр онасиз! Бир ҳафтадан буён болани қийнайсиз! Алла айтсангиз бўлмайдими?! – деди.

Аёл эрига қаради. Унча-мунчага жаҳли чиқмайдиган эрининг юз-кўзларида хотинига нисбатан нафрат акс этарди. Аёлининг ёшли кўзларида иложсизликни кўрган эр зумда жаҳлидан тушди. Тараддудланди. Бешик ёнига ўтирди. Оҳиста тебратиб алла айта бошлади:

*Ухлаб қолгин, болам-а, алла,  
Ором олгин болам-а, алла.*

Йиғлаётган гўдак тинчиб қолди. Кўзларида ҳайрат жилваланди. Жилмайди. Берилиб тинглай бошлади. Сўнгра кўзлари оҳистагина юмилди.

Эркак бешикнинг говрапўшини қия очиқ қолдирди. Ўрнидан турди. Хонадан чиқар экан, ортига бурилиб аёлига қаради. Аёли кўз ёшлари аралаш эрига миннатдорчилик ҳисси билан боқиб турарди. Эр хотинини тушунди. Раҳми келди.

– Алла айтишни билмасангиз ана газета, журналлардан ёдланг. Топа олмасангиз ёзган шеърингизни чўзиб айтсангиз аллага айланади. Ҳар икки қаторидан сўнг алла, деб қўшиб қўйсангиз яна ҳам чиройли чиқади.

Аёл билинар-билинемас жилмаяр экан, нигоҳларидаги миннатдорчилик ҳисси янада барқ урди. Шу

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи

1962 йилда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги Хўжақўрғон қишлоғида таваллуд топган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Шоиранинг «Шаҳсувор», «Ёлғизлик гули» шеърый китоблари чоп этилган.

кундан бошлаб эркак ҳар кеча гўдагига алла айтиб ух-  
латадиган бўлди.

Орадан бир ярим ойча вақт ўтди.

Аёл ўйлади: «Барибир алла айтишим керак! Ам-  
мо...»

Аёл гўдагини меҳр билан чўмилтирди. Каттагина,  
юмшоққина сочиққа, сўнгра кўрпачасига ўради. Жигар-  
бандига қараб туриб кулгиси келди. Чунки у «Лоло ва  
унинг саргузаштлари» мультфильмидаги пингвин бо-  
ласига ўхшаб қолганди.

Кўйлақчасини, қалпоқчасини кийдирди. Авай-  
лаб бешикка ётқизди. Онасининг укаларини бешикка  
солаётганида айтадиган сўзлари ёдига тушди. Ўша  
сўзларни айтди. «Қани-қани, бобовлар, кетинглар-чи.  
Уйимизнинг эгаси келди».

Оёқларининг орасига, икки четига латта қўйди.  
Кўрпачаси билан ўради. Қўлбоғини устидан ўтказиб  
ўради. Ипини бешикнинг юқори қисмига боғлади.  
Сўнгра кўлчаларининг икки четига ҳам латта қўйиб ик-  
кинчи кўлбоғни бешикдан айлантириб олиш учун эгил-  
ди. Онасининг тинимсиз эркалаб гапиришига гўдаги  
жилмайди. Бошини эгиб «миёв-миёв» қилганида гў-  
даги қиқирлаб кулди.

Аёл атлас кўлбоғлар билан боғланган дилбанди-  
нинг устига, кўлда пахтани чигитидан ажратиб тайёр-  
лаган сатин кўрпачасини ёпди. Қалпоқчасини тўғрилади.  
Бахмал говрапўшини ёпиб бош тарафини бироз қайириб  
очиб қўйди. Сўнгра ўнг қўли билан бешикка суяниб би-  
роз энгашган ҳолда кўкрагини гўдагига тутди.

Аёл жигаргўшасини эмиза туриб гулдан-да чирой-  
ли чехрасига, осмондан-да беғубор кўзларига термулди.  
Гўдак митти оғизчасини маммаси билан тўлдириб,  
мириқиб эмар экан, бир зум бўлсин нигоҳини онаси-  
нинг нигоҳидан узмасди. Аёл жилмайди. Дилбанди-  
нинг нигоҳида кулгу барқ урди.

Шу пайт аёлнинг кўнглида оналик меҳр-муҳаббати  
кўпириб тошди. Кўкракларига сут келиб таранглашди.

Аёл бешикни охиста тебрата бошлади. Гўдаги  
унга яна ниманидир истаган ҳолда умидвор термулди.  
Аёл паст овозда алла айта бошлади.

*Осмондаги ойгинам-о, алла-ё алла,  
Ўйнаб оққан сойгинам-о, алла-ё алла.*

Аёлнинг овози ўзига бегона эди. Гўдаги онасининг  
юз-кўзларига ажабсиниб тикилди. Сўнгра бу ҳол ўзига  
ёқмаётганини билдириш ниятида йиғисини бошлади.  
Аёл овозини баландлатиб давом эта бошлади:

*Жон болам, жоним болам,  
Жонимдан бунёдим болам, алла-ё алла.  
Жон болам, жоним болам,  
Жонимга пайвандим болам, алла-ё алла.  
Қолар изим, алла-ё алла,  
Айтар сўзим, алла-ё алла.*

Ўттиз ёшга кирган Аёл учун Алла бегона эди. Алла  
учун Аёл ҳам бегона эди. Шу сабабли улар бир-бирига  
ўргана олмаётган эдилар. Бу ҳол эса гўдагига ёқмас,  
шу сабабли йиғисини бир зум бўлсин тўхтатмасди.

Унинг тилидан алла сўзлари чиқиши баробарида  
олис қишлоғи бағрида қолган болалиги кўз ўнгига кел-  
ди. Онасининг беморлик енгган кичик жуссаси, заҳил,

кулгу нималигини унутган чехраси, укасининг бевақт  
ўлимидан сўнг тўшакка буткул миҳланиб қолгани,  
автоҳалокат туфайли акасининг ўлими, бу фожиани  
кўтаролмаган онаси ҳам кўп ўтмай оламдан бевақт кўз  
юмгани кўз ўнгидан кино тасмасидай ўтди.

Сўнгра аёлининг ўлимидан сўнг бир этак бола билан  
қолиб кетган отасининг букчайиб қолган гавдаси, маъюс  
чехраси, ерга урса кўкка сапчийдиган ака-укаларининг  
хомуш бўлиб қолганлиги, сингилларининг йиртиқ-ямоқ  
кийимларда юриши, кечалари кўзларига уйқу келмай  
онасини соғиниши, ичкиб йиғлашлари ёдига тушди.  
Кичик жуссасига барвақт тушган тандир тўла нон ёпиш-  
лари, кирсим тўла кийим-кечакларни ювиши, сигир соға  
туриб билаклари толиб қолиши ёдига тушди.

Тўйи бўлаётганида онасини эслаб тўйиб-тўйиб  
йиғлагани, уйи остонасидан ўтиб ташқарига чиққанида,  
отасининг «борган жойингда тошдек тингин! Ували-жу-  
вали бўлиб, қўша қариб юринглар», деб кўзларида ёш  
билан дуо қилиши кўринди.

Саккиз йил бўйида бўлмагани боис қайин опа-  
сининг «кайб келинда бўлса, уни ҳайдаймиз» дегани,  
овсини унга калондимоғларча қараб «ўйланманг, ке-  
линпошша, менда олтита бола бор, бирини сизга бе-  
раман» дегани, сингисини, ака-укаларини йиғиб «би-  
рорталаринг болаларингдан бирини беринглар, оилам  
бузилмасин. Болаларингга ўз боламдек қарайман. Ҳеч  
нимага зориктирмайман. Яхши жойларда ўқитаман.  
Олий маълумотли қиламан», деб зорланишига жаво-  
бан, уларнинг миқ этмай туришлари кўринди.

Муштипар, бир бурдагина бўлиб, бели букчайиб  
қолган қайнонасининг ҳар гал қишлоққа боришгани-  
да маъюс ва умидвор оҳангда «бирорта янгилик бор-  
ми, келин» дея янгилик эшитиш илинжида жовдираб  
қараб туриши, гоҳида йиғлаб «агар неварам бўлса,  
этагимга солсам, кейин шу турганимча ўлсам, бу дунё-  
да армоним қолмасди» деган сўзларини қайта эшит-  
гандай бўлди.

Тунлари ухлай олмай йиғлашлари, эрининг сочла-  
рини силаган ҳолда йиғламанг, ҳаммаси яхши бўлади,  
ҳали менга бир этак бола туғиб берасиз, дея овутиш-  
лари ёдига тушди...

Аёл тўлиб-тошиб алла айтар, айтгани сари алла  
сўзлари қалбидаги тоғдек дардларини ёмғир мисоли  
эритар, эриган дардлар эса ўзанини бузгудек бўлиб,  
кўзларидан сел каби тўлиб-тошиб чиқарди. У тошдек  
қалби юмшаб бораётганини англади. Шу англаниш  
баробарида оналик меҳру муҳаббати қалбини буткул  
зангдан аритиб, нафақат қалбини, балки бутун вужу-  
дини ишғол қилди.

Аёл қанча вақт алла айтганини билмади. Билгани  
кўз ёшларидан рўмолининг икки учи ҳўл бўлиб кетган-  
ди. Қалби мунаввар, руҳи озод кушдек бирам енгил  
эди-ки...

Аёл гўдагига озор бериб қўйишдан чўчиган каби  
лабларини секин унинг пешонасига тегизди. Дилбан-  
дидан бирам ширин бўй тараларди. Жигаргўшасини  
тўйиб-тўйиб ҳидлади. Онасининг сўзи ёдига тушди. «Ча-  
қалоқдан жаннатнинг ҳиди келади». Гўдаги онасининг  
меҳрини, муҳаббатини туйди. Уйқу аралаш ширингина  
жилмайди.

Аёл бешик ёнига солинган ўрнига ўзидан мам-  
нун ҳолда чўзилди. Қўллари бешик ёпиқларини силар  
экан, кўзлари юмилди.



Гулчеҳра РАҲИМОВА



## Порлоқ орзу-ўйимда сирлар кечгай тунлари

\* \* \*

Яратганга минг-минг ташаккур,  
Порлаётган чирогим учун.  
Юз каллада юз миллион фикр,  
Масъул ҳар ким ўз боғи учун.

Ботадиган тиг, наштар қанча,  
Яхши-ёмон пучмогим учун.  
Бирлашмасак етмас беш панжа,  
Ёвнинг йўлини тўсмогим учун.

Музейдаги занг қурол-яроғ,  
Ётар йиртиқ, ямогим учун.  
Ҳилтираган мовий ранг байроқ,  
Паноҳ уруғ-аймогим учун.

Ўт бўлиб ён, Қақнусга айлан,  
Бўлма қурбон нафс тоғинг учун.  
Тирикликни қилмагил эрмак,  
Фақат нафсинг, томогинг учун.

\* \* \*

Қорлар ёғса бошимга,  
Шошмам рўмол ўрашига.  
Келар ҳар кун қошимга,  
Хурлар аҳвол сўрашига.

Порлоқ орзу-ўйимда,  
Сирлар кечгай тунлари.  
Нурлар инган уйимда,  
Булбулларнинг унлари.



Бахтга ишонгим келар,  
Ғўр истак бермас тутқич.  
Юрагимда гулулар,  
Келолмагайдир ўқинч.

Эрк билан юрт дарди бир,  
Умид-эсон қадар кучли.  
Тарк этмайди барибир,  
Қонда яшашига ўқлик.

Тор дунёлар бўлиб кенг,  
Йўл қўймас қалб нурашига.  
Чунки ўзни енгиб мен,  
Бел боғладим курашига.

\* \* \*

Олам тинчлик тафтида,  
Қолмас ўчдан бир нишон.  
Тутар ерни кафтида,  
Буюк Ҳазрати Инсон.

Нур ва шаффоф бу кўзёш,  
Не бир дамлар ичида.  
Ярқираган минг қуёш,  
Чексиз гамлар ичида.

Тўлдирар бахт камини,  
Юрт билан тенгсиз жаҳон.  
Тортиб улус гамини,  
Севинчлар олам жаҳон.

Гулчеҳра РАҲИМОВА

1952 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат университетидан таҳсил олган. Қорақалпоғистон халқ шоири. Кўплаб шеърини ва насрий асарларини муаллифи.

Кўнгил ҳамон қаримас,  
Севишни ўйлар яккаш.  
Дунё эса қасд олар,  
Хув, жонга теккан яшаш.

### ТЎРТЛИКЛАР

Кўзлаган манзилга, айт, қандоқ етай,  
Ташлади бу ҳаёт пахтадек титиб.  
Қайтмас йўлдан қайтиб кетяпман, нетай,  
Ичимга дунёнинг оҳини ютиб.

\* \* \*

Кетар ҳар кун дилимни доглаб,  
Куёш чиқса тонгда қизариб.



Саробларга умид боглабман,  
Ёлгон тушлар айлади гариб.

\* \* \*

Эси-дарди “катта”га ёқиш,  
Қани юрак – кўкракда нишон?  
Юролмаса нетсин бояқиш –  
Оёғида, бошида кишан.

\* \* \*

Илинмас кўз то саҳаргача,  
Фикрлари сочиқ пойма-пой.  
Тақиб этар то маиҳаргача,  
Ҳаётида қолган очиқ жой.



### Алишер МУҚУМОВ

## Дилга яқин ҳар битта сўзинг



### ЎЗГАРМАДИНГ

Барча дилда жо эдинг, ўзгармадинг,  
Менга бепарво эдинг, ўзгармадинг.

Доимо ёнингда бўлсам ҳам нетай,  
Барибир танҳо эдинг, ўзгармадинг.

Гарчи мен-ла келди шодликдин хабар,  
Ғам билан ошно эдинг, ўзгармадинг.

Ҳар суханда бўлмаса меҳру вафо,  
Булбули гўё эдинг, ўзгармадинг.

Гарчи кўп бўлса чаманда лолалар,  
Сен гулираъно эдинг, ўзгармадинг.

Йўқ эдим кўзларингда мен, бироқ  
Кўзлари шахло эдинг, ўзгармадинг.

Гарчи дунёда сулувлар кўп эди,  
Менга бир дунё эдинг, ўзгармадинг...



### ТАШРИФ

Орзулардан юзим ўгириб,  
Мен ўзимдан бўлгандим жудо.  
Изтиробда қолган чоғимда  
Сени менга етказди Худо.

Овозларинг нақадар майин,  
Дилга яқин ҳар битта сўзинг.  
Менга қошу кўзларинг таниш,  
Тушларимда кўрганим ўзинг.

Келгунингча шодлик йўқ эди,  
Яшар эдим дунёда ёлғиз.  
Сен келдинг-у бир мўъжизадек,  
Ғам юракдан йўқолди изсиз.

Сенга мудом ёр бўлсин Худо,  
Шодлигимга ёрлигинг учун.  
Бор бўлгин то бор экан дунё,  
Чунки борман борлигинг учун.



## ТУФИЛГАН КУН

Ҳикоя



Санжарбек тўсатдан дарсларга келмай қолди. Орадан бир ҳафта ўтди. Гуруҳ раҳбари Наргис Нодировна хавотирга туша бошлади. Санжарбек билан бир маҳаллада яшайдиган Дилфузани ўрнидан турғазди.

– Маҳкамова, мабодо сен билмайсанми, Шодиев нега келмаяпти?

Дилфуза худди чақимчилик қилаётгандек тева-рагига бир аланглаб олди.

– Биламан... унинг дадаси қамалиб қолди. Менимча, сабаби шу.

Синфхона сув қуйгандай жимиб қолди. Ўқувчилар ўзаро маъноли кўз уриштира бошлашди. Кимлардир ажабланиш, ачиниш билан бош чайқар, баъзи бировларнинг афтида мамнун ифода ўйноқлар эди.

– Тушунарли, – деди Наргис опа ўйчан ва хо-муш тарзда деразадан қараркан, – Шодиевлар ои-ласи мушкул аҳволда қолибди.

Санжарбек лицейдаги энг тўполончи, безори болалардан бири эди. Текканга тегиниб, тегмаган-га кесак отарди. Атрофига баъзи бировларни йиғиб, доим аллақандай дилхираликларни бошлаб юрарди. Айтишларича, унинг отаси қандайдир нуфузли ташкилотга бош-қош экан. Топиш-тутиши зўр. Шунинг учун ҳам Санжарбек талтайиб ҳеч кимни на-зар-писанд қилмас экан. Гуруҳда ҳам кўплар ундан ҳайиқар, очиқ-ошқора хушомад қилишар эди. Аммо гуруҳ раҳбари Наргис Нодировна Санжарбек би-лан мураса қилишни истамасди. Тез-тез уни койиб, танбех берарди.

– Лицейимиз тумандаги энг яхши лицей бўлиши учун, гуруҳимиз лицейдаги энг намунали гуруҳ бў-лиш учун курашяпти. Шодиев, сен ўз хулқинг билан ҳаммамизга халақит бераяпсан, бизларни орқага тортаяпсан, илтимос, ўзингни бироз қўлга ол. Мени эмас, ҳамсабоқ дўстларингни ҳурмат қил.

Санжарбек бундай гапларга сурбетларча, бе-парво тиржайиб кўяр, баъзан кўпол қилиқлар кўр-сатиб синфхонадан чиқиб кетар эди.

Бир ойча аввал лицейга юқоридан текширув-чи гуруҳ келди. Директордан тортиб оддий ўқитув-чиларгача жонсарақ югургилаб қолишди. Айниқса, Наргис Нодировнанинг ҳаяжони чексиз эди. Ай-тишларича, текширув гуруҳи айнан Наргис Ноди-ровнанинг ишини ўрганиш мақсадида келган эмиш. Бу билимдон, маҳоратли педагогни юқорироқ лаво-зимга кўтармоқчи бўлишса керак, ҳойнаҳой.

– Болалар, – деди Наргис опа ўша куни эрталаб синфхонага кириб, – илтимос, тартиб-интизомга, давоматга эътибор беринглар.

Дилсора АБДУСАТТОРОВА

1998 йилда Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган. "Эзгулик", "Нугоҳимдаги одамлар" номли китоблари чоп этилган. Ўқувчи.



Ўша куни ўзи бош бўлиб аллақердандир кўшимча кўргазмали ўқув қуроллари топиб келтирди. Ўзи енг шимариб ўқувчилар ёрдамида супир-сидирга киришди. Бир соат ичида синфхона ярақлаб кетди. Худди ичларига чироқ ёқилгандай болаларнинг ҳам юз-кўзлари яшнаб қолди. Аммо ўша куни текширув гуруҳидан дарак бўлмади.

“Бизниқига эртага киришаркан”, – дея хабар етказди кимдир.

Бироқ эртаси куни дарсга келган болалар синфхонанинг аҳволини кўриб ҳангу манг қотиб қолишди. Ҳаммаёқ тўзғин! Кўргазма қуролларининг баъзиси йиртилган, стуллар, гултуваклар ағдарилган эди.

Болалар бир-бирига қарашди. Нигоҳларда битта савол айланарди: “Бу кимнинг иши?” Ва ўша кўз қарашларда жавоб ҳам хирагина липиллаб турарди: “Бундай безорилик фақат Санжарбекнинг қўлидан келади”. Айни пайтда Шодиев худди ҳеч нарса бўлмагандек сақич чайнаб, оёқ чалиштириб ўз ўрнида ўтирарди. Гувоҳлардан бири чиндан ҳам бу ишни Санжарбек қилганини тасдиқлаб болаларга шивирлай бошлади.

Синфхонага ҳовлиққанича Наргис Нодировна кирди. Аҳволни кўриб ранг-рўйи бўздек оқарди. Чеккадаги стулга беҳол ўтириб қолди. Сумкачасидан аллақандай дори олиб тили тагига ташлади. Кимдир унга сув тутди. Шу пайт остонада лицей директори ва икки нафар текширув гуруҳи аъзоси пайдо бўлди! Наргис Нодировна аранг ўрнидан туриб уларга юзланди.

– Ассалом...

Аҳволни кўриб лол қолган директор саломга алик ҳам олмади.

– Нима гап, Тоҳирова? Кўчиб кетяпсизларми? – деди совуқ бир товушда у.

– Йў-ў...ҳалиги, – деб минғирлади Наргис опа каловланиб, – йиғиштирмақчи...

У гапини тугата олмади. Текширув гуруҳи аъзолари гап-сўзсиз ортга бурилишди. Директор ҳам уларга эргашаркан, муаллимага ўқрайиб қўйди. Болалар ҳамма-ҳаммасини нафаслари ичларига тушиб кузатиб туришарди. Гуруҳ раҳбари яна ўзини беҳол стулга ташлади.

– Болалар, – деди у бироздан сўнг зўрға, – хонани тартибга келтириш керак.

Ўқувчилар дувва ишга киришишди. Кимлардир тўкилган нарсаларни йиғиштирди, кимдир челақда сув, пол ювадиган латта келтирди. Эпчилроқ болалар йиртилган кўргазма қуролларини бир зумда елимлаб ямашди.

Наргис Нодировна ўқувчиларнинг астойдил ёрдамга шошилишларидан мамнун бўлди, шекилли, аста-секин чеҳраси очилиб, ўзига кела бошлади. Лекин бир оғиз ҳам бу бузғунчиликни ким қилди, деб сўрамади. Ҳеч нима кўрмагандай бир оздан сўнг дарс ўта бошлади.

Бу воқеа бир-икки кун лицейда шов-шув бўлиб юрди-ю, сўнг тагин ҳаммаси тинчиб кетди...

Мана энди янги бир машаба: Санжарбек бир ҳафтадан бери ўқишга келмаяпти. Ниҳоят, бунинг сабаби маълум бўлди-ю, Наргис Нодировна маъюс тортиб қолди.

– Болалар, – деди у ўқувчиларга бир-бир кўз югуртириб, – биз демократик, одил давлатда яшаймиз. Отанинг қилмиши учун бола жавобгар эмас. Сизлардан илтимос, Шодиев билан ҳамишагидек дўстона, яхши муносабатда бўлинглар. Эртага унинг туғилган куни, бундан хабарларинг борми?

Ўқувчилар индамай елка қисишди.

– Менинг хабарим бор, – деб қўйди доим Санжарбекка дум бўлиб юрадиган Шокир.

Наргис Нодировна унга юзланди.

– Жуда яхши, Шокиржон. Эртага уни бошлаб кел. Иложи бўлса, икки-учта бўлиб боринглар, дўстни кулфат пайти ёлғиз қолдириш яхши эмас.

Болалар бир-бирига маъноли қарашди. Ўзига шунча ташвиш орттирган ўқувчига устознинг бу қадар эҳтиром кўрсатиши уларга жуда ғалати туюларди.

Эртаси куни гуруҳдошлар Санжарбекни бошлаб келишди. Илгари ерга урса, осмонга сапчийдиган ўспириндан асар ҳам йўқ эди. Озиб-тўзиб, мунгайибгина қолибди у.

Наргис Нодировна болаларга имо қилди. Ўқувчилар дувва ўрнидан туриб, жўр овозда қичқаришди:

– Табриклаймиз! Табриклаймиз!

Санжарбек ҳангу манг бўлиб қолди. Довдираган кўйи у ён-бу ён аланглади.

– Санжарбек, туғилган кунингиз муборак! – деди Наргис опа жилмайиб, – иқболингиз баланд бўлсин!


Аввал келишилгандек кимдир Санжарбекка бир даста гул тутди. Кимдир ялтироқ ўрамли совғани узатди.

Санжарбек ҳануз каловланар, лабларида синиқ бир табассум кезинар эди. У Наргис опа томон юзланди. Кўзларида ғилт-ғилт ёш айланарди.

– Устоз, – деб ғудранди у аранг, – мени... мени кечиринг...

Наргис Нодировна жилмайган кўйи унинг пешонасидан оҳиста ўпиб қўйди. Санжарбек устознинг елкасига беихтиёр бош қўйиб, баралла йиғлаб юборди. Айни пайтда у чиндан ҳам онадан қайта туғилган гўдакка ўхшарди.





Маҳфуза ИМОМОВА



## Чорлаяпман латиф бир тонгни

\* \* \*

Тун негадир кўринмай қолди  
Тунамоқда балки йўлакда.  
Ой ёруғлик ичра йўқолди.  
Қуёш чиқди...  
Шаффоф кўйлакда.  
Чапак чалиб қўйди чумчуқлар.  
Ҳар чечакка кирди иссиқ жон.  
Баҳор келди заминни йўқлаб,  
Уч фаслни қилгач имтиҳон.

\* \* \*

Оқармоқда осмоннинг рангги,  
Шитирлайди...  
Дарахтлар юпун.  
Туш кўрарман, мен бугун янги,  
Эскиларин унутмоқ учун.

Оқармоқда оқшомнинг рангги,  
Бардошимни синар сукунат.  
Чорлаяпман латиф бир тонгни,  
Қизгалдоқлар баргида тунаб.

Оқармоқда хира кунларим,  
Изтироблар, энди хайру хўш.  
Сен кетарсан умримдан нари,  
Мен кетарман кўргали бир туш.

Ишқ кетмайди бизлардан фақат...



\* \* \*

Борар йўлим аниқ.  
Борар йўлим чин...  
Кетяпман...  
Атрофда бир уюм хазон.  
Ортимдан эргашиб келяпсан нечун?  
Мен сенга боғланиб улгурдим қачон?  
Барибир кетяпман...  
Юрагим озриб...  
Кўзларинг тубига бўлмоқдаман гарқ.  
Ўртада бепоён масофа бордир.  
Каттадир азизим, ўртамизда фарқ.  
Оҳ, чалғиб кетяпман...  
Орзуларимдан..  
Менга азоб берар бу айри дунё.  
Муҳаббат, охирги сўзни ўзинг айт  
Кетайми,  
Кетайми,  
Қолайинми ё?!

### ТОНГ

Озриқ берар бу кеч жароҳат,  
Кўзларим лиқ согинчга тўлган.  
Сен ҳам мени куттирма фақат,  
Сен ҳам барвақт туришини ўрган!

Маҳфуза ИМОМОВА

1989 йилда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғилган. Шеърлари туман, вилоят ва Республика матбуотида эълон қилинган. Ҳозирда “Эко олам” журналида фаолият юритмоқда.



## ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Болалар маънавиятини шакллантиришда эртактарнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда турли халқ эртактари асосида кўплаб мултфилмлар яратилмоқда. Телеэкранлар орқали кўрсатилаётган мултфилмлар болалар тарбиясига таъсир этиши табиий. Лекин айти пайтда экранларда намойиш этилаётган мултипликацион филмларнинг ҳаммаси ҳам фойдали жиҳатларга эгами? Умуман, ҳозирги кунда болалар учун яратилаётган анимацион филмларнинг аҳволи қандай ва бу жараёнда асосан қайси муаммолар кўзга ташланаяпти?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ўзбекино” миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида ана шу мавзуда атрофлича фикр алмашилди.

– Ҳамма яхши нарсаларни болаларимизга бағишлагга ҳаракат қиламиз, – деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. – Шундай экан, болаларга филмлар ва мултфилмларнинг ҳам энг яхшиларини тақдим қилишимиз керак. Энг аввало, турли эртакт ва ҳикоялар асосида яхши мултфилмлар яратиш, бунинг учун эса истеъдодли ёзувчи ва режиссёрларнинг ҳамкорлиги йўлга қўйиш зарур.

Дарҳақиқат, ҳақиқий ёзувчи ҳар бир асар устида, токи айтмоқчи бўлган гапи маромига етгунча, жиддий ишлайди. Росмана режиссёр ҳам ўз ишига ўта масъулият ва талабчанлик билан ёндашади. Бундай жараёнда, албатта, барчага ибрат бўладиган яхши асарлар яратилади. Болалар учун асарлар ёзаётган фидойи ёзувчи ва шоирларимиз ҳам, моҳир режиссёрларимиз ҳам кўп. Ҳозирги вақтда хорижий мамлакатларда тайёрланган кўплаб анимацион филмлар ўзбек тилига ўгирилиб, телеэкранлар орқали намойиш этиляпти ёхуд дискларга туширилиб, савдога чиқарилмоқда. Лекин уларнинг савияси, миллий тарбиямизга қанчалик тўғри келиши жиддий ўйлаб кўриладиган масала. Бинобарин, филмлар тарбия воситаларидан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уларда, аввало, миллий қаҳрамонлар қиёфаси акс этишига, тилига, дидактик аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмаси асосида ҳар йили йигирмага яқин болалар ва ўсмирлар учун филмлар, ўнга яқин мултфилмлар ишлаб чиқарилаётганлиги таъкидланди. Аммо уларнинг ҳаммаси мазмунан пишиқми, тили болаларга мосми? Сценарийларнинг кўпчилиги ҳаваскор ижодкорлар томонидан тақдим этилаётганлиги, бу эса режиссёрлар ва киномухаррирлар учун ҳам муайян қийинчиликларни юзага келтираётгани айтилди. Шунинг учун эндиликда таниқли ёзувчи ва шоирлар ҳам бу ишда четда томо-

шабин бўлиб турмасдан, яхши асарлар, сценарийлар ёзиб берсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х. Тўхтабоев, Анвар Обиджон, таниқли шоирлар Т. Адашбоев, Мирозиз Аъзам, режиссёрлар Мавзур Маҳмудов, Б. Одилов, “Ўзбекино” бош муҳаррири Ғафур Шермуҳаммад, ва бошқалар мавзу бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнгида ушбу соҳада ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

\*\*\*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ташкил этилган давра суҳбатида асосий эътибор болаларга аталган кўшиқларнинг бугунги савияси, уларни ривожлантириш йўллари мавзусига бағишланди.

– Бундан қарийб чорак аср муқаддам яратилган айрим кўшиқлар борки, ҳали ҳам кўпчилик томонидан севиб тингланади, – деди Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Бу истеъдодли шоир ва бастакорларимизнинг ҳамкорлиги туфайлидир. Ҳозирги кунда болалар учун юқори савияли кўшиқларнинг камлигига биринчи галда шоир ҳамда бастакорларимиз ўртасида ҳамжиҳатликнинг етарли даражада эмаслиги сабаб деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам турли байрам тантаналари ва тадбирларда болаларга тақдим этиладиган кўшиқларни танлашда қийинчиликларга дуч келаямиз.

Таъкидланганидек, бугунги кунда болалар кўшиқчилигида ҳали анчагина муаммолар мавжудлигини тан олмай иложимиз йўқ. “Булбулча”, “Томоша”, “Севинч” каби болалар дасталари фаолият кўрсатаяпти. Аммо ушбу дасталарнинг репертуарларини ҳали яна анча бойитиш керак. Шу боисдан ҳам айти пайтда мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида қандай тадбир ўтказиладиган бўлса, аксарият ҳолларда катталар учун ижро этиладиган ишқ-муҳаббат ва бошқа мавзудаги кўшиқлардан фойдаланилмоқда. Болалар онгига айнан ана шундай кўшиқлар сингиб қоляпти. Бу шунчаки муаммо эмас. Энди истеъдодли қаламкашлар, бастакорлар биргаликда ижод қилиб, болалардек беғубор, қувноқ, мазмундор кўшиқлар яратиш устида самимий изланишлари зарур. Бундай кўшиқларни тўплаб, видео ва аудио албомларини кўпайтириб, таълим муассасаларига ҳамда кенг оммага етказиш масалалари ҳам ўйлаб кўрилса мақсадга мувофиқ бўларди.



Феруза ТЎРАЕВА



# ЙЎЛОВЧИ

## Ҳикоя

Рустам йўл бўйлаб хушхандон келарди. Кўзлари қувончдан порлаган. Чехрасида мамнун бир ифода. Майин эсаётган шабада димоғига келтирган чечаклар ифоридан мириқиб, чуқур-чуқур нафас олди. Бу ифор баҳор хушхабарига лиммо-лим эди. Бундан Рустамнинг кўнгли ҳам чоғланди. Уни хуш кайфият етаклаб кетаётган эди. Кун ҳам гўё унга ҳамроҳлик қилишга шайлангандек дарахт япроқлари орасидан мўралаб-мўралаб кўярди. Кўкнинг у ер-бу ерида момиққина булутлар намланган пахтадай сузиб юрибди. Қушларнинг чуғурлаши, гала-гала бўлиб, бир-бирларини қувлашиб у дарахтдан бу дарахтга пириллаб учиб-кўнишлари кўнгилларда алланечук завқ уйғотади.

Рустам туйқус кечаги сабоқни эслади. Қандайдир институтдан атай ташриф буюрган, юз-кўзидан, хатти-ҳаракатидан билимдон, фикрчан зиёли эканлиги билиниб турган ёш бир муаллим махсус маъруза қилиб берди. Маъруза ҳам унча-мунча эмас, инсоний комиллик мавзусида бўлди. Домла инсоний меҳр-оқибат, садоқат, имон-этиқод ҳақида тўлқинланиб гапириб ҳаммани оғзига қаратди. Ҳатто айримлар андак-андак кўз ёши ҳам қилиб олишди.

Биз муносабатимизни энг аввал яхши кўришдан бошлаймиз. Кейин иззат-ҳурмат уйғонади. Сўнг севамиз, меҳр кўрсатамиз. Оқибатда, бир-биримизни ардоқлаб яшаймиз, деди у донишмандларга хос ўйчанлик билан. Хуллас, ўзи ҳам комиллик таъмини татиб кўрганига ҳаммани осонгина ишонтирди. Энг муҳими, Рустам домланинг эътиборига тушди. У берган саволлар устозда қизиқиш уйғотди. Миянг бут болага ўхшаяпсан, кейинроқ менга бир учраш, – деди у киши кетар чоғи.

Ўша эътирофлар хаёлида жонланар экан, Рустамнинг қалби баттар чарогон тортарди. Теварагига мамнунлик, очиқ кўнгиллик билан кўз ташларди. Йўлда нотанишларни кўрганда ҳам кўнгли юмшаб, уларнинг

яқин келишини интизор кутарди. Гоҳо қадамларини жадаллаштириб кимларгадир етиб оларди. Туйқус у бир чолни кўриб қолди. Қария ҳассасига таянган кўйи аранг борар, эгилиб-букилиб қолганига қарамай шошилиб қадам ташларди. У тез юришга қанчалик уринмасин, қариллик оёғига тушов бўлганди.

“Сизга кўмак керак эмасми”, – деб сўради Рустам унинг сертомир қўлидан тутиб.

Чол чурқ этмади. Бошини янада энгаштириб олди. Нигоҳини ердан олмади. Рустам чолнинг ҳасса ушлаган кўлига кўлини қўйди. Чол кўлини тортиб олди. Энди унинг кўллари қалтирай бошлади. Рустам ўзини андак четга тортди. Бироқ чолни эътиборсиз қолдира олмади. Ортидан унга эргашди. Чол бепарводай кетарди-ю, аммо хижолат тортганлиги сезилиб турарди.

Рустам энди нимадир дейишга юраги дов бермаётганди. Иккаласи жимликни бузмаслик керакдек йўлда давом этиб борарди. Бироздан кейин чолнинг лаблари пирпирай бошлади. Гоҳида ўзи билмаган ҳолда овози чиқиб қоларди. Рустам уни элас-элас эшитарди-ю, тушуна олмасди. Кейин қариянинг нима деяётганига қизиқиб изидан бораверди. Унинг нима учун бу кўйга тушганини билишни хоҳларди. Чол ҳамон гапириниб кетишда давом этарди.

– Ўзим. Нега ўзим? Хатога қаерда йўл қўйдим? Ахир у... – деди-ю, ёнида ҳамроҳи борлиги эсига тушди.

Чол Рустамга қаради.

– Сизга нима керак, ўғлим?

– Кечирасиз. Сиздан... – Рустам хижолат бўлганидан гапини давом эттира олмади. Ноқулай аҳволда қолганини ҳис қилди.

– Мендан ниманидир сўрамоқчимисиз? – сўради чол.

– Ҳа. Билмоқчи эдимки...

– Қаёққа кетаяпсиз демоқчимисиз, – деди қария чўрт кесиб. – Ҳозир қаерга кетаётганимни, қаерга бо-ришни ўзим ҳам билмайман.

Феруза ТЎРАЕВА

*Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети-нинг журналистика факультети талабаси.*

Рустам бундай гапни кутмаган эди. Шунинг учун у хайратини яшириб ўтирмади.

– Ахир улуг ёшда бўлсангиз...

– Алам қиладигани ҳам шунда-да, – деди чол.

Рустам энди қарияни яхшироқ билишга ҳаракат қила бошлади.

– Фарзандларингиз йўқми?

– Яккаю ёлғиз ўғлим бор, – хўрсиниб жавоб берди чол.

– У билан яхши эмасмисиз?

– Шундай десам ҳам бўлаверади. Лекин начора... набираларимни яхши кўраман, уларнинг кулишлари, атак-чечак юришлари, айниқса, "бо-бо" деганини эшитганимда дилим яйради. Афсуски, булар мен учун ширин истак...

Қария кўзларидан дувиллаб келган икки қатра ёшини Рустамдан яшириб ўтирмасдан артиб қўйди.

Рустам ҳар савол берганида чолга озор бергандек бўларди. Бироқ уни шу ҳолича ташлаб кета олмасди ҳам.

Чолнинг юраги эзилган. Рустамга меҳр тўла кўзлари билан боқиб турарди.

Энди Рустам қарияга яқин бўлиб қолганди. Мўйсафидни суҳбатга тортишни хоҳларди. Рустам чолни кўча четида жойлашган ёғоч ўриндиққа бошлаб борди. Нима биландир унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Чол ерга тикилган, гоҳида чуқур хўрсиниб оларди. Гоҳида ачиниш ва раҳмдиллик билан Рустамга қараб қўярди.

Рустам ўзини қатъий тутган бўлди. Чолдан нима бўлганини очиқ сўрашга киришди.

– Отахон, нега борадиган манзилингиз йўқ? Фарзандингиз бор экан.

– Фарзандим бор. Тўрт қаватли уйим бор. Афсуски, у ерда менга жой йўқ.

– Нима?! Тўрт қават уйда сизга жой йўқ!

– Сиз тушунишингиз учун бошидан бошламасам бўлмайди, – деди чол, сўнг оғир сўлиш олиб, хира бир товушда ҳикоясини бошлади, – ёш эдим. Отам вафот этганди. Оилани боқиш онам ва акаларимнинг зиммасида қолди. Онам куни билан кўчада тамаки сотиб ўтирарди. Икки акам эса, ёз-кузда қадоқланмаган сув сотишарди. Олиб юрилган сув иссиқда исиб кетар, онда-сонда олмоқчи бўлган харидор ҳам сувни олмай кетарди. Акаларимнинг бу аҳволдан ҳафсалалари пир бўлар эди. Мен кичкина эдим. Онамга ё акаларимга эргашиб юрардим. Шу зайил кун кўрардик. Кўпроқ пул келган куни севишиб кетардек. Даромад яхши бўлган куни орзуларимиз учун пул йиғардик. Буни қарангки, онам тамаки сотиб юриб, баданига тамакидан аллергия тошадиган бўлиб қолди. Аста-секин касаллик

тез-тез безовта қила бошлади. Орзулар учун йиғилган пуллар аламли кўз ёши билан кетди. Акаларим онам учун югурди-елди. Бироқ хасталик бизни онасиз қолдирди. Акаларимнинг зиммасидаги юмушлар яна оғирлашди. Икала акам ҳам тамаки сотишга ўтди. Мени бирга олиб юришарди-ю, тамаки соттиришмасди. Онам бизларни оқ ёқали кўйлак кийса, деб ҳавас қиларди. Доим кийимларимдан тамаки ҳиди анқиб турарди. Биз доғлари тез билинмайдиган кўйлак кийардик. Кўчада югургилаб юрганзимиздан тез терлаб кетардик. Кейин кийимлар чангдан кирланарди. Онамнинг орзусини амалга оширишни истаган акаларим мени ўқитишди. Сўнг мен ишлай бошладим. Акаларим хурсанд эди. Биз бахтиёр эдик. Бир-биримиздан ҳеч нарсани аяб ўтирмасдик. Улар ҳаёт қийинчиликларига эрта учраганлиги сабаб эрта вафот этишди. Мен акаларимсиз ёлғизланиб қолиб бор меҳримни ўғлимга бериб, унга суяниб қолдим. Ҳаётим осуда кечарди. Акаларим менга қилган меҳрибончиликларини, зорланиб яшамаслигим учун берган кўмакларини мен ўғлимга қилган эдим. Ҳеч нарсага зориқмади. Қийинчилик нималигини билмади. Зиёлилар орасида юрсин, авлодимиз ночор қолмасин, деб ўқимишли қилдим. Ниҳоят, зиёлилар орасида ўзининг фикрига эркин суянадиган бўлди. Обру ҳам орттирди. Бироқ юксалишлар уни кибрлантириб юборди. Мен ишонтириб айтаманки, менинг ўғлим зиёлилик муҳитини ўзгартириб юборди. Мана, бир ойдан ошаяпти, менга ҳар куни янги қурилган қариялар уйини мақтайди. Мен шу жойда яшашим керак экан. У жойни банд қилиш учун танишларини анча оввора қилиб қўйган экан. Мен бормасам сўраган одамларнинг олдида ўзи шувут бўлар экан. Ҳозир мени излаб юргандир.

Чолнинг ҳикояси тугар-тугамас олдиларига яп-янги "Ласетти" келиб тўхтади.

– Отахон, келинг, машинага чиқинг, – деди ҳайдовчи.

Чол Рустамга сўлғин қаради-да, сўнг ҳассасини шундай маҳкам ушлаб олдики, гўё ҳаёт-мамоти шунга боғлиқ эди. Рустам чолни кузатиб турарди. Чол машинага яқин борганида эшик очилди. Ичида кимдир бор эди.

«Овора қилмасдан ўтирсангиз бўлмайдимиз?», – деди номаълум йўловчи.

Рустам машина ичкарасига синчиклаб қаради. Қаради-ю, кўзларига ишонгиси келмади. Ўзини панага олиб турган одам, ўша – комил инсон ҳақидаги маърузаси билан ҳаммани лол қолдирган ёш билимдон устоз эди.

Рустам худди ҳаво етишмаётган каби бўғила бошлади. Негадир чор атроф кўзига зим-зиё бўлиб кўринди.





Дилафрўз ЗЕБАРОВА



## "ОҚ ҚОҒОЗ КЎНГЛИМНИНГ ТУҒИЛГАН ЕРИ"

ёхуд ёш шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаева ижодига  
бир назар


Ёшлик инсон умрининг энг гўзал фаслидир. Айни шу даврда инсоннинг ички дунёси турфа эврилишларни бошидан кечиради. Орзулар, соҳир туйғулар қалбни ифорли чаманзорга айлантиради. Ёшликнинг ушбу манзарасини тасвирлаш ҳар бир ижодкорда ҳар хил кечади. Бу борада иқтидорли шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаеванинг ўз нигоҳи, айтар сўзи бор. Биз куйида унинг яқиндагина "Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган "Ўзингизни авайланг" деб номланувчи тўпламидан жой олган айрим шеърларига назар ташлаб ўтишга ҳаракат қилдик.

Ҳаётни англаш умрнинг ёшлик дамларидан бошланади. Бу даврда киши турли кўчаларда ҳаётнинг ўзига дуч кела бошлайди. Гулбаҳор бу ҳолни нозик бир чизгилар билан гўзал ифодалайди.

*Ёпиб болаликнинг дарвозасини,  
Кенг кўчага чиқдинг – бу ҳаёт йўли.  
Қайга ғойиб бўлди бармоқчаларинг,  
Қўлларинг ҳам катта одамнинг кўли...*

Дарҳақиқат, киши дунёни англай бориш баробарида болалик дарвозасини ёпишга мажбур бўлади ва ташқарига – чинакам ҳаёт кўчасига чиқади. Энди у бола эмас. У ҳаёт саҳнасида асосий ролларни ўйнай бошлаши керак.

*Елкамга кўлини ташлади дунё,  
Дўст бўлайлик, деди, мен дўст бўлмадим.  
Кейин қасд қилишни бошлади дунё,  
Мен бундай яшашга кўнмадим.*



Ҳаётдаги турфа кечмишлар силсиласида туйғулар шуурида тарашланиб инсон теранликни оширади. Энди унинг ҳар бир қадамда мулоҳазага эҳтиёжи орта бошлайди. Шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаева эса...

«Энди мусичанинг кўзларида мен, томоша қиламан болалигимни», «Дунё айт, ким билан дўстсан ўзи, юраги бутунни кўрмадим», каби ифодалар билан ўз қарашларини изҳор этади. Ушбу ҳолатни ифодалаш учун шоира яна бир шеърда, «оқ қоғоз-кўнглимнинг туғилган ери» дея шоирона туйғуларга хос сатр тузади. У энди кўнглидагиларни қоғозга шеър қилиб

туширишга уринади: "Мук тушиб ёзасан, ёзаверасан, Кўнглингни ёзолмай бўласан ҳалак".

Шоира ушбу шеърининг давомида «Шу лаҳза сувдамас, бошқа жойдамас, қалбингда айланар кўҳна чархпалак» сатрлари орқали кўнглида кечётган кечинмаларнинг манзараларини маъюс бир оҳангларда беришга уринади.

Ҳар қандай инсон, унинг фикр юритиши, бирор туйғуни ҳис қила олиш қобилияти бардавом экан, унинг қалбида энг азиз бўлган туйғулар яшайди. Ватан туйғуси – ана шу туйғулар ичида энг залвор-

Дилафрўз ЗЕБАРОВА

*Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Ўқитувчи.*

лисидир. Ҳисларни қоғозга муҳрлаш ижодкордан алоҳида масъулият, ҳаракат талаб қилади.

*Ватан нелигини англар экансан,  
Бехосдан ўзингни англай бошласанг.*

Гулбаҳорнинг ушбу сатрларида ватанни англаш, ўзни англаш билан нақадар боғлиқ эканлиги фалсафий ёндашув жиҳатидан ҳам чиройли тасвирланган. Ватаннинг ҳар бир кенглиги: унинг чаманидаги таровати-ю, боғларидаги саховатидан илҳомланган шоира "Нафас олинг..." шеърда қуйидаги кўркем сатрларни битади:

*«Сиз ҳам она заминга ўхшаб, нафас олинг май-салар билан», «Энг аввало, тупроқни севинг, ана шунда гуллайди Ватан!», «тоғолча ҳам уйғониб кетди, кийиб олди оқ гулли қўйлак», «ватан нелигини англар экансан, ...бошингда чирқираб айлана-верса, ватанидан жудо бўлган лайлаклар.»*

Муҳаббат ҳақидаги сатрлар ҳамма даврда ҳар бир шоир ижодида ажойиб истиоралар, ташбеҳлар ва янгидан янги топилмалар билан ўқувчи юрагини ҳаяжонга солиб келган. Чунки инсон яшар экан, унинг ўзи бир бутун оламдир. У ўз ички дунёсини ўзича тушунади ва намоён қилади. Шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаеванинг муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам дийдор, ҳижрон, ёлғизлик кечинмаларини бўёқларда чизиши ўқувчи эътиборини тортади. Унинг узок айрилиқдан сўнг кўришган ошиқ ва маъшук ўртасидаги дийдорни:

*Мен ўзимни йўқотиб қўйдим,  
Сени топиб олган лаҳзада*

каби рангин, бадий тизмаларда бериши шеърнинг тасирчанлигини ниҳоятда оширган. Ушбу жумлалардаги "йўқотиб қўймоқ" ва "топиб олмоқ" шак-

лидаги тазод санъатининг моҳирона қўлланиши ўқувчига завқ бағишлайди. Шоира ошиқ кўнгилининг ҳижронли кунлардаги ёлғиз дамларини:

*Мени алдар ёлғизлигимда,  
Қуриб қолган япроқлар рақси*

дея маҳорат билан ифодалайди. Ва шу баробарида кўнгили иқдорини очиб беради. Бу сатрларни ўқиганда кўз ўнгимизда атрофи куз билан қуршаб олинган, ўзи эса дарахтлардан тушаётган ҳазонрез барглар товушига кўниккан ошиқ тимсоли намоён бўлади.

Шоира ижодида, айниқса, ошиқликдаги кайфияти, оний, ҳеч кимга ошкор этилмайдиган ҳолатларни ўқувчига етказиш устун туради. Бу кайфиятни ўқувчи шеърни ёлғиз синчиклаб ўқиш жараёнидагина ҳис қилиши мумкин.

*Усмон Азим. Куз. Менинг кўнглим.  
Юрагимнинг очиқ дарчаси.  
Кўзларимга мўлтираб боқар,  
Янги ойнанинг синиқ парчаси.*

Ушбу шеърда шоир Усмон Азим шеърларидан таъсирланган, шикаста қалбнинг тушкун ҳолати куз кайфияти билан уйғунлашганига гувоҳ бўламиз. Одатда ёлғиз қолган, тушкун кайфиятдаги киши ойга боқиб хаёл суриши мумкин. Лекин шоира ушбу ҳолатга бошқа томондан ёндашади, яъни ой лирик қаҳрамоннинг кўзларига "мўлтираб" боқади. Янги чиққан ҳилол эса унга тўлин ойнанинг бир парчаси бўлиб кўринади. Лирик қаҳрамоннинг шикаста қалби ойга қиёсланиши гўзал поэтик топилмадир.

Биз иқтидорли шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаеванинг ижоди бардавом, ёниқ бўлишини, ҳеч қачон хира тортмаслигини тилаймиз.





## УЙҚУ АРАҒАСИ

### Ҳажвия

Роксбороулик жаноб Баттервик анчадан бери уйқусизлик касалига чалинган. Мана ҳозир ҳам пинакка кетиш учун қилган бесамар ҳаракатларидан сўнг, тўсатдан ёдига бир алманахда ўқигани, уйқусизликни даволаш чораси тушиб қолди. Унда ухлаб қолиш учун хаёлга бир пода кўйни бирор тўсиқ устидан сакраётганини келтириб, кейин уларни санаш лозимлиги ёзилган. У шу тажрибани амалда қўллашга қарор қилди. Кўзларини юмиб тўсиқдан сакраётган кўйларни тасаввур қила бошлади. Бир юз қирқинчи кўйга келиб, жаноб Баттервик мудрай бошлади. Аммо тўсатдан Баттервик хоним гапириб юборди:

– Йозеф!

– Ҳа, нима?

– Менимча сариқ товуғимиз жўжа очмоқчи.

– Оҳ, бундай арзимас гаплар билан уйқумга ҳалақит берма! Жим бўл-да, ухла!

Кейин Баттервик яна бошқатдан кўйларини санашни бошлади: У бир юз йигирманчи кўйга келган пайт яна кўзи мудрай бошлаганини сизди, бир юз йигирма биринчи кўй тўсиқдан ошиб ўтиш учун ҳавога кўтарилганди ҳамки, эгизаклардан биттаси бақириб йиғлаб юборди.

– Болангга қара! – деб, бақирди у Баттервик хонимга. – Нега сен уни тинчлантириб ухлата олмайсан-а?

Баттервик хоним болани ухлатиши биланоқ, Баттервик, асабийлашган ва ҳаяжоланаётган бўлса ҳам, бояги ишидан давом этишга қарор қилди. Хаёлий подани кўз олдига келтириб санашни бошлади.

Эндигина олтмиш биринчи кўй хурсанчилик билан тўсиқдан сакраб ўтганди ҳамки, Баттервикнинг қайнонаси эшикни тикиллатиб, куёвини сўроқлатди. Унинг уйғоқлигини билгач, орқа дарчани ёпишни унутганини, ҳозиргина боғда ўғрилар шовурини эшитгандек бўлганини маълум қилди.

Баттервик чойшабга ўраниб боққа чиқди. Дарчанинг ҳар доимгидек ёпиқлигини кўрган Баттервик, ётоқхонага қайтган заҳотиёқ эртага эрталаб, яхшиликча ё қайнонаси, ёки унинг ўзи уйдан чиқиб кетишини айтди.

Бўлган воқеаларга қарамай, у алманахда ёзилган тавсияга яна бир бор имкон бермоқчи бўлди. Бу сафар у икки юз қирқинчи кўйга етиб келди, бунақа, уч юзинчи кўйга етгунча у аниқ узоқ кутилган уйқуга шўнғиши аниқ эди. Лекин шу пайт кўшни боғдаги Макснинг янги ити эски уйини соғиниб, узоқ ва баланд овозда увиллай бошлади.

Баттервик ғазаб отига минган эди. Кўйларга ҳам парво қилмасдан, у кўлига илинган нарса билан Макснинг янги итини “ўққа тута” бошлади. Товоқчалар, финжонлар ва қошиқлардан сўнг итга қараб Даниэл Вебстернинг гипсдан ишланган бюсти учди-ю, ит юғриб уясига кириб кетди. Ва тонггача эски уйи ҳақида сукунатда ўйлашга мажбур бўлди. Сабр косасига охириги томчи тушганини сезиб турса ҳам Баттервик аьманахда маслаҳат берган олим тавсиясига яна бир амал қилишга уриниб кўрди. Шундай қилиб саксон иккинчи кўй ҳам эсон-омон тўсиқдан сакраб ўтганини кўриб, эндигина тушлар оламига сокин шўнғиётган маҳал, тўсатдан Баттервик хоним уйқусираб гумбурлаган кўйи кораватдан йиқилиб тушди ва бу сафар эгизакларнинг иккаласини ҳам уйғотиб юборди. Болаларнинг чинқириғига кўшимча, қайнона тепадан пастки қаватга бир вақтнинг тўрт қадам ташлаб, ҳозирги бўлган ер қимирлашини пастдаги болалари ҳам сезган-сезмаганини сўраб, учиб келаётганди.

Бўлиб турган ҳолат сўз билан тариф этиб бўлмас даражада ёмон эди. Баттервик унга бир муддат ақлдан озган кишидек қараб турди-да, кейин ёстиғини олиб, шаҳд билан орқа меҳмонхонадаги диван томон йўл олди. У ўн дақиқа ичида, ҳеч қандай алманахнинг маслаҳатларисиз ухлаб қолди. Тушида Косвольд кўчқори уни экватор бўйлаб қувлаб юрганини кўрди. Эрталаб даҳшатли бел ва бош оғриғидан уйғонди. У энди Косвольд кўйлари фақат жун ва гўштликка яхши эканини, аммо мақташга умуман арзимаслигини теран англади.

**Инглиз тилидан Аидахон БҰМАТОВА  
таржимаси**